

31  
с 83

316(07)

Б.Раҳмонов, А.Содиқов, Н.Сиддиқов,  
Г.Хашимова, А.Санакулов, Л.Юлдашев

2/13

# СОЦИОЛОГИЯДАН ТОПШИРИҚЛАР ТЎПЛАМИ

(Ўқув-услубий кўлланма)

ЎҚУВ ЗАЛИ

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti  
373971  
Axborot Resurs Markazi

“Адабиёт учкунлари”

ТОШКЕНТ – 2014

2056628

УДК: 316.68

ББК: 60.5

R30

Рахмонов Б. Социологиядан топшириклар тўплами. Ўқув-услубий қўлланма / Б.Рахмонов, А.Содиқов – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2014 – 128 б. ББК 60.5

**“Социологиядан топшириклар тўплами” ўқув-услубий қўлланмаси** Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Илмий Кенгашининг 2013 йил 29 ноябрдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (11-сонли баённома).

**Масъул муҳаррир:** Алиев Б. А. – фалсафа фанлари доктори,  
профессор

**Такризчилар:** Мухторов А. – фалсафа фанлари доктори,  
профессор  
Ўтамуродов А. – фалсафа фанлари номзоди,  
доцент

ISBN – 978 – 9943 – 4320 – 3 – 1

© Адабиёт учкунлари МЧЖ

“Илм – маърифатга кизиқиши султ  
миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди”.

**Ислом Каримов**

## **К И Р И Ш**

Жамиятнинг юксалиш жараёни унинг сифат жиҳатдан янада янгилашиб, такомиллашиб боришини ва ўзига хос шаклдаги қонуниятли ўзгаришларни кенг суръатда тақозо этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги ишларимизда тегишли амалий натижаларга олиб келди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузасида бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаган: “Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас”.<sup>1</sup>

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши натижасида иқтисодиёт фанлари билан “Социология”нинг бир-бирига яқинлашуви ва уйғунлашиб бориши ҳам шунчалик кучаяди. Фикримизга мисол тариқасида кейинги йилларда “Социология” фанининг муҳим тармоқлари сифатида кўпроқ аҳамиятли бўлиб бораётган “Маркетинг социологияси”, “Менежмент социологияси”, “Инфратузилмалар социологияси”, “Коммуникациялар социологияси”, “Меҳнат социологияси”, “Иқтисод социологияси”, “Ижтимоий бошқарув социологияси” ва бошқа шу каби бир қанча йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т., “Ўзбекистон”, 2010, 7-бет.

Кейинги йилларда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида иқтисодиёт фанлари билан бир қаторда “Социология” фанини ўқитишда ҳам илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ишига жиддий эътибор берилмоқда. Шу асосда кўплаб ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий ишланмалар, илғор педагогик ва ахборот технологияларига асосланган таълим технологиялари яратилди. Айниқса, ўқитишнинг масофавий усулларидан фойдаланиш, электрон дарсликлар тайёрлаш, мультимедиалар яратиш, ўқув-услубий мажмуа тузиш каби ишлар машғулотлар сифатини яхшилаш билан бирга унинг таъсирчанлигини оширишга ҳам олиб келмоқда. Бундан ташқари, маъруза ва амалий машғулот дарсларини ўтказишда “инсерт”, “кластр”, “балик суяги”, “нилуфар гули” усуллари, “Венн”, “қандай”, “нимага” диаграммаларидан фойдаланиш, “каскад”, “пирамида”, “дельфи”, “пинборд”, “зиг-заг” (эгри-бугри) техникаларини қўллаш кўплаб ижобий натижаларни бермоқда. Ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил фикрлаш, ўз қарашларини асосли ҳимоя қилиш, баҳслашиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун семинар дарсларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай дарслар ўтказилишида ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этиб бораётган интерфаол усуллардан фойдаланиш, жумладан, кичик гуруҳларга бўлиниш, маълум позицияни эгаллаш, ақлий ҳужум, роллар ўйини каби усулларни кенг қўллаш машғулотларнинг самарали бўлиши, уларнинг қизиқарли кечишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу маънода Президент И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан билдирган қуйидаги фикри ғоят эътиборлидир: “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болталаримизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”.<sup>1</sup>

Ушбу ҳолатга жиддий эътибор берган ҳолда, “Социологиядан топшириқлар тўплами” ўқув-услубий қўлланмасида талабаларнинг фандан олган билимларини синаб кўриш, уларда топқирлик ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Тошкент “Ўзбекистон”, 2009. 29-бет.

изланувчанлик сифатларини ошириш мақсадида турли топшириқлар, айрим бошқотирмалар, муаммоли вазифалар, кроссворд, психологик тестлар келтирилган.

Албатта, ҳар қандай ўқув ёки услубий қўлланмани тайёрлашдан мақсад, биринчи навбатда, шу фанни ўқитиш сифатини ошириш, фанга бўлган кизиқишни янада кучайтириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабаларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ушбу ўқув-услубий қўлланма ҳам шу йўлда ташланган ўзига хос кадам бўлиб, у мазмун-моҳияти билан “Социология” фанидан ўтказиладиган ўқув машғулотлари сифатини яхшилашга қаратилган. “Ҳар тўқисда – бир айб”, деганларидек мазкур қўлланма ҳам айрим камчиликлар ва нуқсонлардан холи эмас. Шу боисдан муаллифлар жамоаси қўлланма ҳақида билдирилган фикрларни самимий қабул қиладилар ва муҳтарам китобхонларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этадилар.

## МАНВЗУ. Социология – фан сифатида

Социология (лотинча *societas* – жамият ва юнонча *logos* – таълимот) – сўзларидан таркиб топган бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади.

Социологияга доир ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва бошқа илмий адабиётларда бу фаннинг предмети, тадқиқот объекти ва вазифалари тўғрисида хилма-хил фикрлар баён қилинган.<sup>1</sup>

Социология – яхлит инсоният жамияти ҳамда кишиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролига қараб ўзаро муносабатда бўлишлари ҳақидаги фан.

Социология – жамиятнинг социал соҳаси ва социал ҳатти-ҳаракат ҳақидаги фан.

Социология – фуқаролик жамияти аъзолари бўлган кишилар онги ва ҳатти-ҳаракатининг ҳаракатга келтирувчи кучлари тўғрисидаги фан.

Социология – жамият ва шахс иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётининг ўзига хос ижтимоий моҳияти тўғрисидаги фан.

Социология фанининг бир мунча мукамал ва яхлит кўринишдаги таърифи рус олими Г.В.Осипов томонидан келтирилган : “Социология ижтимоий тизимларнинг амал қилиши ва ривожланиши, умумий ва ўзига хос социал қонун ва қонуниятлари, бу қонун ва қонуниятларнинг шахс, ижтимоий бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида юзага келиш ва амал қилиш шакллари тўғрисидаги фан”.

Социология асосчилари ва кейинчалик бу фанни ривожлантирган олимлар унинг предметини қуйидагича изоҳлаганлар :

- Социология позитив фан (О.Конт)

<sup>1</sup> Бу таърифлар О.Конт, Дж.Смелзер, М.Вебер, С.С.Фролов каби олимларнинг фикрлари асосида келтирилган.

- Социология социал далиллар (фактлар) хакидаги фан (Э.Дюркгейм)
- Социология хатти-харакат ва хулк-атвор хакидаги фан (М.Вебер)
- Социология хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назарияси (Г.Зиммель)
- Социология – жамият хакидаги фан (Ж.Смелзер)

**Қадрли талаба !** Сиз “Социология” фанининг мазмун – моҳияти тўғрисида умумий тушунчага эга бўлдингиз. Шунга асосланган ҳолда, энди эътиборингизни қуйидаги топширикларни бажаришга қаратамиз.

**Топширик.** Қуйидаги тушунчалар ва уларнинг таърифлари ўртасидаги мувофиқликни кўрсатинг.

#### Тушунчалар:

- |                         |                                |
|-------------------------|--------------------------------|
| а) социал хатти-харакат | з) микросоциология             |
| б) социал далил         | и) таркибий ёндашув            |
| в) социология           | к) ҳаракат назарияси           |
| г) илмий услуб          | л) гуманитар билим тамойиллари |
| д) социал муаммо        | м) макросоциология             |
| е) социологик муаммо    | н) функционал йўналиш          |
| ж) жамият               | о) зиддиятли йўналиш           |

**Топширик.** Ўзингиз ўқийдиган гуруҳда “Социология XXI асрда” мавзуида баҳс ўтказишга ҳаракат қилинг. Муҳокамада қуйидаги баҳсли муаммоларга эътибор қаратиш мумкин:

– Социология мутлақо алоҳида бир фанми ёки фанлар тизимими?

– Турли илмий мактаблар ва улар вакилларининг социологиянинг предмети, вазифалари ҳамда унинг жамиятдаги роли масаласига бўлган муносабатлари қай даражада?

– Аъъанавийдан кейинги социология амал қиладими? Агар амал қилса, у қандай социология ва унинг парадигмалари нимадан иборат?

– Ҳозирги замон социологларининг диққат-эътиборлари қандай глобал характерга эга бўлган муаммоларга қаратилмоқда?

– Ўзбекистонлик социолог олимларнинг илмий изланишларида қайси масалалар кўпроқ муҳим аҳамият касб этмоқда?

**Топширик.** Ўз қариндошларингиз ва танишларингиз орасида мини-тадқиқот ўтказинг ва унда қуйидаги саволларга эътибор қаратишга ҳаракат қилинг: 1) улар социология нима эканлигини биладиларми? 2) уларга социологиянинг таниқли вакиллари номлари маълумми? 3) ҳозирги давр социологиясининг янги йўналишлари ҳақида қандай тасаввурга эгалар?

Жавобларни хулосаланг. Уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатинг.

“Социология” фани ўзининг амал қилиш жараёнида бир қанча фанлар билан ўзаро алоқадорликда бўлади ва бу фанлар тизимида ўзига хос ўрин тутади. Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган кейинги топшириқларимиз бевосита “Социология” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатига тегишли ҳисобланади.



**Топширик.** Қуйидаги фанларни илмий билишнинг қайси йўналишига тегишли эканлигини аниқланг (Топширик ҳар бир фаннинг у тегишли бўлган йўналишга маълум белгини қўйиш билан бажарилади).

<b>Фанлар</b>	<b>Табий</b>	<b>Техник</b>	<b>Ижтимоий</b>	<b>Гуманитар</b>
1. Анатомия				
2. Тарих				
3. Материаллар қаршилиги				
4. Фалсафа				
5. Биология				
6. Электротехника				
7. Физика				
8. Машиналар назарияси				
9. Социология				
10. Астрономия				
11. Диншунослик				
12. Психология				
13. Биохимия				
14. Экономика				
15. Радиоэлектроника				
16. Этика				
17. Геология				
18. Космонавтика				
19. Ҳуқуқшунослик				
20. Полимерлар химияси				



Ҳозирги даврда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар ижтимоий соҳа вакиллари, жумладан, социолог олимлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда.

**Топширик.** Сизнингча, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш жараёнида “Социология”нинг қайси йўналишларини кўпроқ ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади? Кўпчилик Ғарб давлатлари ўқув режаларидан ўрин олган “Социал антропология” фанини бизнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида ҳам кенг суръатда ўқитиш тўғрисидаги фикрларга қандай қарайсиз?



**Топширик.** Қуйидаги тушунчалар қайси фанга тегишли эканлигини аниқланг (Топширик ҳар бир тушунчанинг у тегишли бўлган йўналишга маълум белгини қўйиш билан бажарилади).

Тушунчалар	Социология	Психология	Иқтисодиёт
1. Медитация			
2. Эҳтиёткорлик			
3. Капитализм			
4. Субмданият			
5. Товар			
6. Самарадорлик			
7. Камқонлик			
8. Рефлекс			
9. Маргиналлик			
10. Сезги, хис-туйғу			
11. Жамоа			
12. Флегматик			
13. Сальдо			
14. Эмоция			
15. Синдикат			
16. Анкета			
17. Ижтимоийлашув			
18. Аччиқланиш			
19. Брокер			
20. Мобиллик			

“Социология” фанидан ўтиладиган ҳар бир мавзуга педагогик ва ахборот технологияларининг бирон-бир усулини қўллаш мумкин.

**Топширик.** Социологиянинг ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини “Кластер” (боғлам, тўплам маъноларини англатади) усули асосида изоҳлашга ҳаракат килинг.



Ҳурматли талаба! Мавзу бўйича олган билимларингизни куйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.

**1. Социологиянинг предмети ҳақидаги 1) Вебер, 2) Дюркгейм, 3) Конт, 4) Зиммель, 5) Смелзерларнинг фикрларини аниқланг.**

- А) позитив фан
- В) социал далиллар (фактлар) ҳақидаги фан
- С) социал ҳуққ-атвор ҳақидаги фан
- Д) жамият ҳақидаги фан
- Е) хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назарияси

**2. Ўзбекистондаги қайси олий ўқув юртларида социология бўйича мутахассислар тайёрланмоқда?**

- А) СамДУ, ЎзМУ, ФарДУ, БухДУ.
- В) ЎзМУ, НукусДУ, ЎзДЖТУ, Жаҳон ИДУ.
- С) УрганчДУ, БухДУ, ЎзМУ, ТДЮУ.
- Д) СамДУ, ТДИУ, НамДУ, ТДТУ, ҚарДУ.
- Е) Факат ЎзМУ

**3. Социал қонун нима?**

- А) жамиятдаги барча жараёнларни назорат қилиш
- В) ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим ва зарурий боғланиш
- С) социал муносабатларни тартибга солиш
- Д) индивидлар ва социал уюшмалар ўртасидаги алоқа шакли
- Е) социал институтлар ва социал ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш



#### 4. Микросоциология нимани ўрганади?

- A) кишиларнинг кундалик ҳуқуқ-атвор ва ҳагги-ҳаракатини.
- B) долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни.
- C) йирик қўламли социал тизимларни ва улардаги жараёнларни.
- D) истикболга мўлжалланган вазифаларни тадқиқ этишни.
- E) социологиядаги тармоқ йўналишларни ва уларнинг хусусиятларини.

#### 5. Социология фанининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатган Чикаго мактабига ким асос солган?


- A) Р.К.Мертон, Ж.Г.Мид.
- B) А.Маслоу, Ч.Р.Миллс.
- C) А.Смолл, Ж.Винсент, У.Томас.
- D) Э.Мэйо, Р.Нисбет.
- E) Т.Парсонс, Д.Рисмен.

### МАНЗУ. Социология фанининг юзага келиши ва тараккий этиши

Социологиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида қадимги дунё, хусусан, Антик давр мутафаккирлари муҳим роль ўйнаганлар. Улар орасида Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) қарашлари алоҳида аҳамият касб этади.

Платон ўзининг ижтимоий-сиёсий фикрларини “Давлат”, “Қонунлар”, “Софист” каби асарларида баён қилган.

Тоғширик. Платон жамиятни қандай ижтимоий табақаларга ажратган? Уни қуйидаги тасвир кўринишида изоҳланг.



**Қадрли талаба!** Қуйида Сизга берилган шеъринг топишмоқда Антик даврда яшаган иккита машҳур кишининг ўзаро мулоқотлари ифодалаган. Сиз шеърнинг мазмунидан қелиб чиққан ҳолда, уларнинг кимлигини аниқланг.

## Шеърӣ-топишмоқ

*Бир йўл чеккасида ётибман нолон,  
Чорасиз бўлсам-да мен ҳам тирик жон.  
Устимга отингининг сояси тушди,  
Жиловин нарироқ тортсанг-чи, нодон.*

Антик давр социал қарашларида Аристотель (Арасту), айниқса, салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг “Сиёсат”, “Этика”, “Риторика” каби асарларида социал қарашлар агрофлича баён қилинган. Аристотелнинг қарашларида давлат, жамият, ижтимоий табақаланиш, ахлоқ каби масалалар кенг ўрин олган. Аристотель ҳам Платон сингари жамиятни учта асосий қатламга ажратади.

**Топширик.** Шу қатламларни қуйидаги тасвир кўринишида изоҳланг.




Қадимги Шарқ социал фикри ривожда Зардушт таълимоти муҳим аҳамиятга эга. Унинг муқаддас китоби “Авесто”да социал муносабатлар, жамият ва давлат тузилиши асослари, оила ва жамоада ўз ўрнига эга бўлиш, жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар каби масалалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, миллий ва диний қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва “Авесто”нинг 2700 йиллиги кенг нишонланди.

**Топширик.** “Авесто” китоби қандай яратилган ва ундаги уч муҳим қоида тўғрисида нима дея оласиз?

Қадимги Хитой социал фикри тарихида Конфуций (э.ав. 551-479) таълимоти муҳим ўрин тутади. Конфуций ўз қарашларида давлат бошқаруви, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, социал тенгсизлик масалалари ҳақида фикр юритган. У жамият аъзоларининг турли қатламларга бўлиниш сабабларини, биринчи навбатда, уларнинг илм олишга бўлган интилишлари билан боғлайди ва кишиларни 4 қатламга ажратади.

**Топшириқ.** Конфуцийнинг жамиятни қатламларга ажратганлигини қуйидаги тасвир кўринишида кўрсатиб беринг.



Шарқ социал фикри ривожда қадимги Ҳиндистондаги социал фикрлар ҳам муҳим ўрин тутган. Социал қарашлар асосан “Ману қонунлари”, “Ведалар”, “Махабхарата” ва “Рамаяна” дostonларида ифода этилган. Уларда жамиятдаги социал муносабатлар, социал адолат, тарбия ва ахлоқ, кишилар турмуши ва урф-одатига доир масалалар ҳамда диний ақидалар ва қоидалар баён этилган.

**Топшириқ.** Қадимги Ҳиндистонда жамият 4 та кастага бўлинган. Бу касталарни қуйидаги тасвир шаклида ифодалаб беринг.



Ўрта асрлар Шарқ ижтимоий фикри тарихида Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Ибн Сино (980–1037) каби алломалар муҳим ўрин тутганлар. Форобий ўзининг кўплаб ижтимоий фикрлари билан социологик билимлар ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг “Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари ҳақида китоб”, “Бахт ҳақида рисола” каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизimini, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларнинг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган. Абу Наср Форобий ўзининг ижтимоий қарашларида жамиятдаги ўзаро муносабатлар ва ундаги социал қатламлар ҳақида ҳам гапирган.

**Абу Райҳон Беруний (973–1048).** Беруний Марказий Осиёдагина эмас, умуман Шарқда ҳамда жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. У

ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минерология”, “Ҳиндистон” каби асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган. “Минерология” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий аҳволи, ердаги бурчи, олижаноблиги, жамият ҳаёти, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган.

**Ибн Сино (980-1037)** - Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири. У 400 дан ортиқ асар муаллифи эди. Ибн Сино ўзининг бир нечта фалсафий рисоаларида инсонлар ўртасидаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий муносабатларни атрофлича ёритиб берган. Мутафаккирнинг “Соломон ва Ибсол”, “Юсуф қиссаси” каби асарлари бунга мисол бўла олади.

**Топшириқ.** Форобий “Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари ҳақида китоб” асарида жамиятни қандай асосий қатламларга бўлган. Бу қатламларни тасвир кўринишида кўрсатинг.



**Топшириқ.** Қуйидаги жадвалнинг биринчи устунда ижтимоий масалалар ёритилган асарларнинг муаллифлари номи кўрсатилган. Иккинчи устунда асарлар номи жойи ўзгартирилган шаклда берилган. Кўрсатилган асар қайси муаллифга тегишли эканлигининг аниқ жавобини ўртадаги бўш устунга тегишли рақамлар қўйиш билан белгиланг.

т/р	Муаллифлар	Асарлар
1.	Ибн Сино	“Фозил одамлар шаҳри”
2.	Аҳмад Дониш	“Осор-ул боқия”
3.	Конфуций	“Тўрт улус тарихи”
4.	Форобий	“Мунозаралар”
5.	Аристотель	“Сиёсат ҳақида”, “Этика”
6.	Навоий	“Давлат”, “Қонунлар”
7.	Цицерон	“Сухбатлар ва мулохазалар”
8.	Платон	“Соломон ва Ибсол”
9.	Улуғбек	“Тарихи мулки аҷам”
10.	Беруний	“Наводирул вақо”

Маълумки, “Социология” мустақил фан сифатида XIX асрнинг 30-40-йилларида илмий муомалага киритилди.

Француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857) янги фанга “Социология” деб ном берди. Конт нуктаи назарига кўра, “Социология” позитив моҳиятга эга фандир. “Позитив усул” илмий кузатишлар, эксперимент ва такқослаш ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди.

1839 йилда О. Конт томонидан ёзилган “Позитив фалсафа курси” асарининг учинчи томи нашр этилди. Шу асарда у жамиятнинг илмий асосда ўрганиш сифатида биринчи марта “социология” терминини қўллади ва бу ҳолат кейинчалик социологиянинг шаклланиши, ривожланишига катта тўртки берди.

Гарбий Европа социологлари Огюст Конт (1798-1857), Эмиль Дюркгейм (1858-1917) ва Г. Спенсер (1820-1903) социологиядаги классик йўналишга асос солганлар.



О.Конт



Э.Дюркгейм



Г.Спенсер

**Топширик.** Социологиядаги классик йўналишнинг мазмун-моҳиятини ва унинг ўзига хос жиҳатини тушунтириб беринг.

Социологияда ноклассик йўналиш ҳам шаклланган бўлиб, унга Георг Зиммель (1858- 1918) ва Макс Вебер(1864-1920) лар асос солганлар.



М.Вебер



Г.Зиммель

**Топширик.** Социологиядаги ноклассик йўналиш асосида қандай ғоя ётади. Унинг классик социологиядан фарқи нимада?

“Социология” фанининг кейинги ривожиди ХХ аср социологияси ўзига хос аҳамият касб этди. Бу даврда, айниқса, Америка социологияси жадал ривожланган бўлиб, унда Чикаго мактаби фаолияти, эмпирик социология, Гэллап тадқиқотлари, Э.Мэйо тажрибалари, бихевиоризм таълимоти ва бошқа бир қатор назариялар муҳим роль ўйнади.

ХХ асрда рус социологиясининг ҳам шаклланиш ва ривожланиш даври алоҳида ажралиб туради. 1918-1919 йилларда Петроград ва Ярославль университетларида социология кафедралари очилди ва социология мутахассислиги бўйича илмий даража жорий қилинди. 1919 йилда социология институти ташкил қилинди. 1920 йилда Петроград университети ижтимоий фанлар факультети таркибиди социология бўлими ташкил қилинди. Унга машҳур олим П.А.Сорокин (1889-1968) бошчилик қилган.

Рус социологияси ривожининг дастлабки босқичида П.А.Сорокиннинг “Социология асослари”, В.М.Хвостовнинг “Социология асослари. Ижтимоий прогресс қонуниятлари тўғрисидаги таълимот” каби асарлари анча машҳур бўлган.

ХХ аср социологиясида турли йўналишдаги мактаблар, оқимлар, йўналишлар ҳамда назарияларнинг яратилиши мазкур фаннинг кейинги ривожини учун катта аҳамият касб этди.

**Топшириқ.** ХХ аср социологиясидаги мактаблар, оқимлар, йўналишлар ҳамда назарияларни қуйидаги жадвал кўринишида изоҳланг.

Мактаблар	Йўналишлар	Оқимлар	Назариялар

Собик Иттифок даврида Ўзбекистонда “Социология” алоҳида фан сифатида ўқитилмаган ва бу соҳада айрим олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар “Тарихий материализм” фани доирасида амалга оширилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу фанга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва “Социология” алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Университети (ЎЗМУ) да социология бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-Мирзаев, М.Бекмуродов, А.Холбеков,



Н.С.Аликориев каби олимлар фаннинг бир канча йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар. 1997 йил Президент И.А.Каримов Фармо нига асосан мамлакатимизда “Ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилиқ фикри маркази” ташкил қилинди.

**Топшириқ.** Сизнингча, мамлакатимиздаги қайси олимлар томонидан “Социология” фанидан тайёрланган ўқув қўлланма ёки дарслик анча мукамал ва тўлақонли ҳисобланади?

**Топшириқ.** “Социология фанининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари”, “Ғарбий Европа социология мактаби. XX аср социологияси” мавзулари бўйича олган билимларингизни педагогик ва ахборот технологиянинг “Б/Б/Б жадвали” асосида изохлашга ҳаракат қилинг.

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик

**Ҳурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни қуйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.



**1. Социологияга доир “Ижтимоий меҳнат тақсими тўғрисида” деган асарнинг муаллифи ким?**

- А) Э.Дюркгейм.
- В) О.Конт.
- С) М.Вебер.
- Д) Г.Зиммель.
- Е) Г.Спенсер.

**2. Жаҳонда биринчи социология кафедраси ва факультети қачон ва қаерда очилган?**

- А) 1890 йил Францияда
- В) 1892 йил Чикаго университетиди
- С) 1895 йил Лондон университетиди
- Д) 1910 йил Берлин университетиди
- Е) 1920 йил Петроград университетиди

**3. Ўрта Осиё мутафаккирларидан кимни ўз даврининг этнососоциологи деб аташган?**

- А) Абу Наср Форобийни.

10'QUV ZALI

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

323984

17 Axborot Resurs Markazi

- В) Захириддин Муҳаммад Бобурни
- С) Амир Темурни
- Д) Абу Райхон Берунийни
- Е) Мирзо Улугбекни

4. Бихевиоризм намоёндалари социология, ижтимоий психологиянинг асосий вазифаси нимадан иборат бўлмоғи лозим деб ҳисоблайдилар?

- А) шахснинг ижтимоий ролини оширишдан.
- В) меҳнат ва бошқариш муносабатларини такомиллаштиришдан
- С) жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштиришдан
- Д) гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларни бартараф этишдан
- Е) инсон ҳулкини бошқаришдан

5. “Жамиятда ўрта катлам кўпчиликини ташкил этса, у гуллаб-яшнайдими” деган фикр қайси мутафаккирга тегишли ?

- А) Платон
- В) Конфуций
- С) Аристотель
- Д) Сократ
- Е) Демокрит

### МАНВУ. Маънавий ҳаёт социологияси.

#### Социал муносабатлар социологияси.

#### Фан ва таълим социологияси

Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин тутди. Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода социал муносабатлар барча муносабатлар тизими билан тенглаштирилади. Тор маънода мавжуд барча муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретация қилинади.

О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар усули билан ўрганиш принциплари каби кенг тарғиб қилади. Социал муносабатлар тизимида бир дамлик ва кооперация тушунчалари муҳим аҳамият касб этади.

**Топширик.** Қуйидаги шаклда социал муносабатларнинг айрим кўринишлари кўрсатилган. Уларнинг моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

Социал-синфий муносабатлар	Социал-этник муносабатлар	Социал-демографик муносабатлар	Социал-худудий муносабатлар	Социал касб-корлик муносабатлар

**Қадрли талаба!** Сизни илмий мазмундаги турли тоғширикларимиз билан бироз толиктириб қўйдик. Энди озрок дам олишингиз ва чалғишингиз учун қуйидаги математик жумбоқ-бошқотирмани ҳал қилишингизни сўраймиз.



*Ерда турган бир гоз осмонда учиб кетаётган гозларга қараб :*  
 – Салом, юз гоз! – дебди. Осмондаги гозлар унга жавобан :  
 – Бизлар юз гоз эмасмиз. Бизларнинг ўзимизча, ўзимизнинг ярмича, яна унинг ярмича ва Сен қўшилсанг юз гоз бўламиз дейишибди.

### **Осмонда нечта гоз учиб кетаётган бўлган ?**

Социал муносабатлар социологияси ҳақида фикр юритилганда бегоналашув тушунчаси ва унинг асосий шакллари масаласида ҳам гапириб ўтиш лозим бўлади. Бегоналашув тушунчаси шахснинг ижтимоий жараёнлар, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ҳамкорликдан узоқлашувини, четлашувини англатади. Бегоналашув таъсирида шахс ижтимоий воқеликдан узилиб қолиб, кўпроқ ўз қобилигига ўралашиб қолади ва шу аснода унда худбинлик, ўзини бошқалардан ажратишга интилиш хислатлари кучаяди. Бегоналашув жараёни ижтимоий ривожланишга, шахс салоҳиятининг ўсишига сезиларли даражада тўскинлик қилади. Шу боисдан ҳам жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва ҳамжихатлик асосида бартараф қилинсагина, жамият соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ўз вақтида олди олинади. Бугунги кунда биз қураётган янги жамият ўз олдида турли бегоналашув жараёнларини тезроқ бартараф этиб, юксак даражадаги ривожланишга, тўла маънодаги эркинликка эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунда, айниқса, шахснинг фаол иштироки, инсоннинг амалий ҳаракати муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолатга жиддий эътибор қаратган ҳолда, Президент И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-

лаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуйда қилган маърузасида: “... Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиликлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солаётган, эл-юртимиз манфаати, она-Ватанимизнинг раънақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган”<sup>1</sup> – деган фикрни алоҳида таъкидлаган.

**Топшириқ.** Жамият ҳаётида намоён бўладиган бегоналашув жараёнлари ва унинг қуйидаги асосий кўринишларини жадвал асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинг.

Т/р	Бегоналашув турлари	Хусусиятлари
1.	Иқтисодий	
2.	Сиёсий	
3.	Маданий	
4.	Ижтимоий	
5.	Руҳий	

Социологияда фан ва таълим масаласи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, улар муҳим социал институтлар сифатида амал қилади. Фаннинг жамиятдаги ўрнини алоҳида эътироф этган ҳолда, Президент И.А.Каримов қуйидаги фикрни айтган: “Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, фундаментал тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз канчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайдди, кўркам ҳосил беради”<sup>2</sup>

Мамлакатимизда фаннинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг ижтимоий тараққиётга кўрсатаётган катта таъсирини юртбошимиз ўзининг бир қанча маърузаларида, нутқларида ва чиқишларида кўп бора тақдорлаб ўтганлар.

**Топшириқ.** Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида мамлакатимизда жаҳон талаблари даражасида бешта йўналишда илмий мактаблар яратилганлигини айтиб ўтган. Шу мактабларни қуйидаги тасвир кўринишида изоҳланг.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т., “Ўзбекистон”, 2010, 54-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар, 2-жилд, 258-бет.



**Таълим социологияси** – жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус социологик назария бўлиб, у таълимни нисбатан мустакил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятларини, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. Таълим тизимининг жамият ривожига таъсири бекиёсдир. У ҳар қандай давлатнинг жамият маънавий ҳаётини, ижтимоий ва касбий таркибини бош қарирдаги муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Таълим социологияси – мактаб, ўқув юртлари ва муассасалари фаолияти, улардаги педагогик мутахассисларнинг сифати, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари каби масалаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда таълим тизими ижтимоий сиёсат тарзида ривожланмоқда. Таълим социологияси эса бу сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг амалий натижаларини ўрганишга хизмат қилади.

Ҳарбда таълим социологиясига Э.Дюркгейм ва М.Веберлар асос солган. Улар таълим тизимининг ижтимоий функцияларини, иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси, олий таълим соҳасининг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни тадқиқ қилганлар. Э.Фромм, Т.Парсонс, С.Н.Паркинсон, Т.В.Адорно, Р.Кюлевинд, В.Франкл каби олимлар ҳам таълим социологияси ривожига ўз хиссаларини қўшганлар.

Ҳозирда таълим тизимининг социологик тадқиқот йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бозор муносабатлари шароитида таълим тизимининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти.

2. Ижтимоий ривожланишга таъсири, самарадорлик даражаси ва сифати.

3. Ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

4. Таълим муассасаларида таълим беришнинг сифат даражаси ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг улар фаолиятига таъсири.

**Таълимнинг социал функциялари қуйидагилардан иборат:**

1. Маданиятни тарқатиш ва авлоддан-авлодга етказиш функцияси.

2. Жамият маданиятини сақловчи ва генераторлик функцияси.

3. Маданиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартириш функцияси.

4. Шахсни социаллаштириш функцияси.

5. Ижтимоий танлов, жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси.

6. Ижтимоий назорат функцияси ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши натижасида кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этиш соҳасида ҳам тегишли имкониятлар вужудга келди. Бу ҳолат Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис X сессиясида (1997 йил 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуида қилган нутқида ҳар томонлама ифодаланди.

2012 йилнинг 17 февралда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда қўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Президент Ислом Каримов ушбу анжуманда қилган нутқида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг аҳамиятига яна бир бор тўхталган ҳолда, қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлади: “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган

замонавий давлат куриш йўлига кадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фукаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, факат миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий бил имларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараккиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини хамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмокдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислох этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёкарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажакига бўлган ишончини оширишнинг энг мухим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, хеч қандай муболага бўлмайти. Бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг хар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демо кратлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнак топтиришнинг ҳал қилувчи харакатлантурувчи кучига айланиб бормокда”<sup>1</sup>

**Топшириқ. 1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясида (1997 йил 29 август) таълим соҳасига доир қандай мухим хужжатлар қабул қилинди? **2.** “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” нинг асосий босқичлари ва уларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни қуйидаги жаadwal кўринишида изохланг.

т/р	Босқичлар	Вазифалар

**Топшириқ. 1.** Мамлакатимизда узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантурушнинг асосий тамойиллари нималардан иборат? **2.** Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда таълимнинг қандай асосий турлари амал қилмокда? **3.** Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини кўрсатинг?

**Кадрли талаба!** Топшириқларимиз кўпайиб кетиб, бироз зерикиб қолганга ўхшайсиз. Чалғишингиз учун қуйидаги латифа орқали Сизнинг кайфиятингизни кўтаришга харакат қиламиз:

*Чукча адабиёт олиғоҳига кириш имтиҳони топшираётган экан. Ўқитувчи уни саволга туттибди:*



<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараккий этириш ва модернизация қилишнинг энг мухим шарти. Халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль.

- Сиз Толстойни ўқиганмисиз ?
- Йўқ, Чукча уни ўқимаган.
- Шекспирничи ?
- Чукча бунни ҳам ўқимаган.
- Унда Тургеневничи ?
- Чукча бундан ҳам беҳабар.
- Унда нега бу олийгоҳга имтиҳон топширяпсиз ?
- Чукча ўқувчи бўлишни эмас, ёзувчи бўлишни хоҳлайди.

Талаба-ёшларнинг мустахкам хотирага эга бўлиши ва улар томонидан турли воқеа-ходисаларни яхши эслашлари учун кўпроқ китоб ўқишлари ҳамда ўз хотираларини мунтазам равишда текшириб туришлари талаб этилади. Қуйида эътиборингизга хавола этилаётган рухий (психологик) тест хотирангизнинг қандай аҳволда эканлигини аниқлашда ёрдам беради. Саволларга ўйламасдан жавоб беринг. Жавобларни қуйидагича баҳоланг : ҳеч қачон – 0 балл, камдан-кам – 1 балл, баъзида – 2 балл, тез-тез – 3 балл.



## ХОТИРАМГА НИМАДИР БЎЛДИ...

1. Телевизор кўраётганингизда ёки китоб ўқиётганингизда лавҳа ва асар бошини эслашга қийналасизми?
2. Сўнги воқеаларни эслаш Сиз учун қийинми?
3. Хонага кирганингизда, нима мақсадда кирганингизни унутиб қўйиш ҳолатлари бўладими?
4. Режалаштирилган муҳим ишлар ҳақида унутиб қўясизми?
5. Таниш ерда адашиб қолишингиз мумкинми?
6. Суҳбат чоғида айтган маълумотларингизни яна қайтарасизми?
7. Мунтазам равишда кўнғирок қиладиган телефон ракамларни эслашга қийналасизми?
8. Доимий тарзда мулоқотда бўладиган инсонларнинг фамилияларини эслашингиз қийинми?
9. Эсингиздан чиқмаслиги учун ҳамма керакли маълумотларни ёзиб боришингиз шартми?
10. Уйдан ташқари чиқиб кетаётганингизда газ, чирокни ўчириш ёки эшикни ёпиб қўйишни унутиб қўйишингиз мумкинми?
11. Керакли буюмни каерга қўйганингизни унутиб қўйиш каби ҳолатлар бўлиб турадими?



12. Телевизор орқали янгиликларни кўргандан сўнг асосий воқеаларни санаб бера оласизми?

13. Машхур инсонлар, машхур жойларнинг номини эслашга тез-тез кийналасизми?

14. Ҳозиргина айтган гапларингизни унутиб қўйишингиз мумкинми?

15. Буюмларингиз йўқоладими?

**7 балл ва ундан кам :**

Ўз хотирангиз билан фахрлансангиз арзийди, аммо уни доим чархлаб туришингиз кераклиги ҳақида унутманг.

**8 дан 15 баллгача**

Ўзингиз ҳақингизда қайғуришингиз лозим. Хотирани чархлаш борасидаги махсус машқлар Сизга ёрдам беради.

**15 балл ва ундан юқори.**

Сиз даволанишингиз керак. Мутахассисга мурожаат қилинг. Хафа бўлманг, муолажалар ёрдамида хотирани қайта тиклаш мумкин.

**Ҳурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни қуйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.

1. Таълим соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилган “Сауд ал-Багтин Фонди” қайси мамлакатга тегишли бўлган?



- А) Бирлашган Араб амирликлари
- В) Саудия Арабистони
- С) Миср
- Д) Қатар
- Е) Иордания

2. “Илмга интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздур” деган сўзлар Улугбек томонидан қайси шаҳарда қурдирилган мадраса пештоқига битилган ?

- А) Самарқанддаги
- В) Бухородаги
- С) Ғиждувондаги
- Д) Когондаги
- Е) Шаҳрисабздаги

3. Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” асарида мамлакатимизда жаҳон талаблари даражасида нечта йўналишда илмий мактаблар

**яратилганлигини айтиб ўтган ?**

- A) 3 йўналишда
- B) 5 йўналишда
- C) 8 йўналишда
- D) 4 йўналишда
- E) 6 йўналишда

**4. “ALMA MATER” деган ибора куйидагилардан қайси бирининг қадимий номланиши ҳисобланади ?**

- A) Оила
- B) Давлат
- C) Диний ташкилот
- D) Партия
- E) Университет

**5. Таълим социологиясига кимлар асос солган?**

- A) Дарендорф, Кули
- B) Колевинд, Франкл
- C) Дюркгейм, Вебер
- D) Сорокин, Хвостов
- E) Парсонс, Паркинсон

### **МАВЗУ. Маданият, дин ва ахлоқ социологияси**

Маданият тушунчаси Ғарбда юнунча *cultura* сўзидан олинган бўлиб, экиб-ўстириш, ишлов бериш, парваришлаш каби маъноларни ифодаласа, Шарқда мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик маъноларини англатади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маданият кишиларнинг табиатни, борликни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ҳамда усуллари мажмуи ҳисобланади.

Маданият ҳодисаси XX аср бошларидан эътиборан социологиянинг алоҳида йўналиши сифатида тадқиқ этила бошланди. Маданият тушунчаси кадрятлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, у куйидаги йўналишларда намоён бўлади :

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган кадрятлар.

2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган кадрятлар.

3. Инсоннинг ақл-идроки ва амалий фаолияти замида шакланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган кадрлар.

4. Одамлар ўртасидаги жамоавийлик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик, ҳамжихатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган кадрлар.

5. Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган кадрлар.

**Топширик.** Маданият социологиясидаги маданиятнинг асосий шакллари тасвир кўринишида изоҳланг.



**Топширик.** Қуйидаги элементларни маданиятнинг қайси шаклига тегишли эканлигини аниқланг.

Маданият элементлари (белгилари)	Моддий маданият	Маънавий маданият	Маданий комплекс
1. Фабрика			
2. Глобус			
3. Бахс-мунозара			
4. Медаль			
5. Мактаб			
6. Карнавал			
7. Китоб			
8. Ракс			
9. Қўғирчоқ			
10. Соат			
11. Атлас (мато)			
12. Меҳмондорчилик			
13. Уй			
13. Маъруза			
14. Масжид			
15. Регистон			
16. Чимилдик			

**Қадрли таллаба!** Келинг яна бир кулишайлик. Қуйидаги латифани бир тингланг ва кулишга ҳаракат қилинг.

*Ўтган аср 60-йилларининг бошларида Ўзбекистоннинг чекка, асосий транспорт йўлидан анча узоқ бўлган қишлоқларидан бирида бир киномеханик йиғит ҳамқишлоқларига қийналиб бўлсада янги кинофильмларни олиб келиб кўрсатар экан. У кинофильмлар ёзилган навбатдаги дискларни эшак устидаги хуржуннинг икки кузига жойлаб олиб келаятганда, йўл четида утирган чоллар уни саволга тутишибди :*

– *Хорма, Эшматбой! Хуржунга нима ортиб келаятсан ?*

– *Қишлоққа кино олиб келаятман.*

– *Э ўғлим, отанг жуда баъмани инсон эди, лекин сен сал ақлсизроқ чиқдинг-да. Бутун бошли қишлоққа бир хуржун кино нима бўлади ?!*



### Дин ва диний муносабатлар социологияси.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи “Социология” фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айни пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил – дин доимо унинг диққат марказида бўлган. “Социология” фанининг асосчиси О.Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, унинг асосий мезонларидан бири сифатида динга мурожаат қилади. Унинг таснифича, инсоният ўз ривожидан уч босқични босиб ўтади. Булар теологик, метафизик ва илмий босқичлардир. Конт фикрича, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян роль ўйнайди.

“Социология” фанининг асосчиларидан бири бўлган немис олими Макс Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афюн деб эълон қилган Маркс таълимотидан фарқли ўлароқ, Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан, умуман дин тўғрисида эмас, балки муайян даврдаги дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юригади.


Умуман олганда, дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий ҳулқни ўрганайди. Динларни шартли равишда қуйидаги

турларга бўлиш мумкин: **уруғ-қабила динлари, халқ-миллий динлари ва жаҳон динлари.**

Мустақил Ўзбекистонда динга миллий кадрият сифатида қаралиши натижасида халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри ва холис муносабат шаклланди. Ҳозирги кунда ёшлар маънавияти ва таълим-тарбияси соҳасида амалга оширилаётган ишларга ҳам ислом динига хос бўлган инсонпарварлик тамойиллари тегишли равишда сингдириб борилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририда (1998 йил 30 апрель) давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг ҳукукий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ҳар томонлама ифодаланган.

**Топшириқ.** Тарихан шаклланган қадимги диний эътиқодларнинг 4 та асосий кўринишини қуйидаги жадвал асосида кўрсатиб беринг.



**Қадрли талаба!** Баъзи кишилар ҳаётдаги мувафакқиятлари ва омадсизликларини кўпинча турли ирим-сиримлар ва илохий кучлар хоҳиш-иродаси билан боғлайдилар. Сиз ҳам ҳаётингизда шу ҳолатларга эътибор берасизми? Қуйидаги **психологик тест** шу мавзуга тегишли ҳисобланади.

### ИРИМЧИМИСИЗ ?

1. Имтиҳон олдида китоб мутолаа қиляпсиз. Лекин ҳар қанча уринсангиз-да, эслаб қололмаяпсиз. Ўшанда ҳаётингиздан нималар кечади ?

- а) Китоб бир-икки кун очик қолганлиги учун шундай бўляпти.
- б) Хотирам чарчаган, шекилли.
- в) Шуни ким ёзган ўзи?



**2. Ёвуз кучлардан асрайдиган, омад келтирадиган тумор тақиб юрасизми?**

а) Албатта! Доим ёнимда олиб юраман. Уйда унутиб қолдирсам, ишим юришмай қолади.

б) Ҳа, лекин бу менинг шахсий сирим.

в) Менда унақа нарса йўқ!

**3. Ўқишдан сўнг меҳмон келишини истамай ошхонада овқатланияпсиз. Ногаҳон пичоқ столдан тушиб кетди. Бундан қандай таъсирланасиз?**

а) Ҳеч ким келмаслиги учун полни уч марта тақиллатаман.

б) Пичокни полдан даст кўтариб, жавонга қўйиб қўяман.

в) Кутилмаган меҳмонни қарши олиш учун шайланаман.

**4. Яқин қўшниларингиз бу киш жуда совуқ келиши ҳақида гап-сўз қилиб юрибди. Ишонасизми?**

а) Ҳа. Бу аниқ. Ахир улар ҳар хил ғайритабиий нарсаларни билишади-ку!

б) Йўқ, албатта! Бунақа нарсаларга унчалик ҳам ишонавермайман.

в) Агар буни об-хаво бўйича мутахассислар тасдиқласа, ишонаман.

**5. Дўстингиз юзига ҳуснбузар чиқиб, у бундан каттик озор чекапти. Ўшанда унга нима дейсиз?**

а) “Бурунга ҳуснбузар чиқиши, демак кимдир сенга ошиқ бўлиб қолган” дея тинчлантираман.

б) Ҳуснбузарга қарши малҳам совға киламан.

в) Ҳуснбузар ҳар ҳолда чандик бўлиб қолмайди-ку, дея қўнглини кўтараман.

**6. Бугун сиз учун омадсиз кун бўлди. Ҳечам ишингиз юришмаяпти. Неғалигини битарсиз?**

а) Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи.

б) Кеча севганим билан шунчаки чиқишолмай қолгандим.

в) Бугун чап томоним билан турганман чамаси. Шунинг учун ҳаммаси орқага кетяпти.

**7. Ҳамкасблар билан шаҳар ташқарисига кабоб егани отландингиз. Ташқарида эса ёмғир ёғмоқда. Шунда нима қиласиз?**

а) Ёмғир тинишини кутиб, кейин йўлга чиқамиз.

б) Ёмғир сафар учун яхшилик аломати. Жала куйсаям йўлдан қайтмаймиз.

в) Агар майдалаб ёғаётган бўлса, жўнаса бўлади.

**8. Имтиҳонга боришдан олдин уйдагилар: “Омадингни берсин” дейишини кутасизми?**

- а) Бўлмасам-чи! Бусиз жойимдан бир кадам ҳам жилмайман.  
 б) Шундай қилса, яхши бўлади, дейишади. Лекин бусиз ҳам бир амалларман.  
 в) Агар ўзимда ақл бўлмаса, менга ҳеч нарса ёрдам беролмаслиги аниқ.

Саволлар	А	Б	В
1	3	0	6
2	6	3	0
3	0	6	3
4	6	0	3
5	3	6	0
6	3	0	6
7	6	0	3
8	0	6	3

### НАТИЖАЛАР

**0 - 18 баллгача.** Сизни шубхаланувчилар тоифасига киритиш мумкин. Турли аломат, тумор, пайшанба ёмғирига ҳам ишонмайсиз... Сиз учун ҳатто, дунёдаги барча қора мушуклар ҳам бир пулга қиммат! Тўғри қиласиз! Бунақа майда-чуйдаларга ўралашиб қолмаганингиз маъқул. Ақс ҳолда, ҳаёлингиз фақат шу нарсалардан кутилиш билан банд бўлади.

**21 - 33 баллгача.** Имтиҳон, севги каби вазиятларни ҳисобга олмаганда ирим-сиримларга унча жиддий ёндашмайсиз. Фақат имтиҳон олдидан чўнтагингизга 5 та сумалак тоши солиб оласиз. Ёки кимнингдир севиш-севмаслигини мойчечак гулини юлиб, аниқлашга уринасиз. Нимаям дердик! Бу яхши! Сиз ҳаётингизда турли аломат ва ҳаёлий орзуларга ҳам вақт топа оласиз.

**34 - 48 баллгача.** Ғирғ иримчисиз! Оддий нарсалардан ҳам қандайдир сирли нарсани излашга ҳаракат қиласиз. Сиз сеҳр-жоду тўғрисидаги китобни ўқишга, уни муҳокама қилиш ва ҳаётингизга татбиқ этишга ям тайёрсиз. Ўзингизни босинг. Бекорчи нарсаларни ҳаёлингиздан чиқариб ташланг. Бу сизга ҳалақит бериши мумкин. Нега энди қора мушукни кўрганда ёмон ният қилиш керак?! Яхшиси, унинг гўзаллигидан баҳра олинг!

**Ҳурматли талаба!** Маълумки, диний эътиқодларнинг моҳияти умумий бўлганлигига қарамадан, динларнинг кўриниши хилма-хил

эканлиги хакида юкорида айтиб ўтдик. Дунёда жуда содда динлар билан бир қаторда, ривожланган, мураккаб динлар ҳам мавжуддир. Уларнинг вужудга келиш вақтлари ҳам ҳар хил бўлган.

**Топшириқ.** Дунёвий динларни қуйидаги тасвир асосида кўрсатинг ва улар хакида қўлиқрок маълумот беринг.



Ахлоқ ижтимоий оннинг муҳим кўриниши сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар давомида шаклланган ҳулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари, хис-туйғулари ҳамда кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлар тизимини ифода этади. Ахлоқ муайян халқнинг атроф-муҳитга, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари сифатида, бир томондан, маҳаллий-миллий хусусиятга эга бўлса, иккинчи томондан, миллатнинг умумжамият талабларига уйғун мувофиқлигини таъминловчи умуминсоний хусусиятга ҳам эгадир.

**Қадимги шарқ фалсафасида уч мезон, уч тушунча муқаддас саналган. Булар – ахлоқ, оила ва давлат.**

Ахлоқ асрлар давомида одамларни жамоага уюшувга, бошқалар манфаатини шахсий манфаатлардан юкори қўйишга ундаб келган. Бу хусусда улуғ донишмандлар ибратли фикр-қарашларни илгари сурганлар. Хусусан, ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд: “Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди, кимки ўзгани хоҳламабди, билсинки, ўзини хоҳламабди”<sup>1</sup> – дея инсоннинг маънавий-ахлоқий моҳиятини ифодалаган.

“Ахлоқ, – деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аجدодларимиз комил инсон хакида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чикканлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка,

<sup>1</sup> Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳовуддин Балогардон. Т: “Ёзувчи”. 1993, 95-бет.



адолатсизликка нисбатан мурасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини саклайди, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайди, садокатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди”<sup>1</sup>

**Топширик. 1.** Шарқ ва Ғарб ижтимоий фикрида ахлоқ соҳасида қайси машҳур кишилар ўз қарашларини баён этганлар ва қандай ибратли асарлар ёзиб қолдирганлар. **2.** Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиш жараёнида яратилган ва ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган қандай муҳим манбаларни биласиз? **3.** Бозор иқтисоди кишилар маънавий-ахлоқий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, деган фикрга қандай муносабатдасиз?

**Қадрли талаба!** Топшириқларимиздан яна бироз қалғишингиз учун Сизни қуйидаги **жумбоқ-вазифани** мушоҳада қилишга тақлиф этамиз:

*Бир чолнинг учта ўғли бўлиб, улар вояга етгач, отасининг оқ фотиҳасини олгандан сўнг, ўз бахтларини излаб кетишибди. Орадан анча йиллар ўтибди. Ўғилларидан дарак бўлмагач,*



*чол уларни топиш ва яшаш тарзи билан танишиш учун йўлга тушибди. Анча юргандан сўнг, қош қорая бошлаган бир маҳалда, жуда ташландиқ бўлган, атрофида хазонлар уюлиб ётган бир ҳовлининг эшигини таққилатибди. Ичкаридан сочлари тўзгиган, уст-бошлари кир-чир бир аёл чиқиб келибди. Чол унга узоқ сафарга чиққанлигини билдириб, кеч бўлиб қолганлиги учун бир кечага жой беришини сўрабди. Жувон унга қўпол муомала билан уйда эри йўқлигини ва нотаниш кимсага жой бермаслигини айтиб, эшикни шарақлатиб ёнганча, уйига кириб кетибди. Чол бир амаллаб ташқарида тонг оттирибди. Эрталаб кетги олдидан бояги эшикни яна таққилатибди ва истар-истамас чиққан аёлга: “Қизим, турмуш ўртоғингиз келса, унга айтинг, остонасини янгиласин” – дея йўлида давом этибди. Шу кун қоронғи туша бошлаган пайтда, атрофлари бироз супириб-сидирилган, нисбатан тозароқ яна бир ҳовлининг эшигини қоқибди. Ичкаридан ранги заҳилроқ бир аёл йўталганча чиқиб келибди. Чол унга ҳам муддаосини айтибди. Жувон уйда турмуш ўртоғи йўқлигини, агар бўлганда бош устига меҳмон*

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.- 39-б.

қилишини таъкидлаб, чолдан узр сўраганча, унга ташқарига жой қилибди. Овқат ва отига емиш ҳам олиб чиқибди. Эрталаб чол кетиш олдидан аёлга миннатдорчилик билдирганча: “Қизим, турмуш ўртогингиз келса, унга айтинг, остонасини тузатсин” – дея жўнаб кетибди. Учинчи кун кечқурун чол атрофлари тил билан ялагудек тоза, ҳамма томонга анвойи гуллар экилган, кўзни қувонтирадиган бир ҳовлининг эшигини таққилатибди. Ичкаридан хушчақчақ, уз ҳаётдан зоят мамнун бўлган бир жувон чиқиб, чолнинг гатини охиригача эшигитмасдан, уни ичкарига бошлабди. Меҳмонлар учун мўлжалланган алоҳида хонага жой қилиб, отахонни зўр меҳмон қилибди.

Бундай илтифотдан зоят хурсанд бўлган чол кетиш олдидан жувонга: “Қизим, турмуш ўртогингиз келса, унга айтинг, остонасини мустаҳкамласин” – дебди.

**Топшириқ.** Бу аёллар қимлар? Чолнинг кетиш олдидан уларнинг ҳар бирига айтган гапларининг маъзини чақинг. Аёлларнинг турмуш ўртоглари бу гапларга қандай муносабат билдиришган?

Юкорида кўрилган мавзу бўйича педагогик технологиянинг “Пинборд” техникасини қўллаб, олинган билимларни янада мустаҳкамлаш мумкин. Маълумки, “Пинборд” техникаси (инглизча сўздан олинган бўлиб, “доскага ёпиштириш” деган маънони англатади) тушунчалар билан ишлаш, категорияларга ажратиш масаласида анча қўл келади. Шу маънода, мавзуга доир маданий, диний, ахлоқий кадрятларни чуқурроқ тушунишда ушбу техникадан фойдаланиш янада кўпроқ натижаларга олиб келади.



**Ҳурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни куйдаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.



**1. Дин социологиясида толерантлик тушунчаси нимани англатади?**

- А) ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвориغا нисбатан чидамлик
- В) бошқа диндагиларнинг одатлари, хис туйғулари, фикр мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан сабр-тоқат.
- С) турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва катламлар билан ҳамжиҳатлик
- Д) фақат А ва В
- Е) А, В, С.

## 2. Этноцентризм нима?

- А) ўз маданиятини марказий деб ҳисоблаб, бошқа маданиятларга шундан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш ва уларга ўз маданияти нуқтаи- назаридан баҳо бериш
- В) ўз гуруҳидан бошқа гуруҳларни асосий деб билмаслик
- С) ўз гуруҳининг ижтимоий мавқеини ҳаддан зиёд бўрттириб юбориш
- Д) бошқа гуруҳлар билан бўлган муносабатлардаги нотенглик
- Е) миллий масалани марказдан гуриб бошқариш асосида ҳал этиш

## 3. Маданият социологиясида маданиятнинг 3 асосий шаклини аниқланг.

- А) моддий маданият, иқтисодий маданият, маънавий маданият.
- В) ёшлар маданияти, жукукий маданият, ижтимоий маданият.
- С) анъанавий маданият, юкори табака сиёсий маданияти, фукаролик маданияти.
- Д) элитар маданият, ҳалк маданияти, оммавий маданият.
- Е) фақат В ва С.

## 4. Қуйидагилардан қайси бири маданият элементи ҳисобланмайди ?

- А) тил
- В) белгилар
- С) кадриятлар
- Д) нормалар
- Е) атроф-муҳит

## 5. Уруғ, қабилага бўлиш ва адоват солиш мафқураси қандай номланади?

- А) Шовинизм
- В) Расизм
- С) Трайбализм
- Д) Нигилизм
- Е) Антисемитизм

## МАНЗУ: Ижтимоий стратификация ва ёшлар социологияси. Девиянт хулқ-а твор социологияси

Социологлар социал ҳаракатчанликни страталарга (катламларга) бўлинган жамиятнинг ўзига хос хусусияти деб билдилар. Стратификация (лотинча *stratum* – қатлам, қават ва *facere* – бажараман) – жамият тузилмаси, унинг алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифода

этувчи социологик тушунчадир. **Социал стратификация** – жамиятнинг ижтимоий мақомига кўра бир-биридан фарқ қилувчи турли социал қатламларга бўлиниш жараёни. Социал стратификация жамиятдаги хилма-хилликни ҳамда унинг аъзолари, социал гуруҳлари ҳолатининг бир-биридан фарқ қилишини, нотенглигини акс эттиради. Социал стратификация масаласида П.Сорокин, С.Липсет, Т.Парсонс, Э.Шилз каби олимлар тегишли фикрларни баён қилганлар. Таъкидлаш жоизки, стратификациянинг турли моделлари ичида америкалик олим У.Уотсон ишлаб чиққан модель (XX асрнинг 30-йиллари) анча машҳур бўлган. У қуйидаги кўринишга эга:

#### **Олий олий синф**

Умуммиллий корпорацияларнинг бош бошқарувчилари, обрўли фирмаларнинг эгалари, олий ҳарбий амалдорлар, федерал судьялар, биржа эгалари, йирик архитекторлар, архиепископлар

#### **Олий синф**

Ўртача фирманинг бош бошқарувчиси, муҳандис-механик, газета чиқарувчи, хусусий амалиётга эга бўлган шифокор, амалиётчи юрист, коллеж ўқитувчиси.

#### **Олий ўрта синф**

Банк кассири, муниципал коллеж ўқитувчиси, ўрта бўғин бошқарувчиси, ўрта мактаб ўқитувчиси

#### **Ўрта ўрта синф**

Банк хизматчиси, тиш доктори, бошланғич мактаб ўқитувчиси, корхонадаги смена бошлиғи, суғурта компанияси хизматчиси, универсам бошқарувчиси

#### **Қуйи ўрта синф**

Автомеханик, сартарош, бармен, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи малакали ишчи, меҳмонхона хизматчиси, почта ишчиси, полициячи, юк машинаси ҳайдовчиси, такси ҳайдовчиси, ўрта малакали ишчи, бензин қуювчи, официантка, эшик оғаси, дурадгор

#### **Қуйи қуйи синф**

Идиш-товок ювувчи, уй хизматкори, боғбон, эшик қоровули, кончи, кўча супурувчи, ахлаг ташувчи

Шунингдек, академик Т.И.Заславская ҳам ҳозирги Россия жамиятининг социал таркибини кўрсатиб берган. Унга кўра, бу таркибий тузилиш қуйидаги кўринишга эга: **юқори, ўрта, базавий ва қуйи.**

**Юқори қатламга** асосан элита гуруҳлари мансуб бўлиб, улар давлат бошқаруви, иқтисодий соҳалардаги юқори мансабларни эгаллаган кишилардир. **Ўрта қатламга** эса, ўрта ва кичик тадбиркорлар, ўрта корхоналар менежментлари, кагта офицерлар

тегишли хисобланадилар. **Базавийга** эса, зиёлиларнинг асосий қисми, техник хизматчилар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари ҳамда дехконларнинг кўпчилик қисми киради. **Қуйи табақага** асосан кексалар, паст маълумотлилар, соғлиги унчалик яхши бўлмаганлар ҳамда айрим қочоқлар киради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам жамият бир қанча қатламлар, ижтимоий тарақалардан иборат бўлиб, мулкдорлар синфи асосий ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Президент И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилсин” мавзуидаги маърузасида: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан киёслаб бўлмайди”<sup>1</sup> – деган фикрни алоҳида таъкидлаган.

Шунингдек, Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: “Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди.

Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади”<sup>2</sup> – деган фикрга эътибор қаратган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилсин. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.


<sup>2</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

Таъкидлаш жоизки, социал стратификация жамиятдаги меҳнат тақсимотида турли гуруҳларнинг ижтимоий дифференциациялашуви (табақаланиши) ҳамда ижтимоий тенгсизликни тартибга солувчи кадриятлар ва маданий намуналар (стандартлар) тизимининг хусусиятидан келиб чиқади.

**Топшириқ.** Қадрли талаба! Қуйидаги кўринишда жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар мисолида социал стратификацияни таҳлил қилинг ва жадвални тўлдиринг.

Социал стратификацияни таҳлил қилиш усули	Социал стратификациянинг таҳлил натижалари
1. Жамиятда эгаллаб турган мавқеи, ижтимоий ҳолатига кўра бўлинган гуруҳлар	1.
2. Жамиятдаги қизиқишлари ва манфаатларига кўра бўлинган гуруҳлар	2.
3. Жамиятдаги ҳатти-харакатига кўра бўлинган гуруҳлар	3.

**Топшириқ.** Ҳозирги даврдаги жамият социал стратификацияси соҳасини қуйидаги геометрик шакллар (фигуралар) дан қайси бири билан изохлаш мумкин.

А)  (Тенгёнли учбурчак)

Б)  (Квадрат)

В)  (Ромб)

Социологияда стратификация тушунчаси билан бирга социал мобиллик масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жамиятни ташкил этувчи социал гуруҳлар, индивидлар, табақалар, қатламларнинг ҳаракатларини социал динамиканинг социал мобиллик (лотинча mobilis – ҳаракатчан, ўзгарувчан) деб аталадиган кўриниши ифодалайди. Социал мобиллик тушунчасини социологик гаджикотлар доирасига П. Сорокин киритган эди.

**Социал мобиллик** – индивид, социал гуруҳнинг бир социал қатламдан бошқа бир қатламга ўтишини, у ёки бу социал субъектнинг социал структурадаги ўрнининг ўзгаришини англатади. Социал

мобиллик горизонтал ва вертикал мобиллик кўринишида бўлади. **Горизонтал мобиллик** индивид ёки социал объектнинг бир социал ҳолатдан шу даражадаги бошқа ҳолатга ўтишини билдиради. **Вертикал мобиллик** эса, индивид ёки социал объектнинг бир социал катламдан бош қасига ўтишини англатади.

Социал мобиллик индивидуал, гуруҳий, кўтарилувчан, пасаювчан, ихтиёрий ва мажбурий мобилликларга ҳам бўлинади.

**Топшириқ.** Социал мобилликнинг моҳиятини тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилинг, унинг турли кўринишларига мисол келтиринг ва қуйидаги жадвални тўлдириг.

	Индивидуал мобиллик	Гуруҳий мобиллик
Кўтарилувчан мобиллик		
Пасаювчи мобиллик		
Горизонтал мобиллик		

Таъкидлаш жоизки, социал стратификация ва социал мобилликни белгилашда бир қанча омиллар муҳим роль ўйнайди.

**Топшириқ.** Қуйида берилган сўзлардан стратификация ва мобилликни белгиловчи бешта муҳим омилни ажратиб кўрсатинг.

1. Қариндошлик алоқалари
2. Миллат
3. Диний мансублик
4. Жинс
5. Маълумот
6. Турмуш тарзи
7. Қасб, машғулот тури
8. Оилавий ахвол
9. Даромад
10. Ёш
11. Номенклатурага мансублик
12. Табақа
13. Мижоз (темперамент)
14. Соғлиқ
15. Маданият даражаси
16. Партиявийлиги
17. Нотиклик қобилияти
18. Ирққа мансублик
19. Ҳокимиятда бўлиш
20. Ғоявий иштиёқ

**Ҳурматли талаба!** Мавзулар бўйича кетма-кет берилаётган топшириқлар Сизни бироз толиктириб қўйган бўлиши мумкин. Чалғиш учун келинг яна бир қулишайлик.

## Латифа

Садақа сўраб ўтирган одам ёнидан ўтиб кетаётган кишига деди:

– “Бой бўлишининг минг усули” китобининг муаллифига хайр қилинг!

– Китоб муаллифи бўла туриб, нега садақа сўраб ўтирибсиз?

– Мингта усулнинг биттаси шу-да!

**Топширик.** Социал мобиллик масаласига доир қуйидаги топширикни ечишга ҳаракат қилинг. Вазифа ҳар бир саволнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, “ха” ва “йўқ” жавоблар шаклида бажарилади.



т/р	Саволлар	Жавоблар	
		ха	йўқ
1.	Мобиллик-кишиларнинг жамиятдаги ижтимоий силжишими?		
2.	Касбни ўзгартириш вертикал мобилликка мисол бўладими?		
3.	Бошқа фуқароликни қабул қилиш горизонтал мобилликми?		
4.	Бир ёшдан бошқа ёшга ўтиш мобилликка тегишли бўладими?		
5.	Диний соҳада мобиллик мумкинми?		
6.	Ёшлар кексаларга караганда кўпроқ мобилроқмилар?		
7.	Кишининг жинси горизонтал мобилликка таъсир кўрсатадими?		
8.	Кишининг жинси вертикал мобилликка таъсир кўрсатадими?		
9.	Собиқ СССР энг мобил жамият ҳисобланганми?		
10.	Ўлим ҳолати вертикал мобилликка таъсир кўрсатадими?		

Энди эътиборингизни қуйидаги жумбоқ-топшириқни ҳал қилишга қаратамиз.

Бир бойнинг иккита хизматкори бўлиб, уларнинг



ҳар иккиси ҳам асосан бир хилдаги юмушларни, топшириқларни бажаришар, лекин иккаласи ҳар хил ҳажмда маош олишар экан. Қунлардан бир кун кам маош оладиган хизматкор бойнинг



ҳузурига келиб, у шериги Эшмат билан бир хил турдаги вазифаларни бажаришига қарамасдан, негадир ундан анча кам ҳақ олишини айтиб, бойдан маошини оширишни талаб қилибди. Бой бу масалани ўйлаб кўришини гаптириб, Тошматни юпатабди.



*Савол: Бой бу масалани ҳал қилиш учун қандай йўл тутган? Тошматнинг кам маош олишига асосий сабаб нима? Бу жумбоқ-тошмириқ стратификация, мобиллик тушунчаларига қай даражада алоқадор?*

### **Ёшлар социологияси**

Ёшлар социологияси XX асрнинг 20-йилларида Германияда, АҚШда ва Францияда шаклланди. 1928 йилда К.Мангеймнинг «Авлод муаммоси» асари босилиб чиқди. Бу асар ёшларнинг социологик муаммоларини илмий асосда ўрганишга қаратилган дастлабки асарлардан бири эди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ёшлар муаммоларини таҳлил қилишга ва ечишга қаратилган асарлар кўплаб чоп этила бошланди. Германияда ёшлар социологияси бўйича Г.Шельскийнинг «Скептик авлод» (1957), Ф.Тенбрукнинг «Ёшлар ва жамият» (1962), Венадаги социологик институт директори Л.Розенмайрнинг «Эмпирик социал тадқиқот бўйича қўлланма» (1969), Америка социологи Д.Кемпбеллнинг «Социализация бўйича справочник» (1969), Америка социологи С.Эйзенштадтнинг «Авлоддан авлодга» (1966) асарлари ёшлар социологиясининг кенг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Ҳозирги даврда ёшлар ҳаётини илмий-социологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшлар муаммоларини ўрганишда тарихий ёндашиш.
2. Ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш.
3. Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини таҳлил қилиш.
4. Ёшларга табақавий жиҳатдан ёндашиш.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши, айниқса, ёшларнинг ижтимоий қарашларида жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Шунинг учун ёшларнинг келажак ҳаёти режаларини, уларнинг кизиқишларини аниқлаш мақсадида эмпирик-социологик тадқиқотлар ўтказиш ва назарий хулосалар чиқариш ёшлар социологиясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

## Ўзбекистонда ёшлар ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий масалалари

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Бугунги кунда мамлакатимизда ўттиз ёшгача бўлганлар 17 миллиондан кўпроқни ёки аҳолининг 64 фоиздан ошиғини ташкил қилади.

1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Мазкур қонун маълум бир даврда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратишга хизмат қилди. Аммо, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги давр бу соҳадаги ишларни яхшилаш, ёшларнинг манфаатларини таъминлашга ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва шу асосда ёшларимиз учун янги имкониятларни очиб беришни тақозо этмоқда. Шу ҳолат эътиборга олинган ҳолда, Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 2008 йил – “Ёшлар йили” деб эълон қилинди. Бунинг сабаби ҳақида гапириб, ҳурматли юртбошимиз таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшлар эканлигини алоҳида таъкидлаганлар.<sup>1</sup>

“Ёшлар йили” Давлат дастурининг асосий мақсади – ёшларимизнинг халқимизга хос хусусияти ва фазилатларини намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқара оладиган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи буюк кучига айлантиришдан иборат.

Бу дастурнинг энг муҳим хусусияти, у нафақат бир йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларни, балки, давлатимизнинг ёшлар сиёсатига доир долзарб вазифаларни бажариш билан боғлиқ бутун бир даврнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этади.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Ўзбекистон овози”, 2008 йил 9 февраль.

**Топширик.** Куйидаги тасвир кўринишида “Ёшлар йили” Давлат дастурининг бўлимлари қандай номланишини ва улардаги асосий ижтимоий вазифалар моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қилинг.



**Топширик.** Инглиз тили луғати ва социологияга доир луғат ҳамда справочниклардан фойдаланган ҳолда, **тинэйджерлар** деб кимларни айтиш мумкинлигини аниқланг.

- а) 18 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар;
- б) 13 дан 19 гача бўлган ёш гуруҳлари;
- в) 20 дан 25 ёшгача бўлган ёшлар;
- г) 9 дан 13 ёшгача бўлган ёшлар.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида ёшлар билан боғлиқ бир қанча ижтимоий (социал) муаммолар давлатлар ва ҳукуматларнинг диққат-эътиборларини доимий равишда ўзига жалб этмоқда. Бу муаммолар асосан ёшларнинг ижтимоий бандлиги, уларнинг социал меъёрлардан чекиниши (масалан, жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва бошқалар), жамиятдаги нормал ҳаётга зид бўлган турли гуруҳларга қўшилиш ҳолатларида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Ёшлар маънавияти, ахлоқи ҳамда жамиятдаги ижтимоий фаоллигига анчайин сезиларли таъсир кўрсатаётган салбий ҳолатлардан бири – Ғарб дунёсида кенг тарқалган “оммавий маданият” ҳисобланади.

Оммавий маданият ўтган асрнинг 60-90 йилларида маънан тубан, ахлоқан бузук оқимлар – “хиппилар”, “панкилар”, “скинхедлар”, “долче-габбана” кўринишида инсоният учун сезиларли ташвиш туғдирган бўлса, унинг XXI асрдаги шакли мутахассислар тилида “Сохта маданият” дея талкин этилиб, жамиятнинг юксак маънавияти ва ахлоқиға кучли раҳна солмоқда. Бу йўналиш тарафдорлари илғари сураётган маданият истеъдод ва нозик дид билан яратилган, юксак ижодийлик билан суғорилган асарлар бўлмасдан, балки аудиторияни шунчаки ушлаб туриш, йўналтириш, кишилар орасида фикрсизлиқни кучайтиришға қаратилган сентиментал характердаги асарлардан иборат бўлмоқда. Айрим мамлакатларда кенг тарқалаётган “Бизға тўққизинчи симфония керак эмас!”, “Мона Лиза” ни лойға қориштирамиз!” каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, оммавий маданият таъсирида одамларда дидсизлик ва масъулиятсизлик хусусиятлари анча кучаяди. Бугунги кунда “Кўнгилочар индустрия” мақомини олган жамиятда чоп этилаётган ҳажвий, олди-қочди, интим воқелиқлар, ҳар хил расмлар, машҳур кишилар ишқий можароларини акс эттирувчи “сарик матбуот” нинг демократия никобида фаолият юритиши оммавий маданиятнинг кенгрок илдиз отишини амалда таъминламоқда. Масалан, Америка аҳолиси ҳар 45 дақиқада телевизор орқали 100 мингта котилликни, ҳар 14 дақиқада 300 мингта зўрлаш билан боғлиқ жиноий ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий меъёрлардан чекиниш ҳолатларига уларнинг билиб-билмасдан турли диний оқимлар, секталарға кириб қолишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Диний оқимлар миллат ажратиш, зарарли одатларни тарғиб қилиш, жаҳолатпарастликка ундовчи адабиётларни кенг тарқатиш, террористик кайфиятни кучайтириш билан янада хавфли тус олмоқда.

Маълумотларға кўра, Сайентология черковининг аъзолари дунё бўйича 8 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг 70 фоизи ёшлардан иборат. Бу “диний” тузилма дунёнинг энг бой секталаридан бўлиб, унинг маблағи 2 миллиард, йиллик даромади 500 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Шунингдек, “Йегова шохидлари” диний ташкилоти ҳам мавжуд бўлиб, дунё бўйича унга 7 миллионга яқин, Россиядан эса 100 мингта яқин ёшлар аъзо бўлган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Келтирилган маълумотлар интернет сайтларидан олинган.

Ёшлар онги ва дунёкарашидаги турли ўзгаришлар, уларнинг атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеаларга бўлган муносабатларига турли ахборотларни қабул қилиш, айниқса, интернетдан фойдаланиш ҳам ўзига хос таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, интернет унга киритилган маълумотларга эга бўлиш, ҳамма соҳалар бўйича тегишли ахборотларни олиш, фойдали, амалий ва муҳим ёзишмаларни қилиш соҳасидаги афзалликлари билан тенги йўқ мўъжизадир. Шу билан бирга, интернет маънавиятимиз, ахлоқий сифатларимиз ҳамда кадриятларимизга бутунлай зид келувчи турли сайтларнинг мавжуд бўлиши ва ёшларнинг улардан ҳеч тўсиқсиз фойдаланаётганликлари, бунинг натижасида ҳар хил кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариши, маънавий мажруҳликка олиб келиши билан ғоят хавфлидир. Шунини эътиборга олган ҳолда, кенг жамоатчилик, педагог-тарбиячилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, маҳалла фаоллари биргаликда ҳаракат қилиб, интернетдаги турли кўнгилочар, ахлоқсизликни ва зўравонликни тарғиб қилувчи сайтларни кодлаштириш йўллари устида бош қотиришлари зарур.

Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, нутқ ва маърузаларида ҳамда бошқа бир қанча чиқишларида глобаллашув ва ахборот асрида ёшларни уларнинг маънавияти, ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият” ниқоби остидаги ҳар хил, жамият ҳаётига зид бўлган зарарли таъсирлардан атрофлича химоя қилиш ҳақида гапириб, қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаганлар : “Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”.<sup>1</sup>

**Топшириқ.** Ёшларга доир қуйидаги фикрларга қандай қарайсиз? Фикрлар қаторини яна давом эттира оласизми ?

- прагматик ёшлар;
- кадрловчи ёшлар;
- умидсизланган ёшлар;
- исёнкор ёшлар;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь.

- романтик (жаёлпараст) ёшлар;
- алданган ёшлар;
- беадаб ёшлар;
- шубҳаланувчи ёшлар;
- довдираган ёшлар.

**Қадрли талаба!** Мавзу бўйича берилган топшириқлар ва вазифалар Сизни бироз толиқтириб қўйган бўлса, чалғишингиз учун энгил бир қулишайлик.

### Латифа

*Севган қизини кинотеатрнинг рўпарасида кутиб турган йигитга оғайниси танбеҳ берди:*

– Тентак экансан! Мен доим севган қизимни кинотеатрнинг ичида кутаман. Шу баҳона унга чипта олишдан кутуламан!

– Ўзинг тентаксан! Мен у билан кинотеатрнинг ичида кўришсам, менга чиптани ким олиб беради?



### Девиант хулқ-атвор социологияси

Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш, узоклашиш ва бегоналашиш ҳолатлари социологияда девиант хулқ-атвор тушунчаси билан изоҳланади. Девиант хулқ-атвор муаммосини социология фани доирасида дастлаб Э.Дюркгейм ўрганган. Умуман олганда, девиант ҳолатларга муносабатлар қадим даврлардан шаклланиб келган. Қадимги халқларнинг диний-мифологик тасаввурлари, хусусан, Миср, Ҳиндистон ва Хитой диний қонун-қоидаларидаги ахлокий меъёрлар бу соҳадаги дастлабки қарашлар эди. Қадимги юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўз асарларида мазкур муаммони таҳлил қилиб берганлар.

Девиант хулқ-атвор муаммоларини таҳлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутади. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: “Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир”.

Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини мамлакатимиз олимлари ҳам ўз тадқиқот объектлари доирасида ўрганганлар.

Файласуфлар Х.Шайхова, Қ.Назаров, М.Холматова (шахс камолотида маънавий-ахлокий тарбия таъсири масалалари), социолог М.Б.Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), ҳуқуқшунослар А.Қулахметов, Й.Каракетов, М.Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари), психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, С.А.Ахунжанова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва жиноятчилик муаммоларининг рухий-психологик асослари), педагог-олимлар О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповаларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўсмирлар ва ёшлардаги девиантлик ҳолатларининг пайдо бўлишида носоғлом оилавий муҳит, тарбиядаги бузилишлар, кўчаниннг таъсири, турли салбий гуруҳлар, бўш вақтдан тўғри фойдаланмаслик ва бошқа шу каби бир қанча зарарли омиллар асосий сабабчи бўлади. Бундан ташқари, оилаларнинг одоб ва маданий даражасидаги тафовут, болалар тарбияси билан мунтазам шуғулланмаслик, ота-онаниннг керагидан ортик даражада банд бўлиши каби ҳолатлар ҳам девиантликнинг вужудга келишида ўзига хос равишда таъсир кўрсатади. Қуйида биз девиант хулқ-атворнинг кўринишлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда зарарли оқибатларини ўрганишга доир ўтказилган тадқиқотлар натижалари, турли кузатишлар ҳамда статистик маълумотлардан айримларини келтириб ўтамыз.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар ўртасида сўров ўтказилганда, уларнинг 28,7 фоизи ўз вақтларини видео барларда турли кинофильмлар кўриш, 12,8 фоизи кимор ёки карта ўйинини ўйнаш, 35,8 фоизи гиёҳванд моддаларни татиб кўриш ёки алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш, 36,8 фоизи эса кўча ва бозорларда сабабсиз тенгираб юриш билан ўтказишларини маълум қилишган.

Жамият маънавияти ва кишиларнинг соғлом турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатлардан бири – гиёҳвандлик ҳисобланади. Турли даволаш муассасаларида даволанаётган гиёҳвандлар билан суҳбатлашилганда уларнинг 25 фоизи кўчада, улфатчиликда, 12 фоизи дискотекада орттирган танишларидан ва яна бир қанчаси турли тўдалардан ҳамда ётоқхоналардаги танишларидан ўрганганликларини эътироф этишган.

Ҳозирги даврда героин ва унинг хом-ашёларини ишлаб чиқаришда Таиланд, Бирма, Лаос машҳур “Олтин учбурчак”, Покистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар эса машҳур “Олтин ярим ой” ҳисобланадилар. Кейинги вақтларда Марказий Осиё минтақасида наркотик моддалар, жумладан, опий етиштирувчилар сонининг кўпайиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Чунки, бу моддаларни сотиш ҳамда истеъмол қилиш билан асосан ёшлар ва ўсмирлар шуғулланмоқдалар.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ўрганилганда мана бундай ҳолат кўзга ташланган: кишиларнинг уйларига ўғирликка тушганларнинг 24-30 фоизи, давлат мулкини ўғирлаганларнинг 42-45 фоизи, безорилик билан қўлга олинганларнинг 75-95 фоизи, босқинчиларнинг 60-70 фоизи, талончиларнинг 60-70 фоизи, номусга тегишда айбланганларнинг 50-66 фоизи, тан жароҳати етказганларнинг 90-100 фоизи маст ҳолатда бўлган. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида Европада 14-15 ёшли қизларнинг майжўрликка қизиқишлари қарийб икки мартага ошган. Шунга асосан, озодликдан маҳрум этилган ўсмирларнинг бир қанчаси билан суҳбат ўтказилганда, уларнинг 12 фоизигина ичмаслигини айтган. Улардан 48 фоизи мунтазам равишда эмас, балки ахён-ахёнда ичган. 40 фоизи эса, доимий суръатда ичкиликка муккасидан кетган.<sup>1</sup>

Интернет тарқатган маълумотларга кўра, кейинги пайтларда Россия Федерациясининг бир қанча вилоятларида ўсмирлар томонидан содир этилаётган турли жиноятлар сони анча ортган. Бу жиноятларнинг амалга оширилишида, энг аввало, шу ўсмирларнинг ичкиликбозлиги, гиёҳванд моддаларни қабул қилиши асосий сабаб бўлган.


Ёшлардаги девиантлик ҳолатлари шаклларида яна бири фоҳишабозлик бўлиб, унинг келиб чиқишига, маълум маънода, ўсмирлар ва ёшларнинг жуда барвақт жинсий ҳаётга киришишлари ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади. Россия таълим академияси социология маркази ходимлари томонидан Москва мактабларининг 7, 9 ва 11-синфларидаги уч минг ўқувчи ўртасида ўтказилган сўров натижалари анча қизиқарлидир. Олинган маълумотларга кўра, 11-синфдаги қизларнинг 35,6 фоизи ва ўғил болаларнинг 55,4 фоизи

<sup>1</sup> Келтирилган маълумотлар ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Жиноятнинг узун йўли (Қим айбдор?) асаридан (Тошкент, “Истиқлол”, 2004) олинди.



интим муносабатлар бўйича етарли тажрибага эга эканлар. Улардан 18,8 фоизи мунтазам равишда жинсий алоқада бўлар экан.

**Топширик.** Жамият ҳаётида мавжуд бўлган девиант ҳулқ-атворнинг асосий кўринишларини қуйидаги тасвир шаклида изоҳлашга ҳаракат қилинг. Тасвирдаги кўринишларга яна қўшимча қилиш мумкинми?



**Ҳурматли талаба!** Ушбу мавзуга доир руҳий (психологик) тестни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Уни бажариш асносида зарарли одатлардан бири бўлган ижтимоий иллатга ўз муносабатингизни билдирасиз.

### Мен нега чекаман?

Ушбу тест АҚШ нинг Даллас шаҳри Миллий стратегик саломатлик маркази томонидан ишлаб чиқилган. У ёмон одат – чекиш домига нега тушиб қолганингни билишда сизга кўмак беради.



Қоғозга 1 дан 18 гача сонларни устун тарзида ёзиб чиқинг. Уларнинг ҳар бири қаршисига тасдиқловчи сўзлар ва унга мос келадиган баллар ёзилади: “ҳамиша” жавоби – 5 балл, “кўпинча” – 4, “ҳар замонда бир” – 3, “камдан кам ҳолларда” – 2, “ҳеч қачон” – 1 балл.

1. Мен чарчоғимни тарқатиш учун чекаман.
2. Тамақини бурқситиб ўтириш менга ҳузур бағишлайди.
3. Чекиш танамни яйратиб, мушакларимни бўшаптиради.
4. Жаҳлим чиққанда чекаман.

5. Тамаки бўлмаса, уни топмагунимча хотиржам тортолмайман.
  6. Ўйламасдан, беихтиёр чекаман.
  7. Чекиш менга таскин бериб, кўнглимда ишонч уйғотиши учун ҳам чекаман.
  8. Тамакини тутатишдан анча-мунча роҳат оламан.
  9. Чекиш давомида кайфиятим яхшиланади.
  10. Ҳаётим издан чикиб кетганда, ўзимни ёмон ҳис қилганимда чекаман.
  11. Чекмаган дакикаларимни аниқ фаҳмлайман.
  12. Аввалги тамаки кулдонда сўнмай туриб, бошқасини чекишни бошлайман.
  13. Кайфиятимни кўтариш учун чекаман.
  14. Оғзимдан чиқаётган тутинни томоша қилишни ёқтираман.
  15. Ишларимдан кўнглим тўлганда, бамайлихотир чекиш менга ёқади.
  16. Руҳан сиқилганимда ғам чекиб, ўзимни ёмон ҳис этсам, бу кўнгилсизликлардан қутилиш учун ҳам чекаман.
  17. Чекмаган пайгимда никотинга муҳтожлигимни ҳис этаман.
  18. Оғзимда тамаки турганини ҳис этсам-да, уни қачон оғзимга солганимни эслолмайман.
- Энди жавобларни балларда ҳисоблаб, олги тасдиқ гуруҳига бўлинг. Уларнинг ҳар бирида сиз 1 дан 15 гача балл йиғишингиз мумкин.

### **Тасдиқ жавобларининг йигиндиси**


- № 1,7 ва 13 — Сизни чекишга мажбур этувчи сабабларни кўрсатади (жавобга қаранг)
- № 2,8 ва 14 — тамаки чекиб, роҳат олишни англатади.
- № 3,9 ва 15 — ёқимли бўшашиш кўрсаткичи.
- № 4,10 ва 16 — ички зўриқишни пасайтиради.
- № 5,11 ва 17 — тамакига руҳан қарам бўлиб қолиш.
- № 6,12 ва 18 — одат, яъни рефлексли чекиш.

**1 - 7 балл** — “ижобий” баҳо: берилган жиҳат сизнинг ҳолатингизда ҳал қилувчи эмас.

**8 - 10 балл** — “ўртача” баҳо: энг катта баллни йиккан саволлар устида бош қотирилинг.

**11 - 15 балл** — сиз сергак тортишингиз керак: берилган жиҳатлар сизни чекишга мажбур этувчи муҳим томондир.

**Қадрли талаба!** “Девиант хулқ-атвор социологияси” мавзуини янада чуқурроқ ўрганиш учун педагогик технологиянинг “Балик суяги” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу усулда баликнинг бош қисмида асосий муаммо, унинг ўнг канотида муаммолар, чап канотида эса шу муаммоларнинг ечими кўрсатилади.



**Хурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни қуйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.

**1. Социал мобиллик нима?**

- А) индивид ёки ижтимоий субъектнинг жамиятдаги ижтимоий ҳаётини ўзгартириши кўрсаткичи
- В) индивид ёки ижтимоий субъектнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги ҳолатини ўзгартириш кўрсаткичи
- С) инсоннинг бошқа одамларнинг ҳатти-ҳаракатига мос келувчи ҳаракати
- Д) индивид ёки гуруҳнинг жамиятдаги муносабатлар тизимидаги бир қатор белгилар бўйича ўрни ва даражаси
- Е) фақат А ва В



**2. Социал стратификациянинг моҳиятини аниқланг.**

- А) кийиниш одати, сўзлашувнинг ўзига хослиги.
- В) даромад, бойлик, обрў.
- С) ижтимоий табақаланиш, турли ижтимоий катламлар, ижтимоий тенгсизлик.
- Д) касб маҳорати, табақаланиш, бойлик.
- Е) фақат В ва Д.

**3. Ёшлар социологиясига қачон ва қаерда асос солинган?**

- А) XIX асрнинг 90-йилларида АҚШ да, Россияда
- В) XX асрнинг 20-йилларида Германия, АҚШ, Францияда
- С) XX асрнинг 10-йилларида Англияда
- Д) XIX асрнинг охирларида Францияда
- Е) XX асрнинг бошларида Японияда

#### 4. Қайси стратификацион тизим очик ҳисобланади ?

- A) каставий
- B) табақавий
- C) синфий
- D) диний
- E) тўғри жавоб йўқ

#### 5. “Ёшлар йили” Давлат дастури неча бўлимдан иборат ?

- A) 3 бўлимдан
- B) 5 бўлимдан
- C) 7 бўлимдан
- D) 9 бўлимдан
- E) 11 бўлимдан

#### МАНЗУ: Шахс, жамият ва ижтимоий бошқарув социологияси

Социология шахсни ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, жамият маҳсули сифатида қараб чиқади. Шахс ўзаро таъсир кўрсатиш ва социал муносабатларнинг бирламчи омили бўлиб ҳисобланади. “Шахс” сўзи дастлаб юнон театрида пайдо бўлиб, у актёр ўз ролини ижро этган маска (ниқоб) ни англатган. Кейинчалик бу тушунча такомиллашиб бориб, социал ҳаётнинг манбаи, элементи, арбоби, реал ифодаси маъноларини ифодалай бошлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, шахс фақат жамият бағрида етишади ва жамиятдан ташқаридаги инсон шахс бўла олмайди.

Шахснинг маъно-мазмунини тўлиқ билиб олишдан олдин “инсон”, “индивид”, “шахс” тушунчаларини бир-биридан фарқлаб олиш лозим.

**Инсон тушунчаси** умумий, ҳамма учун хос бўлган сифат ва қобилиятни изоҳлаш учун қўлланилади.

Социологияда индивид тушунчаси у ёки бу социал уюшманинг ягона, инсоният зотининг яққа вақилини англатади. Индивидларнинг фарқлари сифатида психологик, социал, нейрофизиологик, биохимик ва бошқа шу каби белгилар кўрсатилади. Ўз навбатида, **индивидуаллик** бир индивиднинг иккинчисидан фарқ қилувчи хусусиятлар йиғиндисини ифода этади.

**Топширик.** Қуйида шахсга берилган таърифнинг қайси бири социологияга кўпроқ мос келишини аниқланг.

- шахс мавжуд жамятнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи ҳар бир одам.
- шахс табиатдан юқори турувчи социал мавжудот.
- шахс алоҳида ярқ этган индивидуаллик.
- шахс тарихни ҳаракатга келтирувчи куч.
- шахс социал мавжудот, социал ҳаётнинг онгли субъекти бўлган ҳар бир инсон.

Социология тарихида ўзининг методологик қурилмаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи шахс тўғрисидаги қуйидаги назариялар амал қилади :

1. Шахс ижтимоий фаолият, муносабат субъекти ва объекти тўғрисидаги **марксистик назарияда** асосий эътибор шахс ва жамятнинг ўзаро муносабатига қаратилган. Марксистик социологияда шахснинг моддий фаолияти жараёнида юзага келувчи ва онгининг муайян хусусиятларини акс эттирувчи субъектив жиҳатлари кўпроқ таъкид қилинган.

2. Америка социологлари Т.Знанецкий ва Ч.Томаслар асос солган **шахс ижтимоий ҳулқини бошқаришнинг диспозицион назариясида** шахс ҳаётидаги дунёқарашлик ва қадриятли – норматив омилларга кўпроқ аҳамият берилади. Бу назарияга кўра, шахс онгининг ҳаётгий ўрнини белгилайди. Шахс дунёқараши, ижтимоий қадрияти, гоъвий ва маънавий нормалар унинг фаолиятини белгиловчи асосий омиллардир.

3. Социологияда Америкалик Ж.Мид ва Г.Р.Минтонлар томонидан асос соллинган **шахснинг роли назарияси** ҳам диққатга сазовордир. Кейинчалик бу назария Г.Мертон ва Т.Парсонс, Фарбий Германия социологи Г.Дарендорфлар томонидан янада ривожлантирилган. Бу назария икки асосий тушунчалар: шахснинг ижтимоий мавқеи ва ижтимоий роли орқали тушунтирилади. Унга кўра, ҳар бир инсон муайян ижтимоий тизимда бир неча ўринни эгаллаши мумкин. Ҳар бир эгалланган ўрин **ижтимоий мавқе** деб аталади. Шахс ўз ҳаёти давомида бир нечта ижтимоий мавқега эга бўлиши мумкин. Бинобарин, бу ўринлардан қайси биридир унинг асосий ижтимоий мавқеини белгилайди. Бош мавқе шахснинг эгаллаб турган мансаби (масалан, директор, раис, бошқарувчи қабилар) билан белгиланади.

**Топширик.** Қуйидаги мавкеларнинг қайси бири шахс учун белгиланган, қайси бири орттирилган мақом эканлигини кўрсатинг.

Т/р	Мавкелар	Белгиланган мақом	Орттирилган мақом
1.	Ўқитувчи		
2.	Ота		
3.	Профессор		
4.	Ўғил		
5.	Сингил		
6.	Флегматик		
7.	Ўзбек		
8.	Диктатор		
9.	Шахарлик		
10.	Эркак		
11.	Талаба		
12.	Спортчи		
13.	Касал		
14.	Авлиё		
15.	Қора танли		

**Ижтимоий мавке** (статус) тушунчаси алоҳида олинган инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда, мавжуд ижтимоий тизимда эгаллаб турган мавкеини ифодалайди. Бу тушунча орқали кишиларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ирки ёки ўзининг харакаги (маълумоти, кўрсатган хизмати) орқали эришган даражаси ўрганилади.



Таъкидлаш жоизки, белгиланган мавке – шахс хизмати ва ҳатти-харакатидан қатъий назар, олдиндан белгилаб қўйилади. **Эришилган мавке** шахснинг ўз ҳатти-харакаги, қобилияти натижасида қўлга киритилади. Булардан ташқари, яна шахснинг табиий ва касбий лавозим мавкеига ҳам эътибор қаратилади. **Шахснинг табиий мавкеи** эркак ва аёл, болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик даврларини англатса, **касбий лавозим мавкеи** эса шахснинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ҳолати (муҳандис, темирчи, ҳайдовчи ва бошқалар) ни билдиради. **Ижтимоий мавке** шахснинг муайян ижтимоий тизимида эгаллаган конкрет ўрнини ифодалайди. **Ижтимоий роль** эса шахснинг ижтимоий тизимида эгаллаган мавке билан бажарадиган фаолияти мажмуини ифодалайди.

**Топширик.** Шахнинг макоми ёки макъеи ҳамда ўзаро муносабатларига доир саволларни “ҳа” ва “йўқ” жавоблар кўринишида бажаринг.

Т/р	Саволлар	жавоблар	
		ҳа	йўқ
1.	Бир киши кўплаб макомларга эга бўладими ?		
2.	Ирк, жинс – эришилган макомми ?		
3.	Бир инсон фақат бирта ролга эга бўладими ?		
4.	Ижтимоий роль шу макомга мўлжалланган хулқ- атвор кўринишими ?		
5.	“Ишсиз” ва “уй бекаси” макомлари касб-корлик соҳасига тегишлими ?		
6.	Шахслар ўртасидаги муносабатлар иккинчи даражали ўзаро таъсир ҳисобланадими?		
7.	Оила - икинчи даражали муносабатлар соҳасими ?		
8.	Армия – икинчи даражали муносабатлар соҳасими ?		
9.	Норасмий муносабатлар биринчи даражали гуруҳларда амалга ошириладими?		
10.	Ўзаро яқинлик — биринчи даражали муносабатларни ифодалайдими ?		
11.	Ўғил (фарзанд) — эришилган макомми ?		

Шахснинг шаклланишида уни ўраб турган муҳит ва у интиладиган маданий-ижтимоий идеаллар ҳамда шахс томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Бундай ҳолатга фанда инсоннинг ижтимоийлашув (социализация) йўли билан шахс мақомига эга бўлиши сифатида қараш одат тусига кирган.

Ижтимоийлашув инсоннинг биологик ва руҳий эҳтиёжларига мақсадга мувофиқ равишда, оқилона таъсир ўтказиш ҳисобланади. Бунинг оқибатида инсон шахси қарор топишининг иккинчи томони – унинг субъектив «МЕН»и ҳам шаклланади. Шахснинг «МЕН»и унинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, маҳалладошлари ва бошқалардан ўзлаштирадиган сифатлардир. Умуман олганда, **шахснинг ижтимоийлашуви деб, шахснинг социал воқеликка, жамиятдаги социал жараёнларга онгли муносабатда бўлиши, билимларни атрофлича эгаллаши, малака ва кўникмалар ҳосил қилиши ҳамда кадриятларни чуқур ўзлаштириши жараёни тушунилади.**

Шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида социал адаптация ва социал интериоризация муҳим роль ўйнайди. Социал адаптация (мослашиш) – индивиднинг социал шароитларга, социал нормаларга, социал гуруҳларга, ташкилот ва институтларга, умуман олганда, муҳитга мослашишидир. Социал адаптация жараёни, асосан, оиладан бошланади. Оиладаги ҳар қандай муносабатлар шахснинг ижтимоийлашувида ўз аксини топади. Шу боисдан индивиднинг шахс сифатида шаклланишида оила асосий роль ўйнайди. Социал интериоризация – социал меъёр ва кадрятларнинг индивид ички дунёсига кириши жараёни.



**Топширик.** Ҳурматли талаба! Шахснинг ижтимоийлашув жараёнига қаратилган қуйидаги вазифани “ҳа” ва “йўқ” жавоблар кўринишида бажаринг.


т/р	Саволлар	жавоблар	
		ҳа	йўқ
1.	Ижтимоийлашув фақат инсонга эмас, хайвонга ҳам хосми ?		
2.	Хайвонларни ҳам ўқитиш мумкинми ?		
3.	Ижтимоийлашув етуклик ёшида тугайдими ?		
4.	Ижтимоийлашувга пойдевор етуклик ёшида қўйиладими ?		
5.	Ижтимоийлашув ижтимоий ролларни ҳам камраб оладими?		
6.	Гўдак – Бу шахсми ?		
7.	Ферал кишилар (болалар) хайвонлар тарбиялаган кишиларми?		
8.	Узоқ қариндошлар ижтимоийлашув агенти ҳисобланмайдиларми ?		
9.	Корхона ва ташкилотлар ижтимоийлашувнинг дастлабки агентлари ҳисобланадиларми ?		
10.	Балоғатга етмок – организмни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш жараёними ?		

Шахснинг ижтимоийлашув жараёнига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Улар ёрдамида шахс ўзининг жамиятдаги ўрнини топган ҳолда, турли социал муносабатларга кириша олади ҳамда социал воқеликни теран идрок қила олиш имконига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, шахснинг ижтимоий сифатларини белгилашда у эгаллаб турган мақом, бажараётган ижтимоий роли, жамиятдаги меъёр ва кадрятлар, маданият намуналари, ҳаёт фаолияти давомида



фойдаланадиган турли белгилар тизими, билим ва махсус тайёргарлик даражаси, ундаги ижтимоий-психологик ўзига хослик, муаммоларни мустакил ҳал қила олиш қобилияти, ижтимоий фаоллик каби хусусиятлар алоҳида аҳамият касб этади.

**Топшириқ.** Қуйида шахснинг ижтимоийлашувига таъсир килувчи омиллар тасвир кўринишида берилган. Тасвир атрофидаги доираларда ижтимоийлашувга таъсир килувчи омиллар ёзилиши керак. Ижтимоийлашув жараёнига яна қандай омиллар таъсир кўрсатади? Тасвирга қўшимчалар қилишга ҳаракат қилинг.



**Қадри галаба!** Энди эътиборингизни қуйидаги рухий (психологик) тестга қаратамиз. Ушбу тест шахснинг ўз муаммоларини қай даражада мустакил ҳал қилишига бағишланган.

### **МУАММОЛАРИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?**

**1. Шахсий муаммоларингизни, юз берган кўнгилсизликларни бошқаларга айтасизми?**

- а) йўқ, бу менга ёрдам бермайди – 3 балл;
- б) ҳа, фақат яқин одамимга – 1 балл;
- в) ҳар доим эмас, одамларнинг ўз ташвишлари бор – 2 балл.

**2. Кўнгилсизликлардан қаттиқ сиқиласизми?**

- а) ҳар доим – 4 балл;
- б) вазиятга қараб – 0 балл;
- в) қўниқилшга ҳаракат қиламан, чунки ҳар қандай кўнгилсизликларнинг қачондир тугашига ишонаман – 2 балл.

**3. Нимадандир ҳафасиз ёки қимдир сизни қаттиқ ранжитди. Шундай пайтларда нима билан шуғулланишингиз мумкин?**

а) анчадан бери кўнглимга туғиб юрган орзуимни амалга оширишга ҳаракат қиламан – 0 балл;

б) дўстларимнинг ёнига бораман – 2 балл;

в) сикилсам-да уйда ўтираман – 4 балл.

**4. Яқин одамингиз сизни ҳафа қилди. Нима қилган бўлардингиз?**

а) алашимни ичимга ютиб, ҳеч ким билан гаплашмайман – 3 балл;

б) ундан нима мақсадда ҳафа қилганини тушунтириб беришини талаб қиламан – 0 балл;

в) дардимни эшита оладиган одам бўлса айтаман – 1 балл.

**5. Бахтли онларингизда:**

а) бахтсизлик ҳақида умуман ўйламайман – 1 балл;

б) бахтнинг абадий эмаслигини ўйлайман – 3 балл;

в) ҳаётимда кўнгилсизликлар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлайман – 5 балл.

**6. Руҳшуносларга муносабатингиз қандай ?**

а) уларнинг мижози бўлишни истамасдим – 4 балл;

б) кўп одамларга уларнинг фойдаси тегиши мумкин – 2 балл;

в) инсон ўзига ўзи ёдам бериши мумкин – 3 балл.

**7. Тақдир Сизнингча:**

а) ҳар доим мени синайди – 5 балл;

б) менга адолатли эмас – 2 балл;

в) менга омад доимо кулиб боқади – 1 балл.

**8. Севган инсонингиз билан уришиб қолдингиз ва бироз**

**ўзингизга келганингиздан сўнг нима ҳақида ўйлайсиз?**

а) ўтган яхши дамларимиз тўғрисида – 1 балл;

б) мени ранжитгани учун уни ҳам ранжитишни – 2 балл;

в) менга нисбаган бундай ноҳақликни биринчи марта қилмаётгани тўғрисида ўйлайман – 3 балл.

**Натижа:**

**7-15 балл.**

Ҳар қандай кўнгилсизликларни, ҳатто бошингизга тушган катта бахтсизликларни ҳам енгилсизга қурбингиз етади. Чунки сиз вазиятни тўғри баҳолай оласиз. Сизда кўпчиликда бўлгани сингари ўзига ачиниб хисси йўқ. Ҳар нарсада мувозанатни ушлаб тура олишингизга қойил қолиш керак.

## 16 - 26 балл.

Кўпинча тақдирингиздан нолиганингиз нолиган. Муаммоларингиз ва юз берган кўнгилсизликларда кўпинча бировларни айблайсиз. Ич-ичингиздан кимдир сизга ҳамдардлик билдиришини, сизга ёрдам беришини хоҳлайсиз. Сиз майда асаббузарликлардан кўз юмиб, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилиб кўринг.

## 27 - 36 балл.

Арзимаган кўнгилсизликлардан ҳам тушкунликка тушиб, ўзингизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Сиз ҳали муаммоларингизни ўзингиз ҳал қилишга тайёр эмассиз. Озгина сабр, чидам ва ўз кучингизга ишонч ахволни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

**Қадрли талаба!** Мавзу бўйича вазифалар Сизни бироз толиктириб қўйган бўлса, чалғишингиз учун енгил бир кулишайлик.

### *Латифа*

- *Айтинг- чи, ухлаётганингизда гапирасизми ?*
- *Йўқ, аксинча, ухлаётганларга гапираман.*
- *Яъни... қандай ?*
- *Университетда домламан.*



### **Жамият социологияси**

**Жамият** – кишилар ҳаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жихатидан мураккаб тизимни ташкил қилади. Жамият бир бутун яхлит табиий-тарихий тизим бўлиб, у ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий муносабатлар, социал, мафкуравий ҳамда сиёсий таркибий тузилишнинг ўзаро уйғунлигини ўзида намоён қилади. Шу маънода жамият энг умумий ва муҳим социал тизим ҳисобланади. Жамиятнинг синфлар, этник, демографик, худудий, профессионал (касбий) гуруҳлар, оила, шахс ва бошқа шу каби тизимости элементлари мавжуд бўлади.

Жамиятни социологик жихатдан ўрганишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилади:

1. Жамиятнинг тузилиши ва таркиби ўрганилади.
2. Жамиятда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, муносабатлари таҳлил қилинади.

3. Жамият тараққийети унинг ривожланиши нуктаи назаридан ўрганилади. Социологияда жамиятнинг қуйидаги қўринишлари кўрсатиб ўтилади :

1. Фаровонлик (мўл-қўллик) жамияти – (Асосан Фарбда: Скандинавия давлатлари мисолида).

2. Истеъмол қилиш жамияти (XX асрнинг 40-50-йилларида АҚШда юзага келганлиги билан характерланади).

3. Очиқ ва ёпиқ жамият. Очиқ жамият – ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи, танқидни ёриб ўтишга мослашувчи (масалан, демократик жамият)

Ёпиқ жамият – авторитар режим асосидаги, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади (масалан, авторитар жамият)

Социологияда жамиятнинг анъанавий жамият (асосчиси немис социологи Ф.Тённис), индустриал жамият (асосчилари француз файласуфи ва социологи Р.Арон, америка иқтисодчиси У.Росту), постиндустриал жамият (асосчилари америка социологлари ва политологлари Д.Белл, З.Бжезинский, Э.Тоффлер, француз социологи ва политологи А.Турен) каби шакллари ҳақида ҳам фикр юритилади.

Анъанавий жамиятда меҳнатнинг табиий тақсмоти ва ихтисослашуви, шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштириш, кишиларнинг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги, бошқарувдаги примитив тизимлар асосида жамият аъзоларининг фаоллиги чеклаб қўйилган бўлади.

Индустриал жамият техника тараққийети, саноатнинг ривожланиши даражаси билан белгиланади. Унда мулкнинг барча қўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Автоматик ишлаб чиқариш вужуга келади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик килади. Маҳсулот бозор учун мўлжалланган бўлади. Индустриал жамиятни иқтисодий жамият деб ҳам аташ мумкин. Чунки реал борлиқ иқтисодга қаратилган бўлади. Бу жамиятда урбанизациялашув жараёни, таълим тизимига янгича ёндашув, оммавий маданиятнинг ривожланиши анча кучаяди.

Постиндустриал жамиятда интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқиб олади. Бу жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси, фан ва маорифга эътибор кучаяди. Ахборот-коммуникация тизими жадал ривожланади. Постиндустриал

жамиятда инсон ўз моҳиятини, билим ва иқтидорини, кадриятларини намоён қилувчи ижтимоий кучга айланади.

Социологияда жамиятнинг қуйидагича тузилишига ҳам аҳамият берилади:

1. **Тоталитар жамият** – (лот. умумий, бутун, жамики). Жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан ялпи назорат ўрнатилади. Маъмурий-буёрукбозлик устувор бўлади.

2. **Авторитар жамият** – (лот. бошловчи, асосчи, ижодкор, автор) демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ёки сиёсий онгнинг авторитар шакли. Бу сиёсий ҳукмронлик қилишнинг ўта реакцион давлат тизими. Шахснинг диктаторлик элементлари билан уйғунлашиб кетади.

3. **Демократик жамият** – (юнон. халқ ҳокимияти) – халқнинг ҳокимият манбаи эканлигини, давлат ишларини ҳал қилишда катнашишини билдиради.

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. У жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. Давлат ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатли халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатли ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади.

**Давлат** – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус апаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормаларини яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

**Давлат** – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов апаратига, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

**Ҳурматли талаба!** Энди эътиборингизни мавзуга доир қуйидаги топшириқни бажаришга қаратамиз.

**Топшириқ.** Жадвалда кўрсатилган белгилар жамиятнинг қайси шаклига тегишли эканлигини аниқланг.

Т/р	Белгилар	Тоталитар жамият	Авторитар жамият	Демократик жамият
1.	Давлат мафкураси			
2.	Шахснинг тула эркинлиги			
3.	Ижроия ҳокимиятнинг устунлиги			
4.	Ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши			
5.	Ҳокимият органларининг бўлиниши			
6.	Буйруқбозлик бошқариш асосий усули сифатида			
7.	Шахс эркинлигининг амал қилмаслиги			
8.	Бир партияли тизим			
9.	Фикрлар хилма-хиллигининг мавжудлиги			
10.	Ҳарбийлаштириш			

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш<sup>1</sup>” мақсад қилиб қўйилган. Шунга асосланган ҳолда, демократик ва ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини қисқача изоҳлаймиз.

**Демократик давлат**да давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг равишда иштирок этадилар. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-киммати, ҳаёти, соғлиги ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда қўриб боради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллиги учун тегишли имкониятлар яратади.

**Ҳуқуқий давлат**да ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдидаги тенглиги таъминланади. Бундай давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланади,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2012, 3-бет.

хокимият органларининг ваколатлари бўлиниш принципи асосида ташкил этилади.

**Фуқаролик жамияти** – инсоннинг ялпи ҳуқуқлари кафолатланадиган, мафсуравий плюрализм таъминланадиган жамият ҳисобланади. Фуқаролик жамияти бу жамиятнинг бир қисми бўлиб, хоқимиятнинг давлат органлари ва бошқарувидан ташқари қисми сифатида амал қилади. Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХІ бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида фуқаролик жамияти ҳақида қуйидаги фикрни баён қилган: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмақлашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қамситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини қамситмаслиги лозим”.<sup>1</sup>

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойили муҳим аҳамият касб этади. Унда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратган: “Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотажорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз**


<sup>1</sup> Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 173-бет.

салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”<sup>1</sup>

Ушбу концепцияда Президентимиз 6 та йўналиш асосида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг келгуси истикболларини ёритиб берганлар.

**Топширик.** Қуйидаги тасвир кўринишида концепциядаги бўлимлар номларини кўрсатинг ва уларнинг моҳиятини тўлиқроқ изоҳлашга ҳаракат қилинг.



<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенагининг кўшма мажлисидаги маъруза. Т., "Ўзбекистон", 2010, 41-42- бетлар.



**Хурматли талаба!** Навбатдаги топширигимиз давлат тузилиши, жамият шакллари, маданият, цивилизация, ислохот тушунчаларининг мазмун-моҳиятига қаратилган. Вазифани бажариш жараёнида шунчаки жавоб бериш билан кифояланиб қолмасдан, ҳар бир қатордаги топшириқнинг ўзига хос жиҳати, унинг асосида қандай муҳим масалалар ётганлиги, саволларнинг ижтимоий аҳамиятига ҳам тегишлича эътибор қаратишингиз лозим бўлади. Шунинг асосида тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, маданиятшунослик, диншунослик, политология фанларида ушбу ҳолатлар қандай ўрганилиши ҳамда социология фанида уларни ўрганишдаги алоҳида жиҳатларни ҳам таҳлил қилиш имкониятига эга бўласиз.

**Топшириқ.** Саволларга “ҳа” ва “йўқ” деб жавоб бериш орқали вазифани бажаринг.

Т/р	Саволлар	жавоблар	
		ҳа	йўқ
1.	Давлат оламнинг бир қисми ёки ўз чегарасига эга бўлган ҳудудми ?		
2.	Мамлакат жамиятининг сиёсий ташкилотими ?		
3.	Фуқаролик жамияти сиёсий муносабатлар мажмуидан ташкил топганми ?		
4.	Жамият давлатлар ва мамлакатлар мавжуд бўлмаган вақтда амал қилганми ?		
5.	Тоталитар жамиятда барча қонун олдида тенгми ?		
6.	Бир хил кўринишдаги маданият анъанавий жамият белгисими ?		
7.	Прогресс (таракқиёт) глобал, регресс (депрессия) локал жараёни ?		
8.	Ёзув йўқ жойда цивилизация мавжуд бўлмайdimи ?		
9.	Суверенлик – жамиятнинг муҳим белгисими ?		
10.	Ҳуқуқий давлатда жамият шахсдан устун турадимми ?		
11.	Жамият – энг катта гуруҳми ?		
12.	Давлат ривожланишининг маълум босқичида жамият пайдо бўладими ?		
13.	Ислохот – социал таракқиётнинг сакраш йўли билан содир бўладиган кўринишми ?		
14.	Анъанавий жамиятдан индустриал жамиятга ўтиш саноат инқилоби деб аталадими ?		

**Хурматли талаба!** Толиққанлигингизни энгил бир қулги билан тарқатайлик.

## Латифа

Аскар старшинадан сўради :

- Уртоқ старшина, тимсоҳлар ҳам учадими ?
- Қайси ахмоқ сенга бу гапни айтди?
- Жаноб подполковник айтганди.



– Ҳа, подполковникми? Биласанми... Улар ҳам учади. Фақат жуда наст учишади.

## **Ижтимоий бошқарув социологияси**

Ижтимоий бошқарув социологияси умумсоциология фанининг ажралмас қисми бўлиб, унинг барча назария ва амалиётларидан тўла фойдаланади. Маълумки, инсон иқтисодий фаолияти маълум бир услублар, назариялар, ғоялар, институт, ташкилотлар орқали тартибга солиб келинса, ижтимоий жараён, ҳодисалар ва муносабатларни бошқариш масаласи эса алоҳида ўзига хос ёндашувни талаб этади. Ижтимоий бошқарув фанига XX аср бошларида Ф.Тейлор, М.Вебер, А.Файоль каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталаридан бошлаб унга системали ёндашув усули қўлланила бошланди.

Бошқарув фани бошқарув фаолиятини амалга оширишга оид билимларни яратди, тизимлаштиради ва таркатади. У чегаравий фан бўлиб, иқтисод, менежмент, социология, психология, кибернетика, информатика элементларини ўзида камраб олади. Иқтисод соҳалари, саноат, кишлок хўжалиги, транспорт тизими; ҳудудий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар); ишлаб чиқариш жабхалари (таксимот муносабатлари, маҳсулот сотиш ва шу кабилар) бошқарув объекти сифатида амал қилади.

Бошқарув субъекти бўлиб турли шахслар ва уларнинг бирликлари (директор, ректор, шаҳар ҳокими, бўлим бошлиғи ва ҳ.к), яъни бошқарув объектига таъсир ўтказувчилар бўлиши мумкин.

Бошқарув социологиясида бошқарувга қуйидагича таъриф берилади: бошқарув – ташкилот махсус органининг функцияси бўлиб, энг кам воситалар (вакт,куч,заҳиралар) сарфлаган ҳолда энг юкори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолиятдир.<sup>1</sup>

Инсонлар ўртасидаги ҳодиса ва жараёнлар, алоқалар социал фаолият кўриниши сифатида социал бошқарувнинг ахамиятини янада

<sup>1</sup> Холбеков А., Идиров У. Социология (изоҳли луғат-маълумотнома). – Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1999, 24-бет.

оширади. Социал жараёнларни ўрганиш ва уларни тизимли равишда бошқариш оркалигини жамиятнинг социал эҳтиёжлари қондирилади. Социал жараёнларни бошқаришнинг аниқ стратегияси жамият ривожининг иқтисодий ва социал вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Шу маънода, барча ривожланган мамлакатларда социал бошқарув муаммоларига катта аҳамият берилади.<sup>1</sup>

**Топширик.** Хур матли талаба! Қуйида бошқарувнинг учта асосий модели кўрсатилган. Сиз уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятларни жадвал кўринишида изоҳлашга ҳаракат қилинг.

Автократик	Иқтисодий	Янги

Таъкидлаш жоизки, инсон, унинг ижтимоий табиати, шахс ва социал муҳит муносабатлари, кишининг социал жараёндаги ўрнини бирор-бир лабораторияда аниқ ўрганиб бўлмайди. Шу маънода бошқарилувчи объектга, бир томондан, ривожланишни, иккинчи томондан мувозанатни таъминлаган ҳолда мақсадли таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганиш замонавий ҳаётнинг кундалик эҳтиёжига айланмоқда. Шунинг учун амалий билимлар тизимига социал менежмент фани киритилмоқда.<sup>2</sup>

Социал менежмент асосчиларидан бири А.Файоль “маъмурият назарияси”ни яратган эди. Агар Ф.Тейлор ҳамда Г.Эмерсон бошқарув муаммоларини цех ва корхонага нисбатан таҳлил қилган бўлса, А.Файоль асосий эътиборни олий даражадаги бошқарувга қаратади. У асослаб берган бошқарув тамойиллари, нафакат иқтисодда, балки ҳукумат фаолиятида ҳам, ҳарбий соҳада ҳам, савдода ҳам қўлланиши назарда тутилган бўлиб, универсал хусусиятга эгадир.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Социальный менеджмент. Учебник для вузов / С.Д.Ильенкова, В.Н.Журавлева, Л.Л.Козлова и др.; Под ред. С.Д.Ильенковой. - М., Банки и биржа, 1998., с.4.

<sup>2</sup> Холбеков Абдугани. Бошқарув социологияси. Т., «Академия», 2007, 15-16-бетлар.

<sup>3</sup> Социология. Энциклопедия /Сост. А.А.Грицанов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В.Тарасенко. – Мн., Книжный дом, 2003, с.1074.

А.Файоль бошқарув тизимига оид қуйидаги бешта универсал элементларни асослаб берган: 1) Режалаштириш; 2) ташкил этиш; 3) рахбарият; 4) координация; 5) назорат.<sup>1</sup>

Бошқарув социологияси масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрига кўра, ташкилотлар ҳам миллатлар каби ўз маданиятига эга.

Бошқарув маданияти ташкилот маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. У кадрларлар мажмуасини, яъни бошқарилаётган корхона, муассаса ёки ташкилот аъзолари роя этидиган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлар намуналари, кайфият, рамзларни камраб олади. Бугунги кунда япон компаниялари энг ривожланган корпоратив маданиятга эга эканлиги таъкидланади. Хусусан, дунёга машҳур “Тойота” компаниясида маъмурият ва корхона ишчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосига “Бешиқдан қабргача Тойота билан” концепцияси қўйилган. Унинг хусусиятлари: а) “бир умрга ёлланиш”; б) тулар-жой билан таъминлаш – бўйдоқ ишчиларга ётоқхона, ёш келин-куёвларга уй бериш, болали оиталарга компанияда ишлаб чиқарилган йиғма уйларни сотиш; в) уй-жойлар сотиб олиш учун кредитлар ажратиш, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан арзон нархда таъминлаш; г) имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш; д) бўш вақтни мазмунли ташкил этиш (музыка тўғарақлари, спорт секциялари, туризм ва х.к.)<sup>2</sup>

Ўз-ўзидан аёнки, бу каби тадбирлар малакали ишчи ва хизматчиларни компанияга мустаҳкам боғлашга хизмат қилади. Шу сабабли “Тойота” компанияси рахбарлик сиёсатининг қоида қуйидагича: “Бошқарувнинг энг муҳим муаммоси – одамлар билан муносабатлар муаммосидир. Одамлар, маҳсулот ва пул – бизнеснинг энг асосий элементлари, лекин одамлар – энг муҳими. Нафақат бошқарув, балки бизнеснинг ҳар қандай жиҳати одамлар жамоасидаги ўзаро яхши муносабатларга боғлиқдир”.<sup>3</sup>

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтилиши, “Қучли давлатдан — қучли жамият сари” концепциясининг амалга оширилиши натижасида бошқарув соҳасининг муҳим жиҳати бўлган менежмент масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратила бошланди.

<sup>1</sup> Қаранг : ўша манба.

<sup>2</sup> Қаранг : Холбеков Абдуғани. Бошқарув социологияси. Т., «Akademija», 2007, 19-20-бетлар.

<sup>3</sup> Социология. Энциклопедия /Сост. А.А.Грицапов. В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова. О.В.Тарасенко. – Мн., Книжный дом. 2003, с.1076.

Менежмент бир асрдан ошик тарихга эга бўлиб, XIX аср охири XX аср бошларида америкалик илғор муҳандислар гуруҳи “илмий менежмент” ҳаракатини бошлаб берган эдилар. Бу гуруҳга Ф.Тейлор (1856-1915) раҳбарлик қилган.

Ф.Тейлорни инсон омилини кашф этган шахс сифатида эътироф этишади. У ўз таълимоти асосига моддий манфаатдорлик қондасини қўйган. Муайян тадқиқотлар асосида Ф.Тейлор одамларнинг янгиликка нисбатан руҳий сустрлигини (инертлигини) бартараф этишни асосий муаммо деб билган. Кейинчалик у ўзининг “Руҳий инқилоб” концепцияси асосига ҳам шу қондани қўяди. Моддий манфаатдорликни жорий этиш учун одамлар ҳақиқатда ишлаб топганларидан кўп топмасликлари керак, деган қондани ҳам Ф.Тейлор асослаган эди. Умуман, Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил этиш ҳақидаги қондалари америкача менежмент учун асос бўлиб хизмат қилди.

“Илмий менежмент” тарафдорларининг саъй-ҳаракатлари тугайли Америка XX асрнинг биринчи чорагидаёқ саноатни ташкил этиш ва бошқарув соҳасида анча илгарилаб кетди. Натижада, менежмент фаолият тури сифатида тан олинди, жамиятнинг муҳим институтига айланди.

**Топширик. Кадрли талаба!** Менежмент масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги пайтда менежмент назарияси ва амалиёти асосида қуйидаги учта мактаб шаклланган. Тасвир қўринишида берилган бу мактабларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича фикр юритинг.



Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва социал соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, ўз навбатида, маҳаллий кенгашлар фаолиятини кенгайтиришни, жойларда нодавлат, жамоат тизимларининг мавқеини оширишни талаб этади. Зеро, давлат

хокимияти марказий органларининг ваколатларини маҳаллий ижтимоий-демократик тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиш аҳолининг кенг қатламларини давлатни бошқаришга фаол жалб этишни кўзда тутди. Шу муносабаб билан маҳаллий хокимият вакиллик органлари ишини ташкил этишнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, хокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилганининг мустахкам тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, раҳбар кадрларни тайёрлаш, танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва хизмат поғонатари бўйлаб кўтарилишининг илмий асосланган, синалган тизимини яратиш жойлардаги бошқарув муаммоларини ҳал этишга асосий туртки бўлади. Шу ўринда раҳбар кадрлар фаолияти билан боғлиқ миллий хусусиятларимизга хос тарихий меросни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Маълумки, раҳбар маънавияти, қомил раҳбар сифатлари масаласи мутафаккирлар, тарихчи ва файласуфларни қадим даврларданок кизиктириб келган. Низомулмулкнинг “Сийёсатнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Амир Гемурнинг “Темур тузуклари”, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” каби асарларини бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

**Тошширик.** Форобийнинг юқорида келтирилган асарида баён қилинган фозиллар шаҳри хоқимиға хос бўлган ўн икки фазилат ҳақида нималарни битасиз? Сизнингча, бу фазилатлар бугунги кун раҳбарлари учун ҳам маълум даражада тегишлими? Имкон қадар фикрингизни тасвир кўринишида изохлашға ҳаракат қилинг.

**Ҳурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни қуйидаги тестларни бажариш орқали мустахкамланг.



1. Қуйидагилардан қайси бири ижтимоийлашув (социализация) агенти ҳисобланади?

- А) сотувчи
- В) шифокор
- С) телевидение суҳандони
- Д) хайвон ўргатувчи

2. Бошқарув социологияси қайси мамлакатда яхши ривожланган?

- А) АҚШда
- В) Японияда

С) Германияда

Д) Россияда

**3. “Постиндустриал жамият” назариясининг асосий намоёндаларини аниқланг.**

А) Д.Белл, З.Бжезинский, Э. Тоффлер.

В) А.Турен, Ж.Фурастье.

С) Р.Арон, У.Ростоу.

Д) А ва В.

**4. Маргинал шахс нима?**

А) ижтимоий жиҳатдан нормал ҳолатда бўлмаган ва икки ёки ундан ортик маданиятлар чегарасида оралик ҳолатни эгаллаган, лекин уларнинг бирортасига ҳам тўлиқ қўшилиб кетолмаган шахс.

В) ҳал қилувчи вазиятларда гуруҳ учун маъсулиятли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

С) бирон-бир жамоада катта обрў-эътиборга ва таъсирга эга бўлган шахс.

Д) жамиятнинг кўпчилик аъзолари қабул қилган маданий намуналарга риоя этувчи шахс

**5. Ксенофобия тушунчасининг моҳияти нима?**


А) ўз жамияти ёки гуруҳининг ҳаёт тарзидан бошқа, унга бегона бўлган барча нарсаларга нисбатан хавотир ва нафрат.

В) предметлар ёки тушунчаларнинг ўзаро нисбати, ўзаро алоқадорлиги, ўзаро боғлиқлиги.

С) ижтимоий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги.

Д) инсоннинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга ундовчи истак.

**Мавзу бўйича олинган билимларни педагогик технологиянинг “Нимага?” органайзери орқали янада кенгрок ифодалашга ҳаракат қилинг. Иш жараёнида бу усулнинг ўзига хос жиҳатлари ва афзалликлари ҳақида ҳам тегишли фикрларни билдиринг.**



### МАНЗУ: Иқтисод социологияси

Иқтисод социологиясининг объекти деганда иқтисодий ва социал соҳанинг ўзаро алоқадорлигида вужудга келадиган ёки иқтисоднинг социал жараён сифатида ривожланишини англатадиган мураккаб, динамик тарзда ривожланиб борадиган социал-иқтисодий жараёнлар тизими тушунилади. Қисқарок қилиб айтганда, иқтисод социологиясининг объекти жамиятдаги социал жараёнлар, кишиларнинг социал ҳаёти ва иқтисодий муносабатларнинг социал жиҳатларини ифодалайди.

Иқтисод социологиясининг предмети индивидлар, социал гуруҳлар ва уюшмаларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолияти, тақсимот, истеъмол ва айирбошлаш соҳасидаги иқтисодий ҳатти-харакат ва ижтимоий муносабатларига ҳамда иқтисодий қонунлар ва социал институтларнинг уларнинг иқтисодий эҳтиёжлари, манфаатлари, турмуш тарзига қай даражада таъсир кўрсатишига эътибор қаратади. Шу билан бирга, иқтисод социологияси жамиятдаги иқтисодий жараёнларнинг кишилар ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, моддий фаровонлиги ва маънавий етуқлигига бевосита таъсир кўрсатиш жиҳатларини ҳам ўрганади.


Иқтисод социологияси XX асрнинг 50-йилларида АҚШда вужудга келди. Ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган меҳнат хулқини бошқариш муаммолари; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан иқтисодиётнинг мураккаблашуви; бир томондан юқори технологик тараққиёт, иққинчи томондан, уларнинг оқибатида вужудга келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш зарурияти иқтисод социологиясининг



вужудга келишида асосий сабаблар бўлди. Ўз навбатида, фан-техниканинг ривожланиши ҳам иқтисодий социологиянинг шаклланишига муҳим туртки берди. Иқтисодий фанлардаги илмий қарашлар, ғоялар ва концепциялар кенг миқёсда ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши ҳамда аниқ социологик тадқиқотларни иқтисодиёт соҳасида кенг қўламда амалга оширилиши ҳам иқтисодий социологияни махсус социологик назария сифатида ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Иқтисодий социология АҚШ иқтисодий тараққиётининг юксалишида, бозор муносабатига асосланган юқори технологик қурилмага эга бўлган мураккаб ишлаб чиқариш усулининг мустақамланишида, айниқса, муҳим роль ўйнади.<sup>1</sup>

Иқтисод социологиясининг ривожланишида Ф.Тейлор (1856-1915), Э.Мэйо (1880-1949) каби олимлар катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, иқтисодий ҳаётни ижтимоий талқин этиш масаласига Ғарбда биринчи бўлиб Ф.Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини ўрганди ва 1894 йили меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига асосланган назарияни ишлаб чиқди. Тейлор концепцияси Америка саноатида Форд томонидан ишлаб чиқаришга татбиқ этилди ва шу асосда конвейер ишлаб чиқариши шароитида меҳнатнинг самарадорлиги рағбатлантирилди.

**Топширик. Хурматли талаба!** Тейлор концепциясидаги тўртта муҳим жиҳатни қуйидаги тасвир кўринишида изоҳланг ва унинг бугунги кун билан қай даражада мутаносиблигини тушунтиришга ҳаракат қилинг



Таъкидлаш жоизки, иқтисод социологиясининг ривожланиши ва иқтисодий масалаларни оқилона ҳал этиш йўллари, биринчи навбадга, жамиятда амал қилувчи ижтимоий-сиёсий тузумга бевосита боғлиқ бўлади. Хусусан, собиқ Иттифок давридаги маъмурий-буйруқбозлик асосида иш юритиш усули, марказлашган бошқарув тизими, иқтисодиётнинг бир ёқлама характери, иқтисодий ҳаётнинг ҳаддан ташқари сиёсийлашуви ижтимоий ларзаларга олиб келиш билан бирга, қўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб

<sup>1</sup> Қараг : Юнусов Камолiddин. Социология. Ўқув қўлланмаси. Андижон. 1997, 71-72 - бетлар.

чикарди. Фикримизга далил сифатида турли вақтларда амалга оширилган “ҳарбий коммунизм”, “индустрлаштириш”, “коллективлаштириш”, “шахсий ёрдамчи хўжаликларга бўлган бир ёклама муносабат”, “гигантомания”, “озик-овқат программаси” “ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш” каби сиёсий-иқтисодий тадбирлар мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказибгина қолмасдан, халқ турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши ва озиқ-овқат тақчиллиги муаммосининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди.

Ўз навбатида, дунёнинг айрим мамлакатларида иқтисодий ўсишга таъсир эгувчи асосий омилларни ўз вақтида англаб етиш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида сезиларли ютуқларга эришилганлигини кўрсатувчи мисолларни айтиб ўтиш мумкин. Жумладан, ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШда “Рейганомика” атамаси билан юритилган сиёсат натижасида мамлакатда майда ва ўрта ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда давлат томонидан аҳолининг айрим қатламларини ишсизлик батосидан халос қилиш, кишилар эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни тез, кўп, сифатли ишлаб чиқаришни таъминлаб, уларга нисбатан адолатли тақсимлаш имконияти яратилди.



Ўша даврларда М.Тэгчер томонидан амалга оширилган сиёсат ҳам Англия иқтисодиётини чуқур инкироздан юқори ривожланиш даражасига кўтарибгина қолмай, жамиятдаги ижтимоий тўқнашувларни асосан бартараф қилишга муваффақ бўлди. Бу сиёсат туфайли мамлакатда мулкчилик муносабатлари чуқур тарзда демократлаштирилди, шу асосда ишлаб чиқарувчиларнинг деярли 70 фоизи ўзлари ишлаб турган корхоналардаги ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари бўлиб олдилар.

Шунингдек, Хитойда Дэн-Сяопин томонидан илгари сурилган “Уч қадам” концепцияси ҳам мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва пировардида уни энг ривожланган давлатлардаги каби юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлиги ва турмуш даражасини яхшилашни назарда тутди. Унга кўра, асосий иқтисодий кўрсаткич – мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти биринчи босқичда (1982–89 йиллар) икки марта, иккинчи босқичда (1990–99 йиллар)



тўрт марта кўпайиши, учинчи босқичда эса (2050 йилгача) аҳоли жон бошига тўрт минг долларга етиши кўзда тутилади.<sup>1</sup>

Президент Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида бу ҳолатга алоҳида урғу берган : “...Хитойни оладиган бўлсак, у ерда саноат маҳсулотларининг 40 фоизи кишлоқ жойларда ишлаб чиқарилмоқда. Бу мамлакатда йирик корхоналар қуришмайди, одамлар эса бир вақтнинг ўзида шахсий хўжалик билан шуғулланиб, яшаш жойидан узоқ бўлмаган ерда кўшимча даромад манбаига ҳам эга бўлади. Бугун бунга кўпчилик кўрмоқда, матбуот саҳифаларидан ўқиб, бу ҳақда хабардор бўлмоқда.

Айтиш керакки, Хитойда аҳолининг сони биздагига қараганда бир неча баробар кўп. Лекин Хитой қандайдир йўлларни топиб бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Ўзингиз эътибор беринг, бугунги кунда Хитой қандай суръатлар билан ривожланмоқда, халқининг ҳаёт даражаси ўсиб бормоқда”<sup>2</sup>.

**Топширик. Қадрли талаба!** Дэн-Сяопиннинг “Мушук оқ бўладими, қора бўладими — бунинг нима фарқи бор, сичконни тутса бўлдида!” иборасини қадай шарҳлайсиз? Шундай мазмундаги яна қандай ибораларни биласиз? Фикрингизни кенгроқ изохлашга ҳаракат қилинг.

**Қадрли талаба!** Топшириқлар Сизни бироз толиқтириб қўйган бўлса, келинг яна бир қулишайлик.

### *Латифа.*

*Собиқ Иттифоқда яшовчи яҳудийлардан бири ўзининг Исроиллик миллатдошига қуйидаги мазмундаги мактуб жўнатибди :*



*“Абрам, биласанми, бизда ҳаёт жуда ёмонлашиб, магазинлар пештахталари бум-бўи бўлиб қолди. Ҳамма ёқда қимматчилик. Қайси кун бозорга тушсам бир товукни 15 сўмга сотишмоқда. Бу ёғига қандай яшаймиз, билмайман...”*

*Хатни цензура тутиб олиб, яна шундай мазмунда бирор-бир нарса ёзадиган бўлса, жазога тортилишини таъкидлаб, яҳудийни қўрқитишибди.*

*Орадан бироз вақт ўтиб, яҳудий ўз миллатдошига яна мактуб йўллабди:*

<sup>1</sup> Қарағ : Умаров Баҳодир. Глобаллашув зиддиятлари. Тошкент, “Маънавият”, 2006, 55-56-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов Ислом. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил. 35-36-бетлар.

*“Э Абрам, билсанг эди бизда ҳаёт қанчалик ўзгариб кетганлигини. Магазинлар маҳсулотларга тўла. Ҳамма ёқо арзончилик. Қуш сутигача бор. Кеча бозорга борсам бир кичкина филчани сотишяпти. Баҳоси 10 сўм. Мен уйланиб қолдим. Бу филчани олган билан бир ўзим ея олмайман, ундан кўра 5 сўм қўшсам бирта товۇқ беради”.*

Собик Иттифок давридаги пахта яккахокимлиги, мустамлака тузумига хос, бирёклама ривожланган иктисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари аввало одамларнинг турмуш тарзида, энг ёмони, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорка ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги, унинг генофонига салбий таъсирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимининг авж олишида, ўлкамизнинг экологик ночор ҳолатида ва бошқа кўплаб масалаларда яққол намоён бўлган эди. Бу ҳолатни Президентимиз юқорида келтирилган асарда атрофлича кўрсатиб берганлар: “Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда кун кечирриш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

... Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо коникарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи – ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас”<sup>1</sup>.

Республикадаги демографик вазиятнинг мураккаблиги, ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектларининг асосан стихияли равишда, аниқроғи, ҳар хил ўзбошимчалиқ, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида жойлаштирилиши, республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо коникарсизлиги ҳам мавжуд вазиятни янада чигаллаштирган.

<sup>1</sup> Каримов Ислом. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил. 47-49-беглар.

Бу даврда республика барча асосий иктисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирига тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича иттифокдош республикалар орасида 12-ўринни, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охириги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан 2 баробар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса 2 баробар, аҳолининг ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада қолган.

**СОБИҚ ИТТИФОҚДАГИ ЎРТАЧА ҲАЁТ ДАРАЖАСИГА  
НИСБАТАН ОҒИР ВА АЯНЧЛИ ИЖТИМОЙ МАНЗАРА<sup>1</sup>**

*( аҳоли жон бошига )*

1.	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12 - ўрин
2.	Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 ҳисса паст
3.	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
4.	Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
5.	Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
6.	Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
7.	Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 фоиз аҳоли)	2 ҳисса кўп

Иктисодий муаммолар демографик ҳолатларда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни ғоят долзарб қилиб қўйди. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифокдаги Республикалар ичида энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда Республика аҳолиси 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни пайтда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизига яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди.

<sup>1</sup> Ушбу жадвал “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида китобини Урганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма” китобидан олинди. Т.: “O‘QITUVCHI” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 101-бет

Мехнатга лаёкатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолди<sup>1</sup>.

Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан, ичимлик суви билан таъминланишнинг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалингани аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ич терлама юқумли касаллиги билан касалланганлар Собик Иттифоқ даражасидан 23 баробар кўп бўлган<sup>2</sup>. Агар Японияда ҳар 1000 нафар туғилган чакалоқдан бир ёшгача 5 таси ёки Канадада 7 таси ўлган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 39 тани, Қорақалпоғистонда эса 60 тани (1989 йилги кўрсаткич) ташкил этган<sup>3</sup>.

Экологик инкироз натижасида Қорақалпоғистондаги аёлларнинг 80 фоизи камқонлик касаллигига чалинган ёки ҳарбий хизматга чакирилган ҳар 2 ўспириндан бири жисмонан хизматга яроқсиз топилган<sup>4</sup>.

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида истиклол йилларида эришилган юқуқларимизни қуйидаги кўрсаткичлар асосида яна бир бор таъкидлаб ўтди: “Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришадиган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўладиган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айни шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон микёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инкирознинг жиддий таъсирига қарамадан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди,

<sup>1</sup> Каримов Ислоҳ. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йули. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 18-бет.

<sup>2</sup> Судьба природы – наша судьба. – М.: 1990. – С.223.

<sup>3</sup> Охрана здоровья в СССР. – М.: “Финансы и статистика”, 1990. – С.12.

<sup>4</sup> Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекской ССР. – Т.: “Ўзбекистон”. 1990. – С.33.

2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёклама ривожланган, асосан пахта ҳаммаси етказиб беришга мослашган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди.

1990 йилда саноатимизнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳаммаси бўлиб 14,2 фоизни ташкил қилар эди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 24,5 фоизга етди. Айни шу пайтда кишлоқ хўжалигининг улуши 1990 йилда 34 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 16 фоизни ташкил қилмоқда.

... Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айни ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани хақида гапирганда, кўзга яққол ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та ҳолодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машиналари, пилесос,

микротўлкинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республикамизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда Интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 19 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

2013 йилнинг ўзида кишлоқ ахлига уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-ўжай қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортик, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб ахамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортик иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи кишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганимизнинг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига киради”<sup>1</sup>

Истиклол йилларида амалга оширилган изчил иқтисодий ислохотлар, демократлаштириш жараёнлари, мулкий муносабатларнинг такомиллашуви, ижтимоий соҳага бўлган кучли эътибор, кишилар турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар, фуқаролар онги ва дунёқарашидagi янгиланишлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳар томонлама чуқурлашиб, жамиятнинг барча соҳаларини кенг қамраб олганлигининг ўзига хос тасдиғи бўлди. Шундай бир шароитда иқтисод социологияси янада ривожланиб, тегишли маъно-мазмунга янада кўпроқ эга бўлади.

**Топширик. Ҳурматли талаба!** Сиз Президентимиз томонидан илгари сурилган бозор иқтисодиётига ўтиш – “ўзбек модели” нинг асосий тамойилларини тасвир кўринишида изохланг. “Кучли ижтимоий сиёсат” ва “Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш” тамойиллари ҳақида кенгрок тушунча беринг.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: «Ўзбекистон». 2013, 8-11, 27-28-бетлар.



Навбатдаги топширик рухий (психологик) тестлар кўринишида бўлиб, у юқоридаги мавзуга бевосита алоқадор ҳисобланади.

## ИСРОФЧИМИЗ ЁКИ ЗИҚНА?

Пул ишлаб топши бир иш-у, уни тўғри сарфлаш бошқа иш. Исроф қилмаслик – албатта, яхши хислат. Лекин асосийси, у чидаб бўлмас зикналикка айланиб кетмаслиги керак. Сиз пуллар билан тўғри муносабатда бўла оляпсизми? Буни куйидаги тестни ечиб, билиб оласиз.

**1. Инсонда пул қанчалик кўп бўлса, унинг талаб -эҳтиёжлари ҳам ошади. Сиз бу фикрга қўшиласизми?**

А. Йўқ, мен бундай деб ўйламайман.

Б. Бирор нима дейиш қийин.

С. Ҳа.

**2. Агар ҳозир сизнинг пуллар борасида муаммонгиз бўлмаса, уларни аямай кўнгилхушли қларга сарфлай олармидингиз?**

А. Билмадим...

Б. Йўқ, бундай муносабат бир кунмас бир кун одамни хонавайрон қилади.

С. Ҳа, албатта.

**3. Мунтазам равишда қирим ва чиқимларингизни ҳисоблаб боришга интиласизми?**

А. Мунтазам равишда ушбу молиявий бандларга амал қиламан.

Б. Буни мулақо ажмоқона машғулот деб ҳисоблайман

С. Баъзан менда шундай йўл тутиш истаги уйғониб туради.

**4. Сиз “исроф қилмаслик” билан “зикналик” тушунчалари орасида фарқни кўрасизми?**

А. Йўқ, бу тушунчалар жуда яқин.

Б. Бўлиши мумкин.

С. Ҳа, исроф қилмаслик – бу вазиятни доимо назорат остида ушлаб туришга ёрдам берувчи соғлом фикр.

**5. Ҳатто молиявий қийинчиликлар бўлмаганида ҳам ҳамма нарсада иқтисод қилишга ҳа ракат қиласизми?**

А. Йўқ, пулларни жузур-ҳаловатим учун сарфлайман.

Б. Албатта, ҳар доим эртани ўйлаб яшаш керак.

С. Баъзан деярли ҳамма нарсадан пулимни иқтисод қиламан.

**6. Пулингиз борлигида сиз режалаштирилмаган харид қилишдан ўзингизни тўхтатолмайсизми?**

**А.** Ҳа, бу менинг нозик томоним.

**Б.** Йўқ, мен бундай қилолмайман.

**С.** Вақти-вақти билан менда шундай ҳол юз бериб туради.

**7. Сиз пул сарфлашдан олдин жиддий ўйлаб кўрадиган инсонлар тоифасига кирасизми?**

**А.** Ҳа, шундай қилиш керак.

**Б.** Йўқ, мен унақамасман.

**С.** Билмадим.

**8. Сиз одатда эски кийим-кечакларни ташлаб юбормайсиз ва хар эҳтиmolга қарши бир четга тахлаб қўясиз. Балки керак бўлиб қолар?**

**А.** Агар бу кийимлар ҳақиқатан ҳам менга азиз бўлса.

**Б.** Ҳа, ростдан ҳам бир кун асқотиши мумкин.

**С.** Йўқ, бундай муносабат менга хос эмас.

**9. Вақтнинг қадрига етасизми?**

**А.** Йўқ, деса ҳам бўлади.

**Б.** Вақтдан тўғри фойдаланишга ҳаракат қиламану, хар доим ҳам бунинг уддасидан чиқмайман.

**С.** Ҳа, шубҳасиз.

**10. Жиддий харидлар қилаётганингизда нарх сиз учун бирламчи ўрин эгаллайдими?**

**А.** Ҳар хил.

**Б.** Ҳа, биринчи навбатда мен нархига қарайман.

**С.** Нарх – асосийси эмас.

**Жадвалдан фойдаланган ҳолда балларингизни ҳисобланг.**

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
А	3	2	3	1	1	1	3	2	1	2
Б	2	3	1	2	3	3	1	2	2	3
С	1	1	2	3	2	2	2	1	3	1

**14 балл ва ундан паст.**

Сиз исрофчисиз! Фақат ҳозирингизни ўйлаб яшайсиз. Ўйин – кулгу, хурсандчиликни ёқтирасиз. Сиз танишларингиз ичида рейтингизни кўтариш учунгина ўзингизга керак бўлмаган буюмларни ҳам харид қиласиз. Сиз ҳеч нарса борасида ўзингизга рад жавобини бермайсиз.

Пулларга бўлган бундай муносабат яхшиликка олиб келмаслиги мумкин, шуни ёдда тутинг.

**15-24 балл.**

Сиз хурсандчилик қилишни, ўзгаларга совға харид қилишни ёқтирасиз. Лекин, керак бўлса, иқтисод қилишни ҳам биласиз. Исрофчи эмассиз, лекин сизни зикна ҳам деб бўлмайди. Ҳаддан огиб кетмаслик учун меъёрни биласиз.

**25-30 балл.**

Сиз ўта режали инсонсиз. Баъзан жуда муҳим нарсалардан ҳам пулингизни айбасиз. Лекин ўйлаб кўринг. Нахотки кичик хурсандчиликлардан ҳар доим ҳам воз кечиб яшашдан маъно бўлса?

### **БОЙИБ КЕТА ОЛАСИЗМИ ?**

Тест ёрдамида ўзингизни синаб кўринг. Саволларга жавоб беринг ва ҳар бир ижобий жавоб учун бир баллдан қўшиб боринг.

1. Дилда (мияда) ҳисоблашни яхши биласизми?
2. Иқтисод қилишни биласизми?
3. Ўз қунигизни режал аштирасизми?
4. Қасбингизни муваффақиятли танлаганман деб ҳисоблайсизми?
5. Ўз ишингизни очишни истармидингиз?
6. Бошқа одамлар устидан раҳбарлик қила олиш қобилиятига эгамисиз?
7. Сиз ҳеч қачон ўзингизни оқламайсизми?
8. Ўзингизни реклама қилишга қодирмисиз?
9. Нодир буюмларни яхши кўрасизми?
10. Майда тангаларни териб юрасизми?
11. Омадга ишонасизми?
12. Миллион долларни сарфлай билармидингиз?

**Ана энди яқунларни чиқарамиз.**

**12 балл:** Сизнинг фикрларингиз, тассавурингиз ва қудратингиз бадавлат одамларникидек. Агар ҳалигача бойиб кетмаган бўлсангиз, ўзингиздаги иқтидордан фойдаланиб қолишга шошинг.

**6-9 балл:** Сиз пул билан муомала қилишни яхши биласиз, хамиша пулдан камчилигингиз бўлмайди. Аммо сиздан миллионер чиқиши қийинроқ.

**0-5 балл:** Афсус, катта пулларни кўриш сизга насиб қилмайди – фақат телевизор орқали томоша қилиб, юрагингиз тирналиб

қолаверади. Омад ва бойликка нисбатан муносабатингизни ўзгартириш ёки омадли никоҳни излаб топинг, сизга бундан ортиқ йўл йўқ...

**Хурматли талаба!** Келинг яна бир кулишайлик.

Кунлардан бир кун *Капитализм, Социализм ва Коммунизм учрашиб қолишибди. Улар бу учрашувни нишонлаш мақсадида Социализмни у-бу нарсаларни харид қилиш учун дўжонга жўнатишибди. Лекин Социализм анча кечикиб келибди. Ундан бунинг сабабини сўраганларида:*



– Дўжонда қолбасага навбатда турдим – деса, унга қарата **Капитализм** :

– Қансақа навбат? – деганида, **Коммунизм** :

– Қансақа қолбаса? – дермиш.

**Хурматли талаба!** Билимларингизни қуйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.

**1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қачондан амалга киритилган?**

- А) 1994 йил 5 мартдан
- В) 1994 йил 1 апрелдан
- С) 1995 йил 1 апрелдан
- Д) 1995 йил 21 декабрдан
- Е) 1996 йил 1 апрелдан



**2. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тизимини ким яратган?**

- А) Э.Мэйо.
- В) А.Маслоу.
- С) Ф.Тейлор.
- Д) У.Томас.
- Е) Д.Макгрегор.

**3. Эргономика нима?**

- А) мулк шакллари ўрганувчи фан
- В) меҳнат фаол иятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи фан
- С) меҳнат фаол иятининг моҳиятини ўрганувчи фан
- Д) синфлар ва социал гуруҳларни ўрганувчи фан
- Е) социал зиддиятлар ва социал тенгсизлик муносабатларини ўрганувчи фан.

4. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий бирликнинг асосий кўриниши нима?

- А) меҳнат жамоаси
- В) меҳнат бозори
- С) меҳнат тақсимооти
- Д) меҳнат биржаси
- Е) меҳнат муносабатлари

5. Меҳнат социологиясида ўзро алоқадорлик тушунчаси қандай муносабатларни ўзи чига олади?

- А) манфаатлар тўқнашувини
- В) ҳамкорлик ва рақобатни
- С) меҳнат тақсимотини
- Д) истеъмол қиймати яратишни
- Е) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тақсимотини

### МАВЗУ: Маҳалла социологияси

Маҳалла (арабча жой, ўрин, макон маъносиди) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма ҳисобланади.

Президент Ислам Каримов маҳалланинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига муносиб баҳо берган: “Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба – аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбияладиган бирламчи ва бекиёс макон – бу маҳалладир”<sup>1</sup>

Маҳаллалар минг йилдан ошқ тарихга эга. Эрамизнинг Х асрида мамлакатимиз худудида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли орасида “маҳалла” сўзи савдо-хунармандчилик масканларини, кейинчалик шаҳарлардаги аҳоли турар жойларини англатарди. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” асарида Ҳирот шаҳри юзта кичик “шаҳарча”лар — маҳаллалардан ташкил топганлиги айтиб ўтилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 305-306-бетлар

XIX асрда Тошкент 4 та районга бўлинган бўлиб, ҳар бир маъмурий-худудий бирлик бир қанча маҳаллалардан ташкил топган эди. 1865 йилга келиб Тошкентда 140 маҳалла мавжуд бўлган. 1920 йилда бу рақам 280 тани ташкил қилган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз пойтахтида 474 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллалар ўзига хос мазмун-маънога эга бўлган. Масалан, миллий белгиларни англаган маҳаллалар Ўзбекмаҳалла, Тожикқўча, Туркманбозор, Мирараб, Миробод каби номлар билан аталган. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини билдирувчи маҳаллалар Бешёғоч, Бешкайрағоч, Октепа, Баланدمачит, Ганчтепа, Жарарик, Сассикховуз, Кудукбоши, Баландкўприк, Чорсу, Кўкча деб номланган. Хунармандчилик йўналишидаги маҳаллаларга Дегрез, Эгарчи, Ўқчи, Қуролсоз, Такачи, Кулолчилик, Пичокчилик, Сағбон, Калавабозор, Гулбозор, Сирғали каби номлар берилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ҳар томонлама қонунлаштирилди. Айни пайтда Ўзбекистонда 10 мингдан ошиқ маҳаллалар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд маҳаллалар қуйидаги 5 гуруҳга бўлинган:

1. Жамоатчилик асосидаги маҳаллалар.
2. Қишлоқлардаги маҳаллалар.
3. Овуллардаги маҳаллалар.
4. Шаҳарчалардаги маҳаллалар.
5. Шаҳардаги маҳаллалар<sup>1</sup>.

**Топширик. Ҳурматли талаба! Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асоси қандай белгилаб қўйилган? Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бевосита тегишли бўлган қандай қонун ҳужжатлари қабул қилинган? Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда қайси йил “Обод маҳалла йили” деб номланган?**

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида ўзини ўзи бошқариш тизимига бўлган қизиқиш асосида қуйидаги институтлар амал қилади:

<sup>1</sup> Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бош мақсадимиз. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 89-бет.

1. Жамоаларнинг халқаро иттифоқи (штаб-квартираси Гаагада)
  2. Вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш бўйича Халқаро ассоциация.
  3. Жамоаларнинг Европа иттифоқи (маркази Парижда)
  4. Европанинг минтақавий ва маҳаллий ҳукуматлари конгресси.
- 1985 йил Европа Кенгашининг ташаббуси билан “Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа хартиyasi” қабул қилинди. Бу ҳужжат Европа давлатлари муниципал хукукининг бош манбаи бўлиб, унинг воситасида ўзини ўзи бошқаришнинг кейинги ривожига йўл очилди.<sup>1</sup>

Айни пайтда дунёда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг 3 та асосий модели ажратиб кўрсатилади:

1. Шимолий Америка
2. Жанубий Европа
3. Шимолий Европа ёки Скандинавия

**Шимолий Америка** моделида муниципалитетнинг фаолият доираси нисбатан тор, узук-юлук шаклда бўлиб, у асосан бизнес мақсадларига хизмат кўрсатишга қаратилган.

**Жанубий Европа моделида** (Франция ва Италия учун характерли бўлган) муниципал фаоллик нисбатан юқори бўлмасда, шунга қарамасдан маҳаллий сиёсий манфаатлар сиёсатга миллат даражасида таъсир кўрсата олади.

**Шимолий Европа модели.** Бу модель асосан Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия каби мамлакатларда амал қилади. Бу мамлакатларда муниципалитетлар анча фаол бўлиб, улар маҳаллий ва умумдавлат аҳамиятида бўлган кенг доирадаги вазифаларни ҳал қиладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш моделларига давлат секторидаги бандликка нисбатан уларга тўғри келадиган бандлик даражаси бўйича ҳам баҳо бериш мумкин. Хусусан, бу кўрсаткич 1991 йил Данияда 70%, Норвегияда 60%, Швецияда 54%, АКШ да 50%, Буюк Британияда 38%, Германияда 15%, Италияда 12%, Францияда 11% ни ташкил этган.

Ялпи миллий маҳсулотни истеъмол қилиш бўйича ҳам бу маҳаллий жамоаларнинг ўзига хос улуши мавжуд. Масалан, бу кўрсаткич Швецияда 18,7%, Данияда 17,7%, Финляндияда 13,5%,

<sup>1</sup> Каранг: Европейская хартия местного самоуправления. – М.: 1998

Норвегияда 13%, Буюк Британияда 8,2%, Италияда 7,4%, Нидерландияда 7,5%, Францияда 4,4% ни ташкил этади.<sup>1</sup>

**Топширик. Кадрли талаба!** Қуйидаги ҳолатни маҳалла раиси, социолог, психолог ва ҳуқуқшунос нуктаи-назари бўйича изоҳлашга ҳаракат қилинг: *“Ўғри деворни тешадими ёки деворнинг тешиги ўғирликка бошлайдими?”*

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига бўлган эътибор янада кучайтирилмоқда. Хусусан, Президент И.Каримов Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзuida қилган маърузасида қуйидаги ҳолатга алоҳида эътибор қаратган: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

... Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.”<sup>2</sup>

**Топширик. Ҳурматли талаба!** Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу Концепцияда маҳалла фаолиятига оид бўлган қайси Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритилган? Фикрингизни кенгрок ва агрофлича баён қилишга ҳаракат қилинг.

Мамлакатимизда оилавий ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ёш оилаларга агрофлича ғамхўрлик кўрсатиш, обод турмушни қарор топтириш, соғлом болани тарбиялашда ҳам маҳалла ўзига ҳос аҳамият касб этади. Президентимиз ўз маърузаларида бу ҳолатларга алоҳида урғу бериб ўтганлар: “...Мустаҳкам оила” деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>1</sup> Каранг: Полис., 1999, №2, с.158

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т., “Ўзбекистон”, 2010, 45-бет.



бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, Бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла – халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди”<sup>1</sup>

“... Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга кўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шартини – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.”<sup>2</sup>

“... Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолида, албатта, чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, хушёрлик ва огоҳлик муҳитини мус таҳкамлашдаги масъулияти янада ортади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2011 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2012 йил 8 декабрь.

Айниқса, киз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

Ўғил-қизларимизни турли тўғарақларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз худудида тадбиркорликни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш лозим.<sup>1</sup>



**Қадрли талаба!** Топшириқларимиз Сизни чарчатиб қўйган бўлса, енгил кулги билан уни тарқатишга ҳаракат қилайлик.

### *Латифа*

*Ялмоғиз кампир йўлда уч бошли аждарҳони учратиб қолиб, унга деди:*

- Менга қара, кейинги сафар уйқу олдидан Янгибойни ея кўрма!
- Нега?
- Туни билан қорнингда телефон жиринглаб чиқади.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган маҳаллалар фаолияти Ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилик марказининг ҳам доимий диққат-эътиборида бўлмоқда. Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республикамизнинг 12 вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўзига хос сўровлар ўтказилмоқда. Сўровларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳозирги кунда жамиятимиз ва кишилар ҳаёт фаолиятида қандай роль ўйнаётганлигига асосий эътибор қаратилган.

**Хурматли талаба!** Сизга берилажак навбатдаги вазифани ушбу сўровлар натижаларига асосланган ҳолда ҳамда ўзинигиз ёки оила аъзоларингизнинг маҳаллага қилган мурожаатлари бўйича ҳал қил ишга ҳаракат қилинг.

**Топшириқ. 1.** Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Сизнинг ва оилангизнинг ҳаётида қандай роль ўйнайди?

**А) Катта ва аҳамиятли**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: «Ўзбекистон». 2013. 44-45-бетлар.

Б) Унчалик катта бўлм аган, унчалик аҳамиятсиз

В) Ҳеч қандай роль ўйнамайди


Д) Жавоб беришга қийналаман.

2. Сиз маҳалла фаолиятига қизиқиб, уни яқиндан кузатиб бораётган бўлсангиз, унинг асосий вазифалари нимадан иборат бўлишини ҳам айтиб беришингиз мумкин бўлади. Ушбу саволга жавобни қуйидаги жадвал кўринишида изоҳлашга ҳаракат қилинг ва фикрингизни бўш катакларга ёзинг.

**Сизнингча, маҳалланинг асосий вазифаси нимада?**


**Маҳаллага Сиз айнан қандай муаммо билан муурожаат қилгансиз?**


**Топширик.** Маҳалла фуқаролар йиғинининг таркибий тузилишини қуйидаги тасвир кўринишида изоҳланг. Тасвирга тегишли ўзгартишлар ва тузатишлар киритишга ҳаракат қилинг.



**Хурматли талаба!** Мавзу бўйича олган билимларингизни

қуйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.

**1. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?**

- А) 1992 йил 12 сентябрда
- В) 1993 йил 2 сентябрда
- С) 1997 йил 25 апрелда
- Д) 1999 йил 14 апрелда
- Е) 2004 йил 29 апрелда



**2. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қачон қабул қилинган?**

- А) 1992 йил 12 сентябрда
- В) 1993 йил 2 сентябрда
- С) 1997 йил 25 апрелда
- Д) 1999 йил 14 апрелда
- Е) 2004 йил 29 апрелда

**3. “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?**

- А) 1992 йил 12 сентябрда
- В) 1993 йил 2 сентябрда
- С) 1997 йил 25 апрелда
- Д) 1999 йил 14 апрелда
- Е) 2004 йил 29 апрелда

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?**

- А) 1992 йил 12 сентябрда
- В) 1993 йил 2 сентябрда
- С) 1997 йил 25 апрелда
- Д) 1999 йил 14 апрелда
- Е) 2004 йил 29 апрелда

**5. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланадилар?**

- А) 1,5 йил муддатга
- В) 2 йил муддатга
- С) 2,5 йил муддатга

Д) 4 йил муддатга

Е) 5 йил муддатга

### МАЗЗУ. Жамоатчилик фикри социологияси

Жамоатчилик фикри оммавий онгнинг ўзига хос ҳолати бўлиб, у ўзида турли социал уюшмаларнинг воқеликдаги фактлар, ҳодисалар, муаммоларга бўлган очик ва яширин муносабатини ифодалайди.

Жамоатчилик фикрининг кучи, унинг тарихий жараёндаги субъектлар фаолиятига фаол таъсир этиш масаласи доимий эътиборда бўлиб келган. Хусусан, Н.Макиавелли ўзининг “Хукмдор” асаридан бу ҳодисанинг ғоят муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган. Бу тушунчани ҳозирги кўринишдаги ҳолатда инглиз давлат арбоби ва ёзувчиси Ж.Солсбери ишлатган. Бу термин XII асрнинг иккинчи ярмида Англияда, аниқроғи, Ж.Солсберининг 1159 йилдаги нутқида биринчи бор қўлланилган.

Машҳур немис файласуфи Г.В.Гегель жамоатчилик фикрининг қуйидаги таркибий элементлари(унсурлари)ни ажратиб кўрсатган: биринчидан – жамоатчилик фикрининг амал қилиш шарт-шароитлари, иккинчидан – жамоатчилик фикрининг объекти (моҳияти), учинчидан – жамоатчилик фикрининг ташувчилари, тўртинчидан – жамоатчилик фикрининг кўриниши сифатида намойиш бўладиган мулоҳазалар табиати, бешинчидан – “умумий” ва “алоҳида” фикрлар нисбати, ҳақиқат ва ёлғонни аниқлашдаги “қарама-қаршилиқ” ва уйғунлик.<sup>1</sup>

Таъкидлаш жоизки, дунё микёсида жамоатчилик фикрини ўрганишнинг биринчи расмий маркази сифатида Ж.Гэллуп томонидан 1935 йилда ташкил этилган Жамоатчилик фикри Америка институти тан олинган. Ҳозирги кунда у Гэллуп институти деб аталади.

Туркистондаги ижтимоий фикр тарихида жамоатчилик фикри масаласига Форобий, Исмоил Сомоний, Алишер Навоий, Амир Темур каби давлат арбоблари ва таниқли мутафаккирлар етарлича эътибор қаратганлар.<sup>2</sup> Жумладан, Форобий ўзининг жамоалар ҳақидаги

<sup>1</sup> Қаранг: Гегель Г.Ф. Философия права. М., 1990. С.275-278.

<sup>2</sup> Қаранг: Бекмуродов М. Исторические корни изучения общественного мнения/ Методология изучения общественного мнения в Узбекистане. – Ташкент. Ижтимоий фикр. 2004. С.93.

таълимотида жамоа аъзолари ўртасидаги алоқалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамоатчилик фикри шунчалик барқарор бўлишини айтиб ўтган.

Жамоатчилик фикрини чуқур ўрганган испан мутафаккири Хосе Ортега-и-Гассет шундай ёзган эди: “Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради, бу шундай асосий кучки, унда кишилар ҳамжамятидаги ҳукмронлик келиб чиқади”<sup>1</sup>

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоатчилик фикри масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Бу мавзуга доир бир нечта номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинди. Монографиялар, рисолалар, илмий мақолалар чоп эттирилди ва шу асосда жамоатчилик фикри тушунчасига тегишлича муносабат билдирилди. Хусусан, ўзбек олимлари Р.А.Убайдуллаева ва О.Б.Ата-Мирзаевларнинг фикрича, жамоатчилик фикри мураккаб маънавий-ахлоқий тизим, ижтимоий оннинг алоҳида шакли бўлиб, унинг тимсолида жамият ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётининг турли жиҳатлари намоён бўлади.<sup>2</sup>

Мамлакатимизда демократик жараёнларга кенг йўл очиб берилиши натижасида фикрлар хилма-хиллиги кучайиб, жамиятдаги ижобий силжишлар ижтимоий фикрда ҳам ўз аксини янада яққолроқ топа бошлади. Президент И.А.Каримов жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини қуйидагича таърифлаган: “Сизларга маълумки, жамиятда ошқоралик ва очикликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услугларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир. Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аник акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу.”<sup>3</sup> Шунингдек, ҳурматли юртбошимиз миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда жамоатчиликнинг илғор дунёқарашига таяниш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, қуйидаги фикрни ҳам илгари сурганлар: “Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бутунги ҳаёти, ўтмиши ва келажаги, бутун тақдири учун қайгурадиган, Ватан қисматини ўз

<sup>1</sup> Қаранг: Умумий социология. Т.: ТошДУ, 1999, 104-бет.

<sup>2</sup> Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О. Общественное мнение : основные понятия и особенности изучения. В кн.: Методология изучения общественного мнения в Узбекистане. – Ташкент. Ижтимоий фикр. 2004. С.7.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар, 11- жилд, 26-бет.

қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёкараш ва тафаккурига асосланиш лозим”<sup>1</sup>.


Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик фикрини таҳлил қилишда биринчи навбатда унинг объекти ва субъекти масалаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Жамоатчилик фикрининг объектини аниқлашда қуйидаги икки жиҳат муҳимдир :

1) Жамоатчилик фикрини унда акс этаётган воқеликнинг ўзига хослиги нуктаи назардан таҳлил этиш;

2) У ёки бу ҳодисанинг жамоатчилик фикри объектига айланиш мезонларини, бошқача қилиб айтганда, жамоатчилик фикрини уйғотадиган объект қандай сифат, хусусиятлари билан фарқланишини аниқлаш.

Жамоатчилик фикрининг объекти ҳам объектив воқелик, ҳам субъектив реаллик фактлари бўлиб ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри маълум даражада чегараланган бўлиб, у муайян бир ҳолатлардагина жамоатчилик мулоҳазаларининг объекти бўла олади. Булар: а) воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги; б) воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар; в) воқеа-ҳодисаларнинг кишилар онгида акс этиши.

**Топширик. Қадрли талаба!** Жамиятда жамоатчилик фикри кўп ҳолларда асосан қуйидаги уч кўринишда намоён бўлади. Сиз шу кўринишлар қандай номланишини тасвирдаги бўш катакларга ёзинг ва фикрингизни янада тўлиқроқ баён қилинг.



Жамоатчилик фикрининг субъекти деганда, аввало жамоатчилик доирасида фикр уйғота оlish қобилиятига эга бўлган фикр эгаси ва


<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар. 7-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 90-бет.

ифодаловчиси тушунилади. Шу ўринда субъект сифатида алоҳида индивид, кичик гуруҳлар, жамоа, миллат, синф ва ҳатто жамият ҳисобланиши мумкин.

Жамоатчилик фикрининг билиш имконияти муайян тарихий хусусиятга эга бўлиб, у жамиятдаги мавжуд маданият, техник имкониятлар, мулоқот воситаларининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари (фан, мафкура, дин, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат ва бошқа шу кабилар), даражалари (индивидуал, жамоавий, миллий, синфий ва бошқалар) ва соҳалари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Айтиш мумкинки, жамоатчилик фикри – ижтимоий онгнинг тез ўзгарувчан, динамик ҳолатидир.

Ўз навбатида, жамоатчилик фикри кўп жиҳатли ҳодиса ҳисобланади. Унинг рационал-ақлий (билимлар), психологик (ижтимоий-руҳий), аксиологик (кадриятлар) ва бошқа жиҳатлари бўлиб, улар биргаликда жамоатчилик фикрининг тез тарқалувчанлик ва экстенсив хусусиятини таъминлайди.

**Топшириқ.** Ҳурматли талаба! Қуйидаги тасвир асосида жамоатчилик фикри объектини гадкиқ қилиш ҳамда унинг намоён ўлиш шарт-шароитлари тўғрисидаги ўз фикрларингизни баён қилинг ва тасвирдаги бўш катакларни тўлдириг.



Жамоатчилик фикри ҳақида гап кетганда унга мақсадли таъсир қилиш йўллари тўғрисида ҳам айтиб ўтиш лозим бўлади. Маълумки, бу жараён асосан кичик хил йўл билан амалга оширилади:

1. Жамоатчилик фикрини ҳаспўшлаш (манипуляция қилиш);



2. Жамоатчилик фикрини эркин шакллантириш.

Жамоатчилик фикрини хаспўшлаш – бу долзарб муаммолар бўйича ахоли онгига бирор-бир фикрни зўрлаб сингдириш. Хаспўшлаш амалдаги хукмрон сиёсий гуруҳ, тоифа, элитанинг манфаатларини ифодалайди ва унинг иктисодий, сиёсий ва мафкуравий хукмронлигини сақлаб қолишга қаратилган бўлади. Хаспўшлашнинг асосий воситаси дезинформация (сохта ахборот) тарқатиш ҳисобланади. Хаспўшлаш асосан тоталитар жамятга хосдир.

Жамоатчилик фикрини эркин шакллантириш – бу жараёнга мақсадли таъсир кўрсатишдир. Бундан кўзланган асосий мақсад жамятда ахборот майдонини табиий равишда ҳосил қилишдан иборат бўлади.

Жамоатчилик фикри муҳим институт бўлиб, унинг фаол амал қилиш жараёни функциялари билан бевосита боғлиқдир. Жамоатчилик фикри функциялари унинг у ёки бу ижтимоий институтларга кўрсатадиган таъсирига қараб, билдириляётган фикрнинг мазмунига кўра ва бу фикрнинг шаклига қараб белгиланади. Жамоатчилик фикри функцияларини асосан 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жамоатчилик фикрнинг моҳияти ва мазмунини ифода этувчи функциялар. Масалан, гнесеологик, баҳолаш ва бошқа шу қабилар.

2. Жамоатчилик фикрнинг ижтимоий аҳамиятини ифода этувчи функциялар. Масалан, тарбиялаш, рағбатлантириш, назорат қилиш, маслаҳат ва бошқа шу қабилар.

3. Жамоатчилик фикрнинг кишиларга таъсирини ифода этувчи функциялар. Масалан, позитив (ижобий), негатив (салбий) ва бошқа шу қабилар.

**Топширик. Қадрли талаба!** Мавзу бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда қуйидаги намунавий тасвирда берилган жамоатчилик фикрнинг хусусиятлари, унинг субъекти, ифодаловчилари, намоён бўлиш шакллари, унга мақсадли таъсир кўрсатиш йўллари тўғрисидаги ўз қарашларингизни апрофлича баён қилинг. Тасвирдаги бўш катакларни тўлдиринг ва қўшимча катаклар киритишга ҳаракат қилинг.

## Жамоатчилик фикри

### Хусусиятлари


**Қадрли талаба!** Берилган топшириқларимиз Сизни бироз толиқтирган бўлса, келинг енгил бир кулги билан уни таркатайлик.

### Латифа

*Чукча хўжалик моллари дўконига кириб сотувчидан сўради :*

– *Марҳамат қилиб айтингчи, манави гармон (мусиқа асбоби маъносида) қанча туради ?*

*Унга қарата сотувчи :*

– *Биз уни чукчаларга сотмаймиз.*

– *Чукча эканлигини қердан билдингиз?*

– *Чунки бу гармон эмас, иситиш батареяси ҳисобланади.*



Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамоатчилик фикрининг эски тузум муаммоларидан янги масалаларга кўчиши юз бермоқда. Аммо жамоатчилик фикрининг қайта йўналиши мураккаб жараён бўлиб, у олдин шакланган хулқ-атвор хусусиятларини, тафаккур ва хатти-ҳаракатдаги эскича андозаларни, баъзи ҳолатларнинг ўзгаришини ҳам ўз ичига олади. Айтиб ўтилган кўпгина элементлар (эскича тафаккур қолиплари, одатлар ва ҳ.к.)ни жамоатчилик фикри ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу унинг

консерватив томонидир. Шунинг учун жамоатчилик фикрининг жамият тараккиётига тўсиқ бўлаётган, аммо кишилар онгида чуқур ўрнашган жиҳатларини ўзгартириш лозимлигини аниқ тасаввур эта билиш зарур. Аммо одамлар фикрини ўзгартиришдан кўра, уларда янги муаммоларга нисбатан муносабат, фикр-мулоҳазани шакллантириш осонроқ. Демак, масала жамоатчилик фикрининг кучини ошириш, уни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш омилига айлантириш учун табиий тарзда, аммо зарур йўналишда, онгли равишда шакллантира билишдадир. Бу ҳолат жамият ҳаётида жамоатчилик фикри аҳамиятининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлиб, у қуйидаги шарт-шароитларни талаб этади: 1) давлат органлари, жамоат ташкилотлари, илмий марказлар томонидан жамоатчилик фикрининг мунтазам ўрганиб турилишини; 2) барча фуқароларнинг турли шаклларда (референдумлар, манифестациялар, сўровлар ва ҳ.к.) жамият ҳаётининг ҳар хил муаммолари юзасидан ўз фикрлари, баҳолари, нуктаи назарларини эркин билдиришларини; 3) фуқароларнинг жамоавий фикрлар билдириш воситалари ва шаклларини кенгайтиришни; 4) давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик фикрдан доимий фойдаланишни.

**Топширик.** **Хурматли талаба!** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масаласига жиддий аҳамият берилди. Қуйида бериладиган саволларимиз бевосита шу масалага тегишлидир. 1. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қачон ташкил қилинган? 2. Сиз шу марказ фаолияти билан қай даражада танишсиз? 3. Ушбу марказ томонидан жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий соҳаларга қаратилган қандай социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда? 4. Марказ ходимлари ёшлар ва улар ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммоларга қай даражада эътибор қаратмоқдалар?

Фикрингизни кенгроқ баён қилинг. Тадқиқотлар натижаларидан мисоллар келтиринг.

**Топширик.** Қуйида берилётган психологик (руҳий) тест юқоридаги мавзу билан маълум даражада алоқадор ҳисобланади. Тест саволларига жавоб бериш орқали одамларга бўлган муносабатингизни билиб олишингиз мумкин бўлади.

## ОДАМЛАРГА БАХО БЕРА ОЛАСИЗМИ ?

Ҳар биримизнинг қачондир кимгадир баҳо беришимизга тўғри келади. Лекин ҳар доим ҳам кишиларга ҳолисона баҳо бера олармикинмиз? Тўғри, бу инсон психологиясини ўрганувчи мутахассисларнинг иши. Лекин сиз ҳам психологиядан қанчалик хабарингиз борлигини синаб кўришингиз мумкин. Бунинг учун куйидаги тест саволларига жавоб бериб, балларингизни жамлашингиз, сўнгра натижага этиборингизни қаратишингиз лозим бўлади.

### 1. Сизнинг-ча ҳар доим хушмуомала одамлар:

- а) яхши суҳбатдош – 2 балл;
- б) каттик интизом усули билан тарбияланганлар – 4 балл;
- в) ҳақиқий феъл-атворларини яширадилар – 1 балл.

### 2. Сиз ҳеч қачон уришмайдиган эр-хотинларни биласиз.

#### Сизнинг-ча:

- а) улар бахтлилар – 2 балл;
- б) бир-бирларига бефарқлар – 1 балл;
- в) уларда бир-бирларига нисбатан ишонч йўқ – 4 балл.

### 3. Биринчи марта кўриб турган инсонингиз сиз билан ҳазиллашса, қизиқарли воқеаларни айтиб берса, у ҳақда нима деб ўйлайсиз?

- а) гапга уста – 1 балл;
- б) ўзига ишонмайди ва бу билан ҳозирги вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлаяпти – 2 балл;
- в) сизда яхши таассурот қолдирмоқчи – 4 балл.

### 4. Қизик мавзу юзасидан суҳбатлашмаяпсиз. Суҳбатдошингиз имо-ишоралар билан гапираяпти. Нима деб ўйлайсиз, у:

- а) ҳаяжонланаяпти – 4 балл;
- б) самимий эмас – 1 балл.

### 5. Яқин кишингизни синаб кўрмоқчисиз. Нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

- а) дўстларингиз даврасига тақлиф қиласиз – 2 балл;
- б) а малда синаш керак, деб ҳисоблайсиз – 1 балл.

6. Ресторанда бир киши хизматчи қизга кўпроқ чойчақа берди.

Нима деб ўйлайсиз, у:

- а) яхши таассурот қолдирмоқчи – 2 балл;
- б) унга хизматчи қиз ёқиб қолди – 2 балл;
- в) қўли очик инсон – 4 балл.

7. Нима деб ўйлайсиз, агар инсон ҳеч қачон биринчи бўлиб гап бошламаса, у:

- а) уятчан – 2 балл;
- б) мени тушунишмайди, деб ўйлайди – 1 балл.

8. Инсонинг пешон аси пастроқда. Нима деб ўйлайсиз, у:

- а) яхши эшитмайди – 2 балл;
- б) ўжар – 2 балл;
- в) аниқ бир нарса деёлмайман – 4 балл.

9. Бировнинг кўзига қаролмайдиган инсон ҳақида нима дейишингиз мумкин?

- а) ўзига ишонмайди – 1 балл;
- б) самимий эмас – 4 балл;
- в) хотиржам эмас – 2 балл.

10. Ўзига тўқ одам доим арзон нарсаларни сотиб олади. Нима деб ўйлайсиз, у:

- а) тежамкор – 4 балл;
- б) камтар – 2 балл;
- в) зикна – 1 балл.

**35 ва ундан ортик балл.**

Сиз бошқаларга жуда осонлик билан баҳо бера оласиз. Бир назар ташлашингиз билан кишиларнинг феъл-атворини билиб олиш қобилиятингиз туфайли уларга ўз фикрларингизни бемалол гапираверасиз. Шундай бўлса ҳам, ўйлаб кўринг, биринчи марта кўриб турган одамингизга у ҳақдаги фикрларингизни айтишингиз ўринлимикин? Ёки одамларга бир зумда баҳо беришингизни намоён қилмоқчимисиз? Бу билан ҳеч қим ҳеч қачон сизни лақиллата олмаслигини исботлай олармикинсиз? Бу оқилона фикр эмас.

### **26 -34 балл.**

Сиз одамларни ва вазиятни тўғри, холисона баҳолай оласиз. Инсонларнинг феъл-атворлари сиз учун ўқиган китобингиздек равшан, лекин шундай бўлса ҳам фикрингизни ягона тўғри фикр деб ҳисобламайсиз. Агар фикрингиз нотўғри бўлса, буни тан олишдан қўрмайсиз. Бу раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг яхши жиҳатларидан биридир. Сиздан яхши психолог – мутахассис чиқиши мумкин.

### **16- 25 балл.**

Баъзида одамларга тўғри баҳо бера оласиз, лекин кўпроқ бошқаларнинг фикрига кулок соласиз. Шу билан фикрингизнинг тўғрилигига шубҳаланасиз. Натижада, шахсий фикрингизни айта олмайсиз.

### **15 ва ундан кам балл.**

Сиз одамларга ҳаддан ташқари ишонасиз, уларни фақат юриш-туришлари ва кўринишларидан баҳолашга ўрганиб қолгансиз. Нотўғри баҳо берганингизни билганингизда эса, каттик афсусланасиз ва улардан хафа бўласиз. Сизнинг кетма-кет қилаётган хатоларингиз инсонларга тўғри баҳо бера олмаганингиздандир.

## **МАНЗУ. Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари**

“Социология” фанини эмпирик социологик тадқиқот жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эмпирик сўзи юнончада тажриба маъносини англатади. Эмпирик социологик тадқиқот деганда, тегишли дастур асосида ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда уларга таянган ҳолда амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш тушунилади. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тўплаш ҳамда тасниф қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий факт деганда илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алоҳида жиҳатларини таҳлил қилиш орқали олинган маълумотлар тушунилади.

Иқтисодий ислохотлар ва демократлаштириш жараёнлари кенг суръатда амалга ошаётган бир шароитда жамиятда рўй бераётган муҳим ўзгаришларни, кишилар ўртасидаги турли муносабатларни

амалий социологик тадқиқотларсиз илмий асосда ўрганиб бўлмайди. Шу маънода, жамиятни илмий бошқариш иши доимо амалий социологик тадқиқот натижаларига таянмоғи зарур. Жамиятнинг социал ривожланишида, ундаги социал муаммоларни ҳал этиб боришда ҳамда унга истикболли прогнозлар беришда амалий социологик тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этади.


Таъкидлаш жоизки, социологик тадқиқотларнинг сифат даражаси ва самарадорлигини ошириш, эмпирик маълумотларнинг ишончли эканлигини, илмий асосланганлигини таъминлаш мақсадида унинг методологик асосига эътибор қаратиш муҳимдир.

Амалий социологик тадқиқот жараёни асосан 4 босқичдан иборат бўлиб, бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлар ва муҳим жиҳатларга эга бўлади.

**Топширик. Ҳурматли талаба!** Қуйидаги тасвир асосида эмпирик социологик тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини изоҳлашга ҳаракат қилинг. Ҳар бир босқичда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни атрофлича баён этинг.

Эмпирик социологик тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёни			
1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич


**Топширик. Қадрли талаба!** Эмпирик социологик тадқиқотлар турли кўринишларда, шаклларда намоён бўлади. Қуйидаги тасвирда унинг 4 та ҳолати кўрсатилган. Сиз “Социология” фанидан маъруза дарсларида олган сабоқлар, ўқиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, луғатлар ва бошқа китоблардан олган билимларингиз асосида ушбу тасвирни тўлдиришга ҳаракат қилинг. Тасвирга қўшимча ва ўзгартишлар қилишга уриниб кўринг.



Эмпирик социологик тадқиқот объекти бўйича ўтказилган дастлабки тайёргарлик босқичлари асосида мавжуд мауммони тахлил қилиш дастури ишлаб чиқилади. Илмий дастур ҳар қандай назарий ва амалий социологик тадқиқотнинг дастлабки зарур ҳужжати ҳисобланади. Дастур социологик тадқиқот бўйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифалар ва социологик тадқиқотнинг методологик асоси баёнларидан иборат бўлади. Ҳар қандай эмпирик социологик тадқиқот дастурининг умумий талаблари мавжуд. Буларга тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари, ишчи фаразни ишлаб чиқиш ҳамда иш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш кабилар киради.

**Топширик.** Социологик тадқиқот дастурида муҳим ўринни эгаллайдиган методологик ва методик бўлимларда қандай муҳим вазифалар қўйилишини ҳамда уларнинг хусусиятларини ушбу тасвирни тўлдириш орқали изоҳланг. Тасвирга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишга ҳаракат қилинг.





Эмпирик социологик тадқиқотларда унинг предмети ва объекти масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, тадқиқот предмети мавжуд социологик муаммонинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот предмети аниқлангандан сўнг, мавжуд муаммони ечиш йўллари бўйича илмий фараз илгари сурилади ҳамда социологик тадқиқот ўтказиш усуллари ва шаклларига тегишли муносабат билдирилади.

Ўз навбатида, социологик тадқиқот объекти социологик тадқиқот йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, жараён ва тузилмаларни англатади. Ҳар қандай социологик тадқиқот объекти ўзининг тизимли хусусиятига, вақт, маконий имконият ва миқдорий ўлчов чегарасига эга бўлади.

Ҳал қилиниши зарур бўлган муаммонинг характери, долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси тадқиқот объектининг қандай бўлишига кўп томонлама боғлиқ. Агар тадқиқот объекти унчалик катта бўлмаса, уни тўлалигича камраб олиш имконияти бўлса, бундай ҳолатда у тадқиқот объекти сифатида олиниши мумкин. Баъзи ҳолларда мураккаб социологик тадқиқот ўтказиш ёки тадқиқот объектини тўлалигича камраб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай вазиятда тадқиқот объектининг нисбатан аниқ чегарасини белгилаб олиш лозимдир.

**Ҳурматли талаба!** Сиз эмпирик социологик тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни, социологик тадқиқотларнинг турли кўринишлари, тадқиқот дастури, социологик тадқиқотлар предмети ва объекти масаласида тегишли тушунчага эга бўлдингиз.

Ана шу билимларингиз асосида навбатдаги вазифага эътибор қаратинг.



**Топширик.** Қуйидаги саволларга “**ха**” ёки “**йўқ**” жавобларини бериш билан вазифани бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳар бир саволга берган жавобингизни тўлиқроқ

изоҳланг.

Т/р	Саволлар	жавоблар	
		ха	йўқ
1.	Социологик сўровда респондентлар деб аталувчиларнинг субъектив фикрлари аниқланади		
2.	Социологик сўров анкета тузишдан бошланади		
3.	Социологик тадқиқотларнинг ҳал қилувчи босқичи тавсиялар беришдан иборат бўлади		
4.	Илмий назария – илмий тушунчалар тўғрисидаги тахминлар		
5.	Кузатиш назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган шаклларда бўлади		
6.	Кузатиш – социологияда энг кенг тарқатган усул ҳисобланади		
7.	Социологик анкетада респондент ҳар доим исми, шарифи ва отасининг исмини кўрсатиши зарур		
8.	Асосий камров деганда барча аҳоли ёки социолог ўрганишни максад қилган қисм тушунилади		
9.	Танланма камров – ёппасига ўтказиладиган сўров кўринишидир		
10.	Очик саволларни компьютерда ишлаш осонроқдир		
11.	Барча анкеталар икки асосий – очик ва ёпик типларга бўлинади		
12.	Айнан битта саволни очик ва ёпик кўринишда қилиш мумкин		
13.	Танланма камров – ёппасига ўтказиладиган сўровнинг асосидир		
14.	Социолог махсус танлаб олинган кишиларни сўраш ҳуқуқига эга		
15.	Танланма сўровлар ёппасига ўтказиладиган сўровларга қараганда жуда нозик, такомиллашган услублар ва техникани талаб қилади.		

Амалий социологик тадқиқот ўтказиш жараёнида конкрет тадқиқот усуллари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Улар ёрдамида дастлабки эмпирик маълумотлар йиғиб борилади. Социологик

тадқиқот усулларига кузатиш, сўров, интервью, социометрия, математик усул, эксперимент ва бошқа шу кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Анкета энг кенг тарқалган сўров усули ҳисобланади. Анкета саволлари орқали респондентлардан олинadиган жавоблар умумлаштирилиб, тадқиқ этилаётган ижтимоий муаммо тўғрисида тегишли жамоатчилик фикрига эга бўлинади. Маълумотларнинг қанчалик тўғри, ҳаётийлиги кўп жиҳатдан тадқиқотчилар томонидан тузиладиган анкета саволларининг мохирона ва саводди эканлигига боғлиқ бўлади. Чунки, анкетага киритилган саволлар содда, тушунарли ва жавоб беришга қулай бўлиши лозим. Шунингдек, анкета саволларида респондент характери, ёши, касби, маълумот даражаси ҳамда руҳий жиҳатлари ҳисобга олинмоғи даркор.

**Топширик. Ҳурматли талаба!** Маълумки, социологик анкетада қўйиладиган саволлар ўзининг мазмуни, шакли, таркибий тузилиши ҳамда функцияларига кўра фаркланади. Анкета саволларининг таснифидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тасвири тўлдириш ва қўшимча фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, уни кенгрок баён этишга ҳаракат қилинг.

1.	Мазмунига кўра :	<input type="text"/>
		<input type="text"/>
		<input type="text"/>
2.	Шаклига кўра:	<input type="text"/>
		<input type="text"/>
3.	Таркибига кўра:	<input type="text"/>
		<input type="text"/>
		<input type="text"/>
4.	Функциялари-га кўра:	<input type="text"/>
		<input type="text"/>
		<input type="text"/>
		<input type="text"/>
		<input type="text"/>

Эмпирик социологик тадқиқотнинг якуний босқичи социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, изоҳлаш, умумлаштириш, хулосалаш ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш социологик тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Социологик тадқиқот эмпирик маълумотларни назарий жиҳатдан умумлаштириш, муайян хулосалар ишлаб чиқиш, амалий тавсиялар бериш билан якунланади. Социологик тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили ва уларни умумлаштириш илмий ҳисобот тарзида тузилади. Илмий ҳисобот ҳар томонлама мукамал шаклда тузилиб, у келгусида ўтказиладиган тадқиқотлар учун ўзига хос асос бўлиб хизмат қилади.

**Топшириқ. Ҳурматли талаба!** Илмий ҳисоботнинг янада тўлақонли, мантиқан изчил бўлишида унинг таркибий қисмидан ўрин олган бўлимлар муҳим роль ўйнайди. Шунга эътибор берган ҳолда, тасвирдаги ҳисобот таркибий қисмидан ўрин олган бўлимларни тўлдириш ҳамда хулоса қисмига алоҳида урғу беринг.

Ўтказилган социологик тадқиқот тўғрисида ҳисобот
⇕
Ҳисоботнинг таркибий қисми
⇩
✓ <i>биринчи бўлимда</i>
✓ <i>иккинчи бўлимда</i>
✓ <i>кейинги бўлимларда</i>
✓ <i>хулоса қисмида</i>

**Қадрли талаба!** Мавзу бўйича кетма-кет берилган топшириқлардаги толиқишни енгил бир қулги билан тарқатишга ҳаракат қилайлик.

## Л а т и ф а

Университетда имтиҳон кетаяпти. Профессор талабаларга мурожаат қилди :



– Беш баҳо учун савол, исмиمنى ким билади?

Талабалар жим.

– Билмайсизлар, майли, унда “тўрт” баҳо учун навбатдаги савол:

– Қайси фандан имтиҳон топшираяпсизлар?

Талабалар бир- бирларига назар ташлашди.

– Буни ҳам билмайсизлар, “уч” баҳо учун навбатдаги савол, қани айтинглар-чи, имтиҳон топшираётган фан бўйича китобнинг муқоваси қайси рангда?

Талабалар аста пичирлагани боғлашди:

Бу кетишда профессор ҳаммамизни йиқитадиганга ўхшайди...

**Хурматли талаба!** Юқоридаги мавзулар бўйича олган билимларингизни куйидаги тестларни бажариш орқали мустаҳкамланг.



**1. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ташкил қилиш тўғрисидаги Президент Фармони қачон қабул қилинган?**

- А) 1994 йил июнда
- В) 1995 йил октябрда
- С) 1996 йил августда
- Д) 1997 йил июнда

**2. Ўзбекистондаги жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қандай аталади?**

- А) Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий фикр маркази
- В) Ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилик фикри маркази
- С) Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази
- Д) Ижтимоий муаммоларни ўрганиш жамоатчилик маркази

**3. Социологик тадқиқотлар дастури ички тузилиши жиҳатидан неча қисмдан иборат бўлади?**

- А) 4 та.
- В) 2 та.
- С) 5 та.
- Д) 3 та.

#### 4. Респондент ким?

- А) сўров ўтказувчи киши.
- В) социолог.
- С) сўров саволларига жавоб берувчи киши.
- Д) сўровда қатнашмасдан уни бевосита четдан қузатувчи киши.

#### 5. Социологик тадқиқотларда энг кўп тарқалган услубни кўрсатинг.

- А) хужжатлар таҳлили
- В) қузатиш
- С) сўров
- Д) социометрия услуби

#### 6. “Анкета” атамаси қандай маънони англатади?

- А) инглизча сўз бўлиб, ёзма савол ёрдамида мавзу атрофида фикрлашни аниқлаш.
- В) французча сўз бўлиб, тадқиқ этиш, ўрганиш, сўрашдир.
- С) лотинча сўз бўлиб, ўрганилаётган объект ҳақида ёзма микродорий кўрсаткичларга эришиш.
- Д) немисча сўз бўлиб, воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш.

#### 7. Социологияда интервью нима?

- А) немисча учрашув маъносини билдириб, дастур бўйича тадқиқот муаммосини аниқлаш.
- В) французча сўз бўлиб, қисқа ёки узок муддатга мўлжалланган суҳбат.
- С) лотинча сўз бўлиб, маълумот тўплаш бўйича ўтказиладиган савол-жавоб.
- Д) инглизча учрашув маъносини билдириб, муайян режа асосида ўтказиладиган суҳбат, респондент билан социолог ўртасидаги бевосита алоқа.

#### 8. Социологик тадқиқотларга “тест” усули биринчи марта ким томонидан киритилган?

- А) АҚШ психологи Ж.Кеттелл.
- В) француз психологи А.Бине.
- С) инглиз психологи Ф.Гальтон.
- Д) немис психологи В.Штерн.

**9. Социометрия тушунчаси нима?**

- A) геометрик ўлчов бирлиги
- B) математик ҳисоб усули
- C) фазовий ҳаракатларни ўрганувчи фан
- D) кичик ижтимоий гуруҳлардаги шахслараро муносабатларни микдорий ўлчовлар асосида ўрганиш

**10. Панел тадқиқотнинг моҳияти нимада?**

- A) маълум бир вақт мобайнида юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш мақсадида ўтказиладиган такрорий тадқиқот
- B) асосий тадқиқот билан бир вақтда ўтказиладиган параллел тадқиқот
- C) йирик кўламда ўтказиладиган социологик тадқиқот
- D) ижтимоий ҳимоя масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқот

**11. Лонгитюд тадқиқот деганда қандай тадқиқот тушунилади?**

- A) шахс фаолияти устидан узоқ вақт даврий кузатиш олиб бориладиган тадқиқот.
- B) маълум бир социал объектлар устидан узоқ вақт (даврий) кузатиш олиб бориладиган такрорий тадқиқот.
- C) маълум бир вақт мобайнида юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш мақсадида ўтказиладиган такрорий тадқиқот.
- D) маълум бир ҳодиса ёки жараёнинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш

**12. Ҳозирги замон илмий билиш жараёнида кенг қўлланиладиган усуллар?**

- A) системалаштириш, аксиоматик, гипотетик-дедуктив, тарихийлик ва мантикийлик.
- B) кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент, абстракция, анализ, синтез.
- C) индуктив, дедуктив, аналогик, идеаллаштириш, моделлаштириш.
- D) фақат B ва C

**Қадрли талаба!** Навбатдаги топширигимизда Сизнинг эътиборингизни яна психологик (рухий) тестларни бажаришга қаратамиз. Маълумки, ҳар бир ёш йигит ва қиз вақти-соати билан оила куради. Оила ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин тутадиган социал институт ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила масаласига жиддий эътибор

каратилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бир нечта йил бевосита оилага дахлдор бўлган йиллар сифатида эълон қилинди. Масалан, “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Оналар ва болалар йили”(2001), “Мустаҳкам оила йили” (2012), “Соғлом бола йил” (2014) кабилар. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, ушбу психологик (рухий) тест саволларига жавоб беришга ҳаракат қилинг.

## О И Л А С И З У Ч У Н М У Қ А Д Д А С М И ?

### 1. Оила Сиз учун – бу...

- A. Яқинларим, севимли қариндош-уруғларим;
- B. Уй-рўзғор ташвишлари;
- C. Муқаддас даргоҳ.

### 2. Сизнингча, ҳар бир оилали инсоннинг олий мақсади нима ?

- A. Фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш;
- B. Тўқ, фаровон турмуш муҳитини яратиш;
- C. Орадаги меҳр-муҳаббатни тўлалигича сақлаб қолиш.

### 3. Турмуш ўртоғингиз ўзга жинс вакили билан суҳбатлашиб турганини қандай қабул қиласиз?

- A. Хотиржамлик билан;
- B. Рашк қиламан, албатта;
- C. Рашк қилмасам ҳам хавотирланишим мумкин.

### 4. Оила қурганингиздан сўнг турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингиз қайси томонга ўзгаради ?

- A. Ўзгармайди;
- B. Бир-биримизга янада яқинроқ бўлиб қоламиз;
- C. Афсуски, салбий томонга.

### 5. Бир кун келиб турмуш ўртоғингиз билан ажрашиб кетиш эҳтимоли бор, деб ҳисоблайсизми ?

- A. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин;
- B. Ҳа, ҳатто ўзимга бошқасини мўлжаллаб қўяман;
- C. Йўқ, мен умр йўлдошимсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман.



**6. Нима учун оила қурасиз ?**

- A. Барча дўстларим оила қура бошлагани учун;
- B. Ота-онамнинг кистови билан;
- C. Севиб қолганим учун

**7. Турмуш ўртоғингиздан яширадиган сирларингиз бўладими?**

- A. Ҳа, бўлади;
- B. Йўқ, бўлмайди;
- C. Сир бўлмаса-да айрим нарсалар.

**8. Оилада ким пул сарфлашга “раҳбарлик” қилади?**

- A. Мен;
- B. Биргаликда ҳал қиламиз;
- C. Ҳар доим ҳар хил.

**9. Турмуш қурган кунингизни байрам сифатида нишонлайсизми?**

- A. Айрим кезларда;
- B. Ҳар йили нишонлаймиз;
- C. Йўқ.

**10. Шаклланиб улгурган оилавий муносабатларга ўзгартириш киритишни хоҳлармидингиз ?**

- A. Ҳа;
- B. Тубдан ўзгартирардим;
- C. Йўқ.

**НАТИЖАЛАР**

Савол	A	B	C
1	2	1	3
2	2	1	3
3	1	3	2
4	2	3	1
5	2	1	3
6	2	1	3
7	1	3	2
8	1	3	2
9	2	3	1
10	2	1	3

### 10 дан 17 баллгача

Оилада сизни фақат сунъий алоқалар ушлаб туради. Бу сунъий алоқаларга шунчалик каттиқ боғланиб қолгансизки, уларни узишга юрагингиз бетламайди ҳам. Хойнаҳой, Сиз : “Бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди-ку!”, деган шиор билан турмушингизнинг фақат яхши томонларини излаб яшасангиз керак.

### 18 дан 24 баллгача

Никоҳда сизни фақат бир нарсa – фарзандлар ушлаб туради. Лекин орадаги меҳр-муҳаббат ҳам йўқ бўлиб кетган эмас. Аммо у кўпроқ одат тусига кирган, десак хато бўлмайди. Оилангизга, ундаги муносабатларга одатланиб қолгансиз. Оддий уй юмушларисиз хаётингизни тасаввур ҳам қила олмайсиз.

### 25 дан 30 баллгача


Сизни “идеал оила” аъзоси деб айтса бўларкан! Оилангизга ҳавас қилса арзийди. Биринчи учрашувдаёқ пайдо бўлган орадаги меҳр-муҳаббат тўла сакланиб қолган ва айнан шу омил сизни никоҳда ушлаб туриш учун асосий сабабдир. Сизларга фақат омад тилаш мумкин.

**Хурматли талаба!** Фаннинг мавзулари бўйича турли топшириқлар, вазифалар орасида кроссворд ўзига хос ўрин тутади. Эътиборингизга “Социология” фани мавзуларига тегишли бўлган ушбу намунавий кроссвордни ҳавола этамиз. Таъкидлаш жоизки, мазкур кроссворддаги саволлар даврий нуктаи-назардан маълум даражада эскирган, бир ёклама характер касб этиши мумкин. Шу боисдан ҳам биз уни бошқа кроссвордлар тузиш учун намуна сифатида кўрсатдик.

**Топшириқ.** Сиз ушбу кроссворддан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда социал фикрлар ривож тарихи, мустақиллик йилларида “Социология” фанига бўлган эътибор, ўзбек олимларининг фан соҳасидаги изланишлари бўйича мустақил равишда кроссвордлар тузишга ҳаракат қилинг.

## КРОССВОРД (НАМУНАВИЙ)

Кроссворд мустақил таълимнинг муҳим шакли бўлиб, унинг ёрдамида талаба “Социология” фанидан олган назарий билимларини янада мустаҳкамлайди ҳамда берилган вазифани бажариш жараёнида дунёкарашини кенгайтиради. Шу билан бирга, талаба ўзининг хотирасини, мантиқий фикрлаш қобилиятини, турли луғатлар, адабиётлар билан қай даражада ишлай олиш маҳоратини ҳам текшириб кўриш имконига эга бўлади.



**ЭНИГА:** 1. Шахснинг шаклланиши. 2. Энг катта социал гуруҳ. 3. Собик СССР ФА конкрет социологик тадқиқотлар институтининг биринчи директори. 4. Жамиятда ҳуқуқ-тартиботнинг заифлашуви, меъёрсизлик ҳолати. 5. Объектларнинг яширин хусусиятларини ўрганиш усули. 6. Ўрганилаётган объектнинг кўрсаткич комбинацияси. 7. Ҳодисаларнинг алоқалари тўғрисидаги тахмин. 8. Аниқ мавзу бўйича даврий социологик тадқиқот. 9. Хулқ-атвор фактлари тўғрисида ахборот тўплаш усули. 10. Эҳтиёжни қондиришга хизмат қилувчи объект. 11. Давлат ва жамоат ишларини

бошқариш. 12. Қарама-каршилиқ, ақс таъсир. 13. Машхур рус-америка социологи.

**БҮЙИГА:** 1. Собик совет социологияси асосчиси. 14. Ҳозирги замон рус социологи. 15. Рус социологи, Россия ФА социология институти директори. 16. Машхур немис социологи. 17. Инсоннинг, халқнинг ақлий салоҳияти. 18. Россиядаги социологик жамиятга номи кўйилган олим. 19. Жаҳон социологиясидаги илғор йўналиш. 20. Социологиянинг асосчиларидан бири, инглиз олими. 21. Ахборот тўплаш воситаси. 22. Социологик тадқиқотлардаги бош масала. 23. Кичик социал гуруҳ. 24. Умумэътироф этилган ахлоқ қоидаси. 25. Социал субъект.

**Қадрли талаба!** Энди эътиборингизга “Социология” фанидан ўтилган мавзулар бўйича қисқача глоссарийни ҳавола этамиз. Ушбу глоссарий мавзулар кетма-кетлигида тузилган бўлиб, Сиз уни имкон қадар алфавит тартибида ёзиб чиқишга уриниб кўринг. Шу билан бирга, Сиз фандан олган билимларингизга таянган ҳолда, глоссарийга кўшимчалар қилиб, уни тўлдириг.

**СОЦИОЛОГИЯ** – жамиятнинг таркиби ва уни ташкил қилувчи элементлар(ун сурлар), уларнинг амал қилиш шарт-шароитлари ҳамда бу таркибда содир бўладиган социал жараёнларни ўрганувчи фан.

**МАКРОСОЦИОЛОГИЯ** – социал билимлар соҳаси бўлиб, социал таркибнинг йирик элементлари, уларнинг ҳолати ва ўзаро алоқадорлигини ўрганади.

**МИКРОСОЦИОЛОГИЯ** – социал билимлар соҳаси бўлиб, шахслар ўртасидаги, гуруҳлар ичидаги ва кишилар орасидаги қундалиқ ўзаро хатти-харакатларни ўрганади.

**МАКРОДАРАЖА** – социологияда катта социал гуруҳлар ва халқларни қамраб олувчи социал ҳодисалар ва жараёнларни аниқлаш; аҳолининг кўчиб юриши, турли социал институтларнинг инкирози, жамиятнинг бир кўринишдан бошқасига ўтиш тенденциясини кўрсатиш ҳолати.

**СОЦИАЛ ҚОНУН** – социал объектлар ўртасидаги нисбатан барқарор ва мунтазам янгилашиб турувчи муносабатлар. Ҳодиса ва жараёнлар орасидаги муҳим ва зарурий боғланиш. Социал қонунлар умумсоциологик ва махсус социологик қонунларга бўлинади.

**СОЦИАЛ НАЗОРАТ** – жамиятдаги меъёр ва қадриятлар йиғиндиси, шунингдек, уларни амалга ошириш учун қўлланиладиган

турли санкциялар. Масалан, девиант хулк-атворнинг олдини олишга, жазолашга ёки тузатишга қаратилган санкциялар.

**СОЦИАЛ ФАКТ (ДАЛИЛ)** – жамиятнинг у ёки бу соҳасига ҳос бўлган алоҳида ижтимоий аҳамият касб этувчи воқеа ҳамда бир хил кўринишли воқеалар йиғиндиси.

**ТАРМОҚ СОЦИОЛОГИЯСИ** – социологик билимнинг муҳим соҳаси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг алоҳида ёки тор соҳаларидаги социал ҳодисалар ва жараёнларни ўрганади. У мумий социологиядан фарқли ўларок, тармоқ социологиясининг объекти сифатида социал воқеликдаги аниқ бир соҳа камраб олинади. Масалан, иқтисод социологияси, маданият социологияси ва бошқа шу қабила.

**СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАР** – нисбатан юқори даражада ташкил этилган социал ва сиёсий тизимли уюшмалар бўлиб, бир-бирдан таркибининг барқарорлиги, ўз элементларининг интеграциялашганлиги ҳамда вазифаларининг хилма-хиллиги, ўзгарувчанлиги ва эгилувчанлиги билан фарқланади.

**БИХЕВИОРИЗМ** – (инг. behaviour – хулк-атвор) позитивистик социологиядаги муҳим йўналишлардан бири. Бихевиористлар социологиянинг предмети деганда кишилар хулк-атворини тушунганлар. Бу таълимот асосчилари инсон ва ҳайвонот оламидаги сифатий фарқларни ажратмаган ҳолда, социология ва психологиянинг вазифаси онгни эмас, балки кишилар хулк-атворини ўрганишга қаратилган деган фикр ни илгари сурадилар.

**ГЕОГРАФИК МАКТАБ** – социологиядаги йўналишлардан бири бўлиб, унинг асосчилари географик муҳитни ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи шarti ва муҳим омили сифатида қараганлар. Шу билан бирга, баъзи ҳолларда бу мактаб ғоялари айрим кишилар, масалан, фашизм намояндалари (К.Х. Аушоффер ва бошқалар) томонидан ўзларининг босқинчи, агрессив геополитик мақсадлари учун қўлланилган.

**СОЦИАЛ ДАРВИНИЗМ** – ижтимоий тараққиёт қонунларини табиий танлашнинг биологик қонунлари билан ўхшаш деб тушунувчи таълимот. Бу таълимот вакиллари ижтимоий ҳаёт инсоннинг биологик хусусияти (табиати) билан аниқланади, деган фикрни устун қўядилар. Социал-дарвинизм ғояларидан кейинчалик либерализм, индивидуализм, расизм, фашизм каби социал-сиёсий йўналишларда ҳам фойдаланилган.

**ОЛИГАРХИЯ** – (юнонча oligarchia – озчилик ҳокимияти) кичик гуруҳдаги кишилар, асосан бойларнинг сиёсий ҳокимиятини таъминловчи бошқаришнинг нодемократик шакли. Шу билан бирга, олигархия тушунчаси илғор, ҳукмрон элита маъносини ҳам англатади.

**ОРГАНИК ЙЎНАЛИШ** – жамият, унинг амал қилиши ва ривожлаништини жонли, биологик организмнинг амал қилиши ва ривожланиши билан айнанлаштирувчи таълимот. Бу йўналиш вакиллари ижтимоий ҳаётда содир бўладиган социал-сиёсий воқеа-ҳодисаларни соф биологик нуқтаи-назардан изоҳлашга ҳаракат қиладилар.

**ПОЗИТИВИЗМ** – XIX аср социологиясидаги етакчи йўналишлардан бири. Жамият ҳақидаги мушоҳадавий қарашлардан воз кечган ҳолда, кузатиш ва тажрибага асосланган, физика, химия, биология каби табиий фанларга ўхшаш аниқ, объектив бўлган фанни яратишга қаратилган таълимот.

**ПРАГМАТИЗМ** – (юнонча – иш, ҳаракат) социал-сиёсий муаммолар ва уларни ҳал қилишда тез амалий натижалар олиш, афзалликларга эга бўлиш, аниқ манфаатларни кўзлашга қаратилган таълимот.

**ПСИХОЛОГИК ЙЎНАЛИШ** – социологиядаги йўналиш бўлиб, социал-сиёсий ҳодиса ва жараёнларни психологик омиллар билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу йўналиш тарафдорлари асосий эътиборни ижтимоий ва индивидуал онгнинг социал-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳамда уларнинг ўзаро нисбати масаласига қаратадилар.

**СИМВОЛИК ИНТЕРАКЦИОНИЗМ** – (лотин.interactio – ўзаро таъсир) социологиядаги муҳим йўналиш бўлиб, ўз эътиборини кишилар ўртасидаги бевосита ўзаро алоқаларга қаратади ҳамда бу алоқаларни социал символларни алмашиш кўриниши сифатида баҳолайди. Бу оқим тарафдорларининг фикрича, кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар узлуксиз мулоқот бўлиб, бу жараёнда улар бир-бирларини кузатадилар, максадларини англаб етадилар ҳамда тегишли муносабатда бўладилар.

**ТАРКИБИЙ ФУНКЦИОНАЛИЗМ** – (лотин.functio – амалга ошириш, бажариш) социологиядаги муҳим йўналиш, методологик ёндашувлардан бири. Бу йўналиш тарафдорлари жамият, ундаги ҳодиса ва жараёнларга ўзининг таркиби, ундаги тегишли ўзига хос вазифаларни бажарувчи элементларнинг ўзаро алоқа механизмига эга бўлган социал тизимлар сифатида қарайдилар.

**СОЦИАЛ БИРДАМЛИК** – кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлиги кўринишидир.

**КООПЕРАЦИЯ** – бир ёки бир қанча социал гуруҳ вакилларининг ягона мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳаракат қилиш жараёни. Ўзаро манфаатдорлик кооперациянинг асоси ҳисобланади.

**БЕГОНАЛАШУВ** – индивид, шахс ёки социал гуруҳнинг иктисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий жараёнлар, муносабатлар ҳамда фаолиятдан узоқлашиш, четлашиш ҳолати. Социологияда бегоналашувнинг иктисодий, сиёсий, социал, маданий ва рухий кўринишларига кўпроқ эътибор қаратилади.

**ОИЛА** – кишиларнинг никоҳ ва қондошлик муносабатларига асосланган жамиятнинг кичик социал ячейкаси. Оила кишиларни мулкчилик, умумий хўжалик алоқалари ва фарзандлар тарбиясидаги ўзаро масъулият ҳисси билан ҳам боғлайди.

**НУКЛЕАР ОИЛА** – Ота-оналар ва уларнинг қарамоғида бўлган болалардан ташкил топган оила шакли. Ҳозирги даврда кўп авлодли оилалардан нуклеар оилаларга ўтиш жараёни яқунланиб бормоқда.

**ЭКЗОГАМИЯ** – никоҳланишда умр йўлдошини танлашдаги чеклаш бўлиб, гуруҳ аъзолари умр йўлдошини ўз гуруҳи ташқарисидан излашади.

**ЭНДОГАМИЯ** – никоҳланишда умр йўлдошини танлашдаги чеклаш бўлиб, гуруҳ аъзолари умр йўлдошини фақат ўз гуруҳи ичқарисидан танлашади.

**ЭТНОС** – маълум бир ҳудудда тарихан қарор топган, маданият ва психологик бирликнинг умумий жиҳатларига эга бўлган кишиларнинг барқарор уюшмаси.

**СОЦИАЛ СИНОФЛАР** – (лотин. classis – гуруҳ, разряд) йирик социал гуруҳлар бўлиб, ўзида умумий социал-иктисодий ва сиёсий мақомга эга бўлган ҳамда ўз ижтимоий ҳолатига кўра бир-биридан фарқланувчи кишиларни бирлаштиради.

**ФАН** – билимларни яратиш ва тўплашни таъминловчи социал институт. Ижтимоий оннинг муҳим шаклларида бири. Фанлар таснифига кўра бир қанча йўналишларга бўлинади. Социологияда фундаментал ва амалий фанларга алоҳида эътибор қаратилади.

**ТАЪЛИМ** – институтлашган жараён бўлиб, унинг асосида кадриятлар, билим ва малака бир киши, гуруҳ ёки уюшма томонидан бошқаларга ўтказилади.

**МАДАНИЯТ** – кадриятлар, ҳаётий қарашлар, хулқ-атвор ва меъёрлар намунаси, шунингдек, турли предметлар, моддий бойликларда (меҳнат воситалари, белгилар қабилар) мужассамлашган ва кейинги авлодларга ўтадиган кишилар фаолиятининг натижаси.

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ** – минтақавий, диний, синфий хусусиятлардан қатъий назар маҳсулотлари барча халқларга тарқаладиган ва оммалашадиган маданият шакли.

**ЭЛИТАР МАДАНИЯТ** – ўзида ҳашаматли санъат, мусика ва адабиёт намуналарини камраб олган ҳамда жамиятдаги сараланган қатлам, олий табақаларга мўлжалланган маданият шакли.

**МАДАНИЙ РЕЛЯТИВИЗМ** – бошқа социал гуруҳлар кадриятларини фақат ўз маданий кадриятлари доирасида тушуниш ва таҳлил қилишга бўлган уриниш.

**ЭТНОЦЕНТРИЗМ** – ҳаётий ходисаларни ўз этник гуруҳининг анъаналари ва кадриятлари доирасида баҳоловчи ҳамда ўз маданиятини умумий эталон сифатида кўрсатувчи этник хусусият.

**ТОЛЕРАНТЛИК** – ўзгалар турмуш тарзи, хулқ-атвори, урф-одатлари, ҳис-туйғулари, қарашлари, ғоялари ва диний эътиқодларига сабр-бардош, тоқат билан муносабатда бўлиш.

**ТРАДИЦИЯ (АНЪАНАЛАР)** – авлодлардан-авлодларга ўтувчи, маълум бир уюшма ёки социал гуруҳда узок давр мобайнида сақланиб қолувчи социал ва маданий мероснинг элементи.

**ҚАДРИЯТЛАР** – борлик ва жамият, нарсалар, воқеалар, ходисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Ғарбда кадриятлар масаласи билан аксиология фани шуғулланади. Фалсафа, маданиятшунослик, социология, психология каби фанлар кадриятлар бўйича тегишли тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

**СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ** – (лот.stratum – қатлам) социал қатлам (гуруҳлар)нинг даромадлари, билим даражаси, ҳокимиятга эгалик қилиши, касбий обрў-эътиборига кўра жамият структурасида юқоридан куйига қараб жойлашуви.

**ТАБАҚА** – наслдан-наслга ўтувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир-биридан фарқланувчи аграр ва кўпгина индустриал жамиятлардаги социал гуруҳлар.

**СОЦИАЛ МОБИЛЛИК** – индивид ёки социал гуруҳнинг жамият ижтимоий тузилмасида бир социал ҳолатдан бошқасига ўтиши, ўз ижтимоий ҳолатини ўзгартириш кўрсаткичи.

**ВЕРТИКАЛ МОБИЛЛИК** – индивид ёки социал гуруҳнинг бир социал қатламдан бошқасига ўтиш жараёни. Вертикал мобиллик юқори мансабга кўтарилиш, даромадларнинг ошиб кетиши ва ҳокимиятда бўлиш билан изоҳланади.

**ГОРИЗОНТАЛ МОБИЛЛИК** – индивид ёки социал гуруҳнинг бир социал ҳолатдан шу даражадаги бошқа бир ҳолатга ўтиш жараёни. Масалан, бир оиладан бошқа оилага, бир диндан бошқа динга ёки бир турар жойдан бошқа жойга ўтиш қабилар.



**ДЕВИАНТЛИК** – индивид ёки социал гуруҳнинг жамият томонидан қабул қилинган умумий меъёрларга мос келмайдиган хулқ-атвори. Бунинг натижасида улар томонидан бу меъёрларни бузиш ҳолати содир бўлади. Девиантликнинг жинойтчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бюрократия каби кўринишлари кенг тарқалган.

**ДЕЛИНКВЕНТЛИК** – милиция ёки полицияда ҳисобда турувчи, мунтазам равишда жиноий ҳаракатлар содир этувчи, тарбияси қийин бўлган кишилар, айниқса, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликларини кўрсатувчи тушунча.

**ШАХС** – социал мавжудот, социал ҳаётнинг онгли субъекти бўлган ҳар бир инсон. Индивиднинг самарали фаолият ва мулоқотлар асосида социал муносабатларга киришини ва социал хусусиятларнинг бир бутунлигини англатувчи тушунча.

**МАРГИНАЛ ШАХС** – индивид ёки шахснинг икки ёки ундан ортик маданиятлар чеғарасидаги оралик ҳолатни эгаллаши ва қисман уларга қоришиб кетишини кўрсатувчи тушунча.

**СОЦИАЛЛАШУВ** – индивид томонидан ҳаёти давомида ўзи яшайётган ва фаолият кўрсатаётган жамиятдаги социал меъёрлар ва маданий кадриятларни ўзлаштириш жараёни. Оила, мактаб, маҳалла, қариндош-уруғлар, жамоатчилик социаллашувнинг муҳим агентлари бўлиб хизмат қиладилар.

**ЖАМИЯТ** – яхлит социал тизим бўлиб, у ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларига эга бўлади. Унда ягона ҳудуд доирасида кишилар умумий маданий кадриятлар ва социал меъёрлар (норма) асосида бирлашадилар.

**ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ** – инсоният ва алоҳида давлатлар илғор тараққиётининг учинчи босқичи (аграр ва индустриал жамиятдан кейинги). Унда замонавий илмий-технологик, ахборотлашган инкилоблар асосида чуқур социал ўзгаришлар содир бўлади.

**ЭЛЕКТОРАТ** – у ёки бу сиёсий партия, сиёсий ташкилот ва унинг вакиллари ҳамда мустақил депутатларга овоз берувчи сайловчилар гуруҳи. Электоратнинг кўлами демократия даражаси, сиёсий партияларнинг фаоллиги, омманинг сиёсий етуқлигига бевосита боғлиқ бўлади.

**МУХОЛИФАТ** – (арабча “муҳолафат” – қелишмовчилик, тесқариллашиш, қарама-қаршилиқ, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ** – бутун жамият ёки алоҳида қисмининг ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотларнинг фаолиятига бўлган муносабатларини очик ва яширин ҳолда ифодаловчи оммавий онгнинг ҳолати.

**МАҲАЛЛА** – ( арабча “маҳалла” – жой, ўрин, макон) – муайян тарихий шароитларда, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма.

**ТАДҚИҚОТ ДАСТУРИ** – тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, умумий йўналишлари, мантикий изчиллик асосида тегишли тахминларни баён қилиш ва бўлажак хулосаларни олишга қаратилган варақа.

**СОЦИОЛОГИК АНКЕТА** – ( фран. enquete – кидириш, тадқиқ қилиш) тадқиқотчи социолог томонидан тузилувчи ва сўров ўтказилаётган киши томонидан унда кўрсатилган тартиб-қоидалар асосида мустақил равишда тўлдирилувчи сўров варақаси.

**ПАНЕЛ ТАДҚИҚОТ** – доимий танлов гуруҳи аъзоларини бир неча марта сўраш орқали тегишли ахборотларни йиғиш усули. Бу усулдаги тадқиқот илгариги сўровлар натижаларининг динамикасини ўрганиш мақсадида ҳам ўтказилади.

**ПИЛОТАЖ ТАДҚИҚОТ** – ўтказиладиган социологик тадқиқотнинг сифатини текшириш мақсадида амалга ошириладиган услубий йўналишдаги синама тадқиқот.

**ДАЛА ТАДҚИҚОТИ** – алоҳида социал объектни унга қулай бўлган табиий шароитларда бевосита ва ҳар томонлама социологик жиҳатдан ўрганиш. Дала тадқиқотлари диагностик, тажрибавий ва монографик шаклларда бўлади.

**ЛОНГИТЮД ТАДҚИҚОТ** – такрорий тадқиқот кўриниши бўлиб, бир социал объект устидан узоқ муддатли, даврий кузатиш олиб борилади. Бу кузатиш натижасида социал объектдаги тегишли ўзгаришлар аниқланади.

**КУЗАТИШ** – социологик тадқиқот усули бўлиб, унинг ёрдамида воқеалар ва уларнинг кечиб жараёнларини тўғридан-тўғри ва бевосита қайд этиш орқали тегишли ахборотлар олинади.

**СЎРОВ** – дастлабки ахборотни тўплаш усули бўлиб, унинг воситасида маълум бир социал гуруҳ вакилларига саволлар билан муурожаат қилинади. Сўров ёппасига ва танлаш кўринишларида бўлади.

**ИНТЕРВЬЮ** – тадқиқот дастурида кўзда тутилган саволларга жавоб олиш учун ўтказиладиган мақсадли суҳбат. Интервью социолог ва сўров ўтказувчи бошқа кишилар томонидан олиб борилади.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК** – социологик танловнинг хусусияти ўрганилаётган асосий соҳанинг характеристикасини (тавсифини) акс эттиришини ифодаловчи тушунча.

**РЕСПОНДЕНТ** – социологик анкета ва бошқа шаклдаги сўров саволларига жавоб берувчи киши.

**ТАНЛОВ** – асосий тадқиқотнинг моҳияти, хусусиятлари ва нисбатини ўзида қатъий акс эттирувчи аҳолининг маълум бир қисми, бўлагини ифодаловчи тушунча.

**ГЕНДЕР ТАДҚИҚОТ** – социологик тадқиқот тури бўлиб, унинг асосида бир маданият доирасидаги жинс хусусиятларига кўра фарқланувчи кишилар хулқ-атворини ўрганиш масаласи ётади.

**АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИЯ** – социологик билимнинг тармоғи, соҳаси бўлиб, фундаментал социология бағрида социал ҳаётнинг ташкил этилиши, амал қилиши ва ривожланишига доир амалий саволларни ҳал қилишнинг йўллари, шакллари ва усулларини ва шу асосда тегишли кўрсатмалар, режалар ва тахминларни ишлаб чиқиш жараёнини ўрганади.

**ЭКСПЕРТ СЎРОВ** – саволларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда тадқиқот предмети соҳасида махсус чуқур билимга эга бўлган мутахассис-экспертлар олдида қўйилиши.

**СОЦИАЛ АХБОРОТ** – жамият аъзолари, гуруҳлар, социал ва сиёсий ташкилотлар, бирлашмалар муносабатларидаги алмашув воситаси бўлган социал ва сиёсий ҳаёт тўғрисидаги билимлар, маълумотлар, далиллар, хабарларнинг йиғиндиси.

**МОНИТОРИНГ** – (инглизча “monitoring” текшириб туриш, назорат этиш) – маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва тахминлаш (прогноз) тушунилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 1998
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар, 11- жилд, 2002.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., “Маънавият”, 2008.
8. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Ўзбекистон овози”, 2008 йил 9 февраль.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т., “Ўзбекистон”, 2009.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т., “Ўзбекистон”, 2010.
11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилсин. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
13. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2011 йил 8 декабрь.
14. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

килишнинг энг муҳим шarti. Халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль.

15. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2012 йил 8 декабрь.

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

17. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Т.: “O‘QITUVCHИ” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.

19. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳовуддин Балогардон. Т.: “Ёзувчи”, 1993.

20. Баҳодир Умаров. Глобаллашув зиддиятлари. Тошкент, “Маънавият”, 2006.

21. Бекмуродов М. Исторические корни изучения общественного мнения/ Методология изучения общественного мнения в Узбекистане. – Ташкент. Ижтимоий фикр., 2004.

22. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане Т.: «Университет», 2006.

23. Гегель Г.Ф. Философия права. М., 1990.

24. Европейская хартия местного самоуправления. – М.: 1998

25. Казаринова Н.В., Филатова О.Г., Хренов А.Е. Практикум по социологии. Учеб. пособие для вузов. М.: “NOTA BENE”, 2000.

26. Камолитдин Юнусов. Социология. Ўқув қўлланмаси. Андижон, 1997.

27. Охрана здоровья в СССР. – М.: “Финансы и статистика”, 1990.

28. «Полис», 1999, №2

29. Руденко Р.И. Практикум по социологии. Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999.

30. Сиз кимсиз ? Психологик тестлар тўплами. Т., «DAVR PRESS», 2008.

31. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекской ССР. – Т.: “Ўзбекистан”, 1990.

32. Социальный менеджмент. Учебник для вузов / С.Д.Ильенкова, В.Н.Журавлева, Л.Л.Козлова и др.; Под ред. С.Д.Ильенковой. – М., Банки и Биржа, 1998.
33. Социология (конспект лекций в схемах). – М.: «Издательство ПРИОР», 1999.
34. Социология.Энциклопедия /Сост. А.А.Грицанов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В.Тарасенко. –Мн., Книжный дом, 2003.
35. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган прогностлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
36. Судьба природы – наша судьба. – М.: 1990.
37. Тохир Малик. Жиноятнинг узун йўли (Ким айбдор?). Тошкент, “Истиклол”, 2004.
38. Убайдуллаева Р.А., Ага-Мирзаев О. Общественное мнение: основные понятия и особенности изучения. В кн.: Методология изучения общественного мнения в Узбекистане. – Ташкент. Ижтимоий фикр. 2004.
39. Умумий социология. Т.: ТошДУ, 1999.
40. Фролов С.С. Социология: Учебник для высших учебных заведений, 2-е изд., переработанное и дополненное. М.: Издательская корпорация “Логос”, 1996.
41. Холбеков А., Идиоров У. Социология (изоҳли луғат-маълумотнома). – Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1999.
42. Холбеков Абдуғани. Бошқарув социологияси. Т., «Akademiya», 2007.
43. Шарифходжаев М., Ахунова Г. Махалля как институт местного самоуправления. Т., 2005.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Социология – фан сифатида .....	6
Социология фанининг юзага келиши ва тараккий этиши .....	11
Маънавий ҳаёт социологияси. Социал муносабатлар социологияси. Фан ва таълим социологияси .....	18
Маданият, дин ва ахлоқ социологияси .....	26
Ижтимоий стратификация ва ёшлар социологияси. Девиант ҳуқуқ- атвор социологияси .....	35
Шахс, жамият ва ижтимоий бошқарув социологияси .....	52
Иқтисод социологияси .....	72
Маҳалла социологияси .....	85
Жамоатчилик фикри социологияси .....	93
Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари .....	102
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	125

**Бобокул Раҳмонов, Анвар Содиқов, Нурали Сиддиқов,  
Гулчехра Ҳашимова, Аброр Санақулов, Лазизжон Юлдашев**

**СОЦИОЛОГИЯДАН  
ТОПШИРИҚЛАР  
ТЎПЛАМИ**

(ўқув-услубий қўлланма)

**Мухаррир** *Б.Алиев.*  
**Тех. муҳаррир** *А.Султанов*  
**Компютерда саҳифаловчи** *Ф.Воҳидов*

Теришга берилди 10.04.2014. Босишга рухсат этилди 05.05.2014.  
Қоғоз формати 60x84 1/16. Шартли босма табоқ 7,0.  
Тиражи 100. Буюртма №65.

“Адабиёт учқунлари” масъулияти чекланган жамияти,  
Тошкент, Ўқчи кўчаси, 109.

“KURO-PRIN” масъулияти чекланган жамияти босмаҳонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор, 28.